


**TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
HUZURIDAGI PEDAGOG KADRLARNI QAYTA
TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI
OSHIRISH TARMOQ MARKAZI**



TASVIRIY SAN`AT VA MUHANDISLIK GRAFIKASI (Tasviriyl san`at)

**Tasvitiy san`at fanining dolzarb
muammolari va zamonaviy yutuqlari**

**MODULI BO`YICHA
O`QUV-USLUBIY
MAJMUA**



TOSHKENT

Mazkur o‘quv-uslubiy majmua Oliy ta`lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2023 yil 25-avgustdagи 391-sonli buyrug‘i bilan tasdiqlangan o‘quv reja va dastur asosida tayyorlandi.

Тузувчи(лар): С.Ф.Абдирасилов - ТДПУ “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” кафедрасининг доценти, п.ф.н.

Тақризчилар: доцент Р.С.Халилов - ТДПУ, “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири.

Хорижий эксперт: п.ф.д., профессори К.Ералин – “К.А.Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети”.

O‘quv-uslubiy majmua TDPU Kengashining 2023 yil 27-iyundagi 11-sonli qarori bilan nashrga tavsiya qilingan.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	27
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	88
ГЛОССАРИЙ.....	124
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	138

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори, 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир” номли нутқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, онлайнларни амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар режалаштирилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади – Таълим тизимининг ислоҳ қилиниши туфайли унинг мазмунини тубдан янгилашга ва таълим жараёнини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш ҳамда сифат самарадорлигини кўтаришга қаратилган.

Махсус фанларни ўқитишда бадиий таълимга оид билим заҳираларини яратиш жаҳон амалиёти савиясида ташкил этиш, кадрлар тайёрлашда ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш, педагогик таълим оловчи шахсда мустақил фикрловчи, билимларни мустақил равищда қидиувчи, ахборотлар тўпловчи ва улардан фойдалана оловчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини орттириш, педагогик тафаккурини кенгайтириш каби зарур назарий ва амалий билим, малака ва кўникмаларини тингловчиларда шакллантиришга йўналтирилган.

Модулнинг вазифаларига қуидагилар киради:

- замонавий фан ютуқларини амалиётга тадбиқ эта олиши, муаммони ечишга ижодий ёндашиши;

“Тасвирий санъат” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- тасвирий санъат фаолиятига полифункционал тайёргарликнинг педагогик асосларини;

- ўқитувчи, санъатшунос ва рассом функцияларини бажаришнинг илмий-педагогик хусусиятларини;

- полифункционал тайёргарликнинг асосий шакллари ва такомиллаштириш йўллари, квалификацион модели ва даражасини;

- бадиий таълимнинг замонавий кўпбосқичли тизимининг дидактик асосларини;

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

тасвирий санъат фанларини ўқитишда илғор таълим технологиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий тамойилларини;

махсус фанлар ва унинг мактаблари, тарихи ва ривожланиши, махсус фанларда ўқув ва ижодий жараён, бадиий образ ва махсус фанлар композицияси, қонун-қоидалари, бажариш тартибларини;

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

тасвирий санъат фаолиятига полифункционал тайёргарликнинг педагогик асосларини;

ўқитувчи, санъатшунос ва рассом функцияларини бажаришнинг илмий-педагогик хусусиятларини;

полифункционал тайёргарликнинг асосий шакллари ва такомиллаштириш йўллари, квалификацион модели ва даражасини;

бадиий таълимнинг замонавий кўпбосқичли тизимининг дидактик асосларини;

олий таълимда педагогик-психологик ҳамда махсус фанларнинг мутахассислик фанларни ўқитиш методикасига йўналтирилганлигини;

олий таълим муассасаларида амалий машғулотлардан ўқув жараёнларини ташкил этишнинг мазмуни ва шаклига қўйилаётган замонавий талабларни;

касбий соҳасидаги педагогик тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ёндашувларни;

тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурларни **билиши** керак.

Тингловчи:

тасвирий санъатдан ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашда инновацион таълим технологияларини жорий этиш;

махсус фанлардан одам боши ва инсон қомати қаламтасвири, инсон портрети рангтасвирини ишлаш;

илгор таълим технологиялари ва воситаларига асосланган таълим жараёнини лойиҳалаштириш;

тасвирий санъат фанларидан амалий машғулотлар ўтказиш;

амалий ишлардан кўргазмалар ташкил этиш **кўниқмаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

илгор таълим технологиялари ва воситаларига асосланган таълим жараёнини лойиҳалаштириш;

назарий ва амалий машғулотларда ҳаётий материалларига асосланган ҳолда технологияларни қўллаган ҳолда дарс машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;

талабаларнинг амалий машғулотларда ўзлаштиришларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

амалий машғулотларни “Устоз-шогирд” тизими асосида ташкил этиш;

педагогик тадқиқотлар натижалари таҳлил қилишдаги замонавий ёндашувлар, методлар ва воситалардан фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

илгор таълим технологияси ва ахборот-коммуникация воситасини юқори малакали ўқитувчилар тайёрлашда таълим жараёнида қўллай олиш;

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

интеллектуал салоҳиятга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлаш технологияси ва таълимининг мазмунини яратиш;

тасвирий санъатдан ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашда инновацион таълим технологияларини жорий этиш;

ижодий ишларни муҳокама қилиш ва таҳқидий таҳлил қилиш;

талабани ижодий жараёнга йўналтиришда педагогнинг касбий ривожлантириш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Тасвирий санъат фанларини ўқитишининг назарий асослари”, “Тасвирий санъат фанларини ўқитишининг инновацион мухитини лойиҳалаш”, “Педагогик тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари”, “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий професионаллигини ошириш” ҳамда “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” каби ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик касбий компетентликни ошириш, педагогик маҳоратга эга бўлиш, педагогик тажрибаларини бойитиш, касбий фаолиятга ижодий ёндашиш, ўз устида ишлаш, касбий такомилга етишиш, ўз-ўзини фаоллаштириш ва ўзида педагогик техникани ривожлантириш орқали таълимнинг сифат ва самарадорлигини юқори босқичга кўтаришга имкон берувчи кўникма, малакаларига эга бўлади.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

Модулни ўқитиши учун 20 соат ҳажмда ўқув юкланмаси ажратилган бўлиб, унинг 8 соати маъруза ва 10 соати амалий машғулотлар учун мўлжалланган.

№	Модул мавзулари	Жами аудитория соати	Жумладан	
			назарий	амалий
1.	Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари	2	2	
2.	Тасвирий санъат фанларида ўқув ва ижодий жараён, бадиий образни ифода этиш воситалари ва композиция.	2		2

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

3.	Тасвирий санъат фанлардан одам боши ва инсон қомати қаламтасвири.	6	2	4
4.	Тасвирий санъат фаолиятига полифункционал тайёргарликнинг педагогик асослари	6	2	4
5.	Бадий таълимнинг замонавий қўпбосқичли тизимининг дидактик асослари	6	2	4
Жами		22	8	14

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари.

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари. Бадий мактаб ва Академиянинг пайдо бўлиш тарихи. Леонардо да Винчи тизими асосида академик қаламтасвирни ўқитиш методикаси. А.П.Лосенко бадий таълим мазмуни ва методлари. Ака-ука Каракчиларнинг академик таълим тизимининг шаклланиши. Рассом-педагог А. Сапожников, қаламтасвирни ўқитишда унинг илмий-методик ишларининг ўрни. П.П.Чистяковнинг педагогик тизими. Д.Н.Кардовскийнинг қаламтасвирни ўргатиш методикасига қўшган ҳиссаси.

2-Мавзу. Тасвирий санъат фанларида ўқув ва ижодий жараён, бадий образни ифода этиш воситалари ва композиция.

Тасвирий санъат фанларининг қисқача ривожланиш тарихи. Тасвирий санъат фанларида ўқув ва ижодий жараёни. Бадий образни ифода этиш воситалари. Композиция воситалари. Олтин кесим.

3-Мавзу. Тасвирий санъат фанлардан одам боши ва инсон қомати қаламтасвири.

Тасвирий санъат фанлардан одам боши ва инсон қаламтасвири. Инсон портрети рангтасвири.

4-Мавзу: Тасвирий санъат фаолиятига полифункционал тайёргарликнинг педагогик асослари.

Ўқитувчи, санъатшунос ва рассом функцияларини бажаришнинг илмий-педагогик хусусиятлари; полифункционал тайёргарликнинг асосий шакллари ва такомиллаштириш йўллари, квалификацион модели ва даражаси.

5-Мавзу: Бадий таълимнинг замонавий қўпбосқичли тизимининг дидактик асослари.

Тасвирий санъат таълимининг хорижий тадқиқотлар контекстидаги методлари ва воситалари. Пранг, Тедд, Аугсбург методик тизими. Тасвирий санъат ижодиётида болаларнинг ривожида биогенетик концепцияси (К.Риччи, Г.Кершенштейнер, К.Лампрехт).

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-Мавзу. Тасвирий санъат фанларида ўқув ва ижодий жараён, бадиий образ ва маҳсус фанлар композицияси. (2 соат)

Тасвирий санъат фанларининг қисқача ривожланиш тарихи. Тасвирий санъат фанлари ўқув ва ижодий жараёни. Бадиий образни ифода этиш воситалари ва композиция. Олтин кесим.

Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда бадиий мактабнинг методларидан фойдаланиш. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда замонавий педагогик тизимда фойдаланиш.

2-амалий машғулот: Тасвирий санъат фанлардан одам боши ва инсон қомати қаламтасвири. (4соат)

Тасвирий санъат фанларни ўқитишида талабаларнинг одам бошини тасвирилашни ишланмаларини яратиш. Тасвирий санъат фанлар дарсларида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш. Тасвирий санъат фанларни ўқитишида талабаларнинг инсон қоматини тасвирилашни ишланмаларини яратиш. Тасвирий санъат фанлар дарсларида педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш.

3-амалий машғулот: Тасвирий санъат фаолиятига полифункционал тайёргарликнинг педагогик асослари. (4 соат)

Тасвирий санъат фанларни ўқитиши принциплари, методлари ва воситалари. Ўқитувчи, санъатшунос ва рассом полифункционал тайёргарликнинг асосий шаклларини жадвалини тузиш. Тасвирий санъат фанларни ўқитиши принциплари, методлари ва воситалари. Ўқитувчи, санъатшунос ва рассом полифункционал тайёргарликнинг квалификацион моделини яратиш.

4-амалий машғулот: Бадиий таълимнинг замонавий қўпбосқичли тизимиning дидактик асослари. (4 соат)

Олий ўқув юртларида қўпбосқичли тизимида тасвирий санъат фанларини ўқитиши жараёнида мустақил таълимни ташкил этишда тавсия этиладиган мавзулар бўйича тақдимот, схема, жадвал, диаграмма, кейс, плакат, хисобот, кроссворд, скандворд, ребус, анаграмма, альбом, мақола, реферат, тарқатма материал ва б. ижодий ишланмалар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустахкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ

- **жихозлар ва ускуналар, мосламалар:** электрон доска-Hitachi, LCD-монитор, электрон кўрсатгич (указка), кадоскоп, флипчарт, доска, бўр, маркерлар, магнитлар, A2, A3, A4 қоғозлари;
- **видео-аудио ускуналар:** видеопроектор, видео ва аудиомагнитофон, микрофон, колонкалар;
- **компьютер ва мультимедиали воситалар:** Интернет тизими, компьютер, Dell типидаги проектор, DVD-дисковод, Web-камера.

П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Хозирги вақтда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топди. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Педагогик технология - бу таълим шаклларини оптимизациясини ўзига мақсад қилиб олган инсон ва техник ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш, қўллаш ва аниқлашнинг ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг услубларидир.

Педагогик технология пайдо бўлгунга қадар таълим тизими доирасида таълим жараёнини етарли самарали лойиҳалаш қоидаси ишлаб чиқилмаган. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишда ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзаликда эмас, балки режалаштирилган натижа олиш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташхисли текшириш, таълимни алоҳида ўргатувчи қисмларга бўлиб ташлаш ўқув жараёнининг қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиши цикли ғоясига бирлаштириш имконини беради. У асосан ўз ичига куйидагиларни олади.

- таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- педагогларнинг билим даражаларини дастлабки баҳолаш;
- бажариладиган ўқув ишларни мажмуаси;
- натижани баҳолаш.

Инновация масаласига алоҳида эътибор беришимизнинг бир неча муҳим сабаблари бор. Биринчидан, биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқиш ва мустақил тараққий топтириш йўли – “ўзбек модели” беҳад катта ва улкан, узоқ муддатли, энг устувор ва оламшумул умуммиллий инновацион лойиҳа ва дастуриламал бўлди. Иккинчидан, инновация, инновацион фаолият ҳамда инновацион тизим Ўзбекистоннинг ўз мустақиллиги учун курашда ва тараққиёт йўли – “ўзбек модели”нинг таркибий қисми йўналишларидан бири сифатида мустақиллик йилларида пайдо бўлди. Учинчидан, маълум бўлганидек, буларнинг ҳар иккаласи – “ўзбек модели” ва инновация ўзаро узвий боғлиқликда дунёга келди. Уларнинг бири иккинчисини мазмунан бойитди, жамиятга таъсирчанлигини оширди. Тўртинчидан, “ўзбек модели” ҳам, инновация ҳам фақат бир буюк мақсадга ҳизмат қилди ва қилмоқда. Бу Ватан ва миллатни мустақил қилиб, такомиллаштириш, жамият ривожи, илм-фани ва техника

тараққиётини тезлаштиришдан иборат бўлди. Буларни тўла тўқис англаш, масаланинг мазмуни ва моҳиятини янада чуқурроқ ҳис қилиш учун энг аввало, инновация ҳақида алоҳида тўхталишига эҳтиёж туғилмоқда. Чунки, бу мутлақо янги тушунча ва соҳа бўлиб, ҳали тўла-тўқис англанилганича йўқ.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қуидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (инглизча *innovation* – киритилган янгилик, ихтиро) 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”.

Бу энциклопедик қисқа маълумотда инновацияга умумий таъриф-тавсиф берилган. Асосан табиий фанлар, техника, технология, ишлаб чиқаришларга оид янгиликлар ёки умуман инсоний меҳнат фаолиятлари, янгиланишларига сабабчи бўладиган янгиликлар, янги интеллектуал билим, ғоя, назария ва таълимотлар назарда тутилган.

Инновация тушунчаси ва унинг мазмуни ҳам худди фан методологияси каби кенг – умумий ва тор, ҳусусий характерга эга.

Методология билан инновация ўртасида ўзаро умумжиҳатлик ва мақсад бирлиги мавжуд. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсоний билимлар такомил топиши, ишлаб чиқариш ва жамият тараққиётига хизмат қиласи. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар қандай инновация ва инновацион лойиҳалар амалга оширилиши, ҳаётга тадбиқ этилишида аниқ бир методологик илмий ғоя, таълимот, назария, усул ва тамойилларга амал қилинсагина, улар рўёбга чиқади. Акс ҳолда, у қуруқ, натижасиз ҳаракат бўлиб, қолади. Албатта, ҳар янгилик, яъни инновация остида янги ғоя ва технология ётади. Мана шу ишлаб чиқариш ёки бирор бир фан учун илмий методологик асос яъни йўл кўрсатувчи, даъват этувчи куч-кувват бўлади.

Методологик асос ва усуллар қанчалик илмий ҳақиқатга яқин бўлса, инновацион лойиҳа шунчалик муваффақият ва самара билан якун топади.

Таълим-тарбия жараёнига инновацион технологияларни киритиш орқали ўқитувчи ўзини янги яратилаётган шароитга тайёрлаши керак бўлади. Тажрибали педагог олимларимиз ўз вақтини республикамизда жамланган бой тажрибаларга суюниб янги технологиялар яратишга, уларга инновацион технологияларни сингдириб, ўзимизнинг замонавий педагогик технологиямизни яратиш устида ҳамжиҳатлик билан илмий ва методик иш олиб боришга сарфлаши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яратилган ўзимизнинг замонавий инновацион педагогик технологиялар асосида “Инновацион мактаб”лар тизимини яратишга ўтиш зарур.

Бундай мактабларда барча предметларни ўқитишида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланилади. Шунда “ўқитувчи-ўқувчи” ўрнида “ўқитувчи-компьютер-ўқувчи “тизими ҳосил бўлади.

Таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашиш ўқувчиларда янги тажриба эгаллашга интилишни ривожлантириш, ижодкорлик ва танқидий фикрлаш, келажакка умид билан қараш каби хислатларни тарбиялади.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиб бораётганлиги ва ўз ортидан янги имкониятлар очиб, таълим муассасалари ўқув жараёнига ҳам янги ёндашув талаб этилишига сабаб бўлаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Таълим жараёнида ахборот технологияларининг бир қатор дидактик имкониятлари мавжуд. Давримиз талаб эҳтиёжига кўра ахборот технологияларини таълим муасссалари ўқув жараёнини системалаштирувчи, боғловчи, амалий ташкилий омил сифатида қаралиши мумкин. Ахборот технологиялари кутубхоналар, ҳужжатлар ва ўқувчиларнинг ижодий ишлари каби ахборотлар жамланмаси, маълумотлар баъзасини тузиш, таълим жараёнини системалаштириш, ўқувчиларнинг амалий ижодий ишларини ташкил қилиш имконини беради.

Бу барча воситаларни ўқувчилар ўқитувчининг назорати остида, дарсда шакллантирган амалий кўникма, малакаларини амалга ошириш имкони беради.

Интернет тармоғи ўқувчиларга жуда кўп имкониятларни яратади. Интернет тармоғига чиқиши орқали назорат ишлари тарқатилиши ва маҳаллий электрон почтадан қабул қилиниши мумкин. Бундай кўринишдаги ишлар дарсда масофавий таълимнинг тармоқ шаклларини моделлаштиришга ёрдам беради.

Кундан-кунга масофавий тармоқ курслари ва танловлари оммалашиб бормоқда. Ўқитувчи энди билим ахборотларини етказувчи ягона марказ эмас, компьютер технологияларини қўллаш билан масофавий таълим бериш ва олиш имкониятига эга бўлиб бормоқда.

Талабалар кўпинча Интернет тармоғи орқали ўз-ўзини ўқитиш билан қизиқиб шуғулланмоқдалар, ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўладилар, умумий қизиқишлиарни топадилар. Бундай ишлар тармоқдаги ўзаро муносабатларни шакллантиради, Интернет тармоғи талабага телекоммуникация имкониятларини ҳис қилишни, бошқа мамлакатдаги тенгдошлари билан танишиш ва бирга ишлаш воситасига айланмоқда.

Ахборот технология воситалари талабага ўз тасаввурларини “электрон кўриниш”да намоён этиш ва ўз маҳсулотининг рақобатбардошлигини, ўз ғояларини оммавийлигини текшириш имконини беради. Талабага ҳақиқий қизиқарли ва ўзига хос ресурс яратиш учун у биринчи навбатда, барча маълумотларни ўрганиб чиқиши, унинг талаблари руҳиятининг хусусиятларини сезиши, ресурснинг янгилигини белгилаши ва амалий аҳамиятини англаш этиши зарур. Буларнинг барчаси талабанинг ўз билимдонликларини шакллантиришга, унинг ҳаётдаги амалий йўналишини белгилашга сабаб бўлади.

“Ақлий ҳужум” методи

Ақлий ҳужум усули

Ақлий ҳужум (брейнстроминг - ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қофозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар тақороланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Гояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гурӯҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гурӯҳ муаммосини ечиш
6. Гурӯхнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

“SWOT-таҳлил” методи.

S – (strength)

- кучли томонлари

W – (weakness)

- заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity)

- имкониятлари

T – (threat)

- тўсиклар



Намуна: Рассом ижодкорлар учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

S	Рассом ким ? Бадий асар яратувчи.	Рассом бу тинмай изланувчи ижодкор инсон.
W	Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар.	Замонавий йуналишда ижод этаётган таникли рассом А.Нуридинов асарларида севги, оила, садоқатлик, тарбия ва жамиятдаги фалсафий тамойиллар асосида ижод этаётган ижокорларданdir.
O	Рассомлар чизиқлар, шакллар, ранглар, тасвирий санъат воситалари ёрдамида бадий образли асар яратадиган инсонлар. (ички)	Улар тасвирий санъат воситалардан, чизиқлар, шакллар, тасвирий санъат воситалари билан тасвир орқали ўз фоясини, фикрини баён эта оладилар.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Рассомларга эркинлик бўлмаса чизиқлар, шакллар, тасвирий санъат воситалари билан ўз асарларида тасвир орқали баён эта олмайдилар.

“Балиқ скелети”

Натюроморт композициясини “Балиқ скелети” чизмаси Бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.



Мисол: “Рассом ижодкорлар” мавзусидаги матн.

Биламиз. Билишни истаймиз? Билиб олдик. (БББ)

Биламиз	Билишни истаймиз	Билиб олдик
1.Рассом янги ғояда асар яратадиган инсон.	1.Хар бир изланувчи инсонни рассом деб аташ мумкинми?	Илмий амалий изланишларни олиб борувчи, янги усул ва воситаларни қўллай оладиган инсонни рассом деймиз.
2.Рассомлар тасвирий воситалардан, чизиклар шакллар, воситаларни ўз асарларида тасвир орқали баён эта оладиган инсонлар. Маънавий эстетик тарбияловчи	2.Дунёдаги ғоявий композициларни тасвирла оладиган рассомлар қаторига кимларни киритса бўлади.	P.Ахмедов тасвирлаган асарлар ҳозирги рассомлар учун амалий методик ўқув жараёнидаги ривожланишида фойдаланилмоқда.
3.Рассомлар асарида инсоннларни маънавий-маърифий эстетик тарбияловчи инсонлардир.	3.Рассом бўлиш учун нима қилиш керак?	Ўрал Тансиқбоев манзараларини бутун ўзбекистондагина эмас балки европа давлатлрида хам мароқ билан томоша қиласидилар.
4.Рассом бу тинмай изланувчи инсон	4.Ижодий асарларни тасвирлашни паёни борми?	Абдулҳақ Абдуллаев портрет жанрида ижод этган таникли рассомларданур.
5.Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар.	5.Компьютерда ижодий асар яратса бўладими ?	Замонавий йуналишда ижод этаётган таникли рассом А.Нуридинов асарларида севги, оила, садоқатлик, тарбия ва жамиятдаги фалсафий тамойиллар асосида ижод этаётган

		ижокорлардандир.
6.Ўзбекистонлик рассомлар	Ўзбекистонда таниқли методик қўлланмалар, услугбий қўлланмалар устида ишлаб келаётган таниқли рассом ва педагоглардан кимларни биласиз?	Ўзбекистонда таниқли методик қўлланмалар, услугбий қўлланмалар устида ишлаб келаётган таниқли рассом ва педагоглардан: Р. Хасанов, М. Набиев, Х. Эгамов, Р. Худайберганов, Н.Орипов ва бошқ.


Интерьерда натюромортни акс этириш



хонани ички кўринишини переспективада акс этирилади. Тасвирий санъат жанрларидан: натюроморт, портрет, тарихий, майши анимал кўринишларда фон вазифасини ўтайди.

Интерьерда уйни эшик деразаларнинг шакли, ҳажми, девор ва шифт, полни безаги ва уй жиҳозларининг безаги тасвири орқали қайси даврга мансублигини билиб олишимиз мумкин. Интерьер - ички меъморий мухит холати орқали хонадон соҳибасининг диди ҳақида ёки завод цехнинг жиҳозланишига қараб илмий, тараққиёт ҳолати ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Интерьерда натюромортни переспективада акс этириш, тасвирлаш жараёнлари кўрсатилган.

Интерьер, композицияси мавзусидатасвирий санъат ўқитишининг замонавий технологиясини қўллаш.



«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («саце» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким? (Who), Қачон? (When), Қаерда? (Where), Нима учун? (Why), Қандай? Қанақа? (How), Нима-натижа? (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Инсерт” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- “Тасвирий санъат” бўйича янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, рангтасвир бўйича ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

➤

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар профессор - ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



“Брифинг” - (инг. Briefing - қисқа) Рангтасвир бўйича бирор – бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс - конференция.

Ўтказиш босқичлари:



Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бирор бир асарни чизишдан олдин бир шакл сифатида олдин чизилган биор асар масалан: “Монализа” портретини олайлик тингловчилар билан бирга шу асар қачон ва ким томонидан яратилганлиги муҳокама қилинади ва бошқа рассомларни чизган портреттаҳлил қилинади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган янги асар тақдимоти ўтказилади.

“Портфолио” методи.

“Портфолио” – (итал. Portfolio - портфель, ингл. хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йигиндиси сифатида акс этади. Жумладан, ҳар бир тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуийдаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯхӣ
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурӯҳи, тингловчилар гурӯҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Хар бир тингловчи курс мобайнида ўзининг шахсий портфолиосини киритиб борадилар.

Ўқитишининг тўрт поғонали усули

Бу усул АҚШ да пайдо бўлиб саноат корхоналарида конвеерли ишлаб чиқариш қўпайган сари шундай ўргатиш усуллари зарур бўлиб қолдики, ишчилар бир хилда қайтариладиган қўл кўникмаларини иложи борича тез ва мукаммал равишда ўрганиб олишлари керак эди.

Бу усулда амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёни 4 поғона доирасида кечади. Бу поғоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш». Яъни амалиёт ўқитувчиси талабаларга аввал кичикроқ бир иш босқичини тушунтириб беради, кейин нима қилиш кераклигини қилиб кўрсатади. Сўнг талаба шу иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариши (имитация қилиши) керак. Талаба қайтариб қилаётган пайтида амалиёт ўқитувчиси хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қиласди).

Ундан кейин эса шу иш босқичи машқ тарзида талаба уни мукаммал ўзлаштиргунича кўп маротаба қайтарилади.

Бу усул психологияда асосланган бўлиб, бихевиоризм (яъни инсон ўзини тута олишига оид) назариялардан олинган.

Тўрт поғона усули доирасидаги ҳаракатлар

4 поғона деб қуидаги поғоналар аталади. Улар давомида бир амалиёт ўқитувчиси бир талаба ҳаракат қиласди:

1-поғона: Амалиёт ўқитувчиси нима қилиш кераклигини тушунтиради. У талабаларга маълум бир иш босқичи ёки бир кўникмани қўллаш учун керакли барча маълумотларни беради. Талабалар эса амалиёт ўқитувчиси оғзаки тушунтиришларини тинглашади.

2-поғона: Амалиёт ўқитувчиси тушунтирилган иш босқичи қандай қилиниши кераклигини қилиб кўрсатади, талабалар эса қараб



туришади. Одатда амалиёт ўқитувчиси нима қилаётгани ҳақида талабаларга изоҳлар бериб боради. Яъни бу ерда демонстрация (намойиш этиш) тушунчаси ҳам ишлатилиши мумкин.

3-поғона: Амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтарадилар. Амалиёт ўқитувчиси улар қилаётган иш юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларни тўғрилаб туради.

4-поғона: Ҳар бир талаба иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариб, кўрганидан ва иш босқичини тўғри бажариш бўйича амалиёт ўқитувчисининг изоҳларни тушунганидан кейин, бу иш босқичи кўп маротаба машқ қилинади ва кераклигича, яъни мақбул натижага эришилмагунича такрорланади.

Бундан кейин амалиёт ўқитувчиси кейинги иш босқичига ўтади. Бу босқич ҳам 4 поғонадан иборат.

Бу 4 поғона усулининг асосий белгиси шуки :

- амалиёт ўқитувчиси томонидан бошқарилган назарий ва амалий маълумот бериш даврлари (фазалари) энг бошида туради сўнг эса талабаларнинг ҳаракатлари билан алмашинади;

- талабаларнинг ҳаракатлари амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланган;

- талабалар индивидуал ўрганишга (ўзлаштиришга) йўналтириладилар лекин мустақил фикрлашга ҳақлари йўқ;

- иш ташкиллаштириши (иш тартиби) одатда ҳеч қандай янгича ёндашувларга йўл қўймайди.

Йўналтирувчи матн усули

Йўналтирувчи матн усули ўтган асрнинг 70 йилларида Германияда, «Daimler Benz» корхонасининг Гаггенау шахридаги (Daimler Benz AG (Gaggenau) ўкув устахонаси томонидан ишлаб чиқарилган. Бу усул товуш ва тасвирилар презентациялар билан жиҳозланган мустақил ўрганиш дастурлари шаклидаги лойиҳавий касб-хунар таълимiga қўшимча сифатида ишлаб чиқарилган.

Бошланғич шаклида бу усул касб-хунар таълими амалиётчилари томонидан ишлаб чиқарилган, кейинчалик эса назарий жиҳатдан асосланиб илмий асосда такомиллаштирилиб олий таълимда кўлланила бошланган.

Йўналтирувчи матн усулида қуйидаги 6 босқич фарқланади;

улар доирасимон ҳаракатда алмашишади:

- маълумот йиғиши;
- режалаштириши;
- қарор қабул қилиши;
- амалга ошириши;
- текшириши;
- холоса чиқариши.

Йўналтирувчи матн усули босқичлари



Бу босқичлар ҳаммаси талаба томонидан амалга оширилади. Бу усулни ишлаб чиқарилишига сабаб лойихалар устида иш билан боғлиқ ташкилий муаммолар эди, чунки ўқувчилар ҳар хил тезликда ишлашлари туфайли бутун гурух учун инструктаж ўтказишга қулай вақтни топиш қийин эди. Бир талаба ҳаммадан тез ишлаб янги кўникмани ўрганишга тайёр бўлган бўлса, секинроқ ишлаган талабалар учун эса янги инструктажнинг фойдаси жуда кам эди. Қайтага янги инструктаж уларнинг ишларига халал бергандай ёки кераги йўқ тўхталиш каби туюлар эди. Яъни талабалар қизиқиши (мотивацияси) қисман барбод қилинади.

Йўналтирувчи матнлар ёрдами билан мустақил инструктаж имконияти пайдо бўлди ва ҳар бир талаба айнан унга янги кўникма учун билимлар керак бўлган пайтда шу билимларни олиши мумкин бўлди.

Энг биринчи йўналтирувчи матнлар - бу асли оғзаки равища да ўтказиладиган инструктажларнинг ёзма шакли эди. Лекин барибир барча маҳсус маълумотлар талабаларга иложи борича оғзаки берилар эди.

Бугунги кунда эса йўналтирувчи матнлар шундай тузилганки талабалар йўналтирувчи саволлар ёрдамида ўзлари керакли маълумотларни (китоб, жадвал, инструкция, видеокассеталар ёки компьютер дискларидан олиб) ишлаб чиқаришни ўрганишади.

Натижада ҳозир янги бир ўргатиш усули ва янги бир ўрганишни ташкиллаштириш тарзи вужудга келди. Унинг асосий белгиси - бу ўкувчи кўпроқ мустақил равища да ўрганишидир; амалиёт ўқитувчиси эса заифроқ талабалар билан кўпроқ шуғулланиши мумкин бўлиб қолди. Талабаларнинг мустақил ишлаши эса ўз навбатида қўшимча фойда келтирмоқда: юқорироқ кўникма ва қобилияtlар соҳасида яъни биргаликда мулоқотда бўлиш, биргаликда режа тузиш, қарор қабул қилиш ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилияtlар ривожланади.

Командада (биргаликда) ишлаш орқали муайян ижтимоий компетенциялар ривож топади ва уларга мўлжалланган мақсадлар ҳам белгиланиши мумкин бўлади. Кўриб турибмизки, вақт ўтган сари йўналтирувчи матн усули қўлланишининг маъноси ўзгарди чунки бугунги кунга келиб бу усул айнан ўша «пойdevor квалификациялар» деб аталган қобилияtlарни ривожлантириш мақсадида қўлланади. Бу тушунчани Германияда таълимот мунозарасига меҳнат бозори тадқиқотчиси Д. Мертенс киритган. У бу тушунча билан асосан услубий компетенцияларни (яъни фикрлаш, ташкиллаштириш ва режалаштириш усулларини) атаган.

Хозирги кунда эса бу тушунча билан шундай қобилияtlар кўникма ва ўзини тутиш тарзлари аталадики, улар айнан шу касб-хунарга оид квалификациялардан ташқари ва уларга қўшимча сифатида барча бошқа касб-хунарларда керак бўладиган ҳатти-харакатларни билдиради.

4 поғона усули билан солиширадиган бўлсак бу усулда амалиёт ўқитувчисининг фаолияти кўпроқ дарсдан олдин ва дарсдан кейин қилинадиган ишлардан иборат. Лекин бевосита инструктаж жараёнида қилинадиган ишлар эмас; ўкувчилар эса қайтага барча даврларда (фазаларда) мустақил ишлашади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-Мавзу: Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари.

Режа:

1. Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари. Бадиий мактаб ва Академиянинг пайдо бўлиш тарихи.

2. Қаламтасвир ва унинг илмий-методик ишларининг ўрни.

Таянч тушунчалар: *тасвирий санъат фанлари, бадиий академия, қаламтасвир.*

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари. Таълимнинг барча ўйналишларида рақамли трансформация бўлмоқда ва жуда мураккаб вазифадир. Шу жумладан: рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган таълим мақсадларини белгилашга янги ёндашувни ишлаб чиқиш;

рақамли таълим технологиялари, воситалари ва ресурсларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш (рақамли таълим мухитини шакллантириш);

рақамли таълим технологияларининг дидактик салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиши таъминлайдиган таълим жараёнини ўзгартириш.

Сўнгги йилларда марказлаштирилган таълим моделидан тармоқ алоқаларига ўтиш, мослашувчан таълим мухитини яратиш ва индивидуал таълим траекторияларини қуриш кузатилмоқда. Замонавий технологияларни жорий этиш жараёни бошланиши билан муассасаларнинг ривожланиши имкониятлари сезиларли даражада кенгаймоқда, ўқитишнинг янги форматлари ривожланмоқда.

Рақамли таълим жараёнининг қурилишига таъсир қилувчи асосий омиллар:

а) янги технологиилар; б) рақамли иқтисодиётнинг кадрлар учун янги талаблари; в) «рақамли авлод»;

Шу муносабат билан замонавий талабаларни рақамли иқтисодиёт шароитида алоқа ва касбий фаолиятга тайёрлашга мўлжалланган ўқув жараёнини ташкил этишда глобал ўзгаришлар рўй бермоқда. Замонавий меҳнат бозори шахсий ривожланиш ва ўз тақдирини ўзи белгилашга ундайдиган, ишни ўқиш билан бирлаштира оладиган, рақамли саводхонлик, ижодий ностандарт ечимларга мойиллик, мулоқот қобилиятлари каби профессионал ваколатларга эга бўлган мутахассисларга муҳтож.

Олий ўқув жараёнини рақамлаштириш қўйидагилардан иборат:

мавжуд таълим жараёнини ўзгартириш ва қайта кўриб чиқиш;

касбий таълимда виртуал воситалар ва реал ишлаб чиқариш жараёнларининг мақбул алмашинуви;

ўқитишинг янги шакллари ва усулларидан фойдаланиш ва ўқув фаолиятини ташкил этиш орқали ўқув жараёнига нисбатан мослашувчанликни ривожлантириш;

янада мураккаб вазифаларни ҳал қилишга тайёрлигини қўллаб-куватлаш учун виртуал ҳақиқатдан фойдаланиш орқали талабаларнинг ўқув фаолияти ва мустақиллигини рағбатлантириш;

мехнат бозорида касблар ва бўш иш ўринларининг жозибадорлигини ошириш.

Таълим соҳасини рақамлаштириш шароитида педагогик таълим дидактикаси модернизация қилинмоқда.

Рақамли дидактиканинг таъсир доираси рақамли технологиялар фаолияти шароитида ривожланадиган таълим экотизимиdir. Рақамли дидактиканинг асосий фарқлари **қуидаги қоидаларга асосланади**.

1. **Ўқув жараёнининг тизимни** ташкил этувчи элементларини ўзгартириш (мақсадлар, таркиб, шакллар, ўқитиш усуллари ва воситалари). Рақамли дидактика рақамли жамият эҳтиёжлари ва талабаларнинг ўзига хос хусусиятларига нисбатан замонавий ўқитиш усуллари ва рақамли ўқув воситаларини яратиш учун ўқув фаолиятининг барча даражаларини интенсивлаштиришга қаратилган. Анъанавий ва э-Леарнинг комбинацияси бўлган янги таълим шакллари (онлайн, аралаш, гибрид, комбинацияланган) пайдо бўлмоқда.

2. **Таълим фаолиятининг янги ташкилий шаклларининг пайдо бўлиши.** Рақамли таълим муҳитида таълим фаолиятининг хилма-хиллиги янги ташкилий шакллар (вебинарлар, видеоконференциялар, видео маъruzалар, виртуал консультациялар, виртуал репетиторлик ва бошқалар) тўплами орқали амалга оширилади.

3. **Ўқув материалини тақдим этиш таркибини ўзгартириш.** Анъанавий дидактикада ўқув материалини тақдим этишнинг энг кенг тарқалган тузилмалари чизиқли (ўқув материалининг бўлаклари ўзаро боғлиқ элементларнинг узлуксиз кетма-кетлиги шаклида тақдим этилади), концентрик (янги материални ўрганиш илгари ўтганларни тақорлаш асосида амалга оширилади), спирал (ўрганилаётган муаммо ҳар доим ўз кўринишида қолади, аста-секин кенгайиб боради ва у билан боғлиқ маълумотлар чуқурлашади). Рақамли таълим муҳити гиперматнли тизимдан фойдаланади, бу эса ҳаволаларни босишга имкон беради.

Сўзлар, иборалар ёки расмларга киритилган ҳаволалар “Навигатор” бўлиб хизмат қиласи ва фойдаланувчига дарҳол маълумот ва медиа материалларини намойиш этишга имкон беради. Ушбу технология турли хил маълумотларни бирлаштириб, юқори даражадаги кўриниши билан ажralиб турадиган ўқув материалининг гипермедия қисмларини яратишга имкон беради.

4. **Таълим ресурсларининг янги турларининг пайдо бўлиши.** Замонавий таълим жараёни дидактик муаммоларни ҳал қилиш ва ўқувчига комплекс таъсир кўрсатиш учун улкан салоҳиятга эга бўлган рақамли таълим

ресурслари билан тўлдирилган: ўрганишга қизиқиши рафбатлантириш; ижодий салоҳиятни ривожлантириш; билимлар доирасини кенгайтириш; ўқитувчи ва талаба ўртасида алоқа ва фикр-мулоҳазаларнинг янги шаклларини ўрнатиш; автоматлаштирилган ўзини ўзи бошқариши жорий этиш; ўқитувчининг ўқитиш сифати ва қасбий даражасини ошириш ва бошқалар.

Рақамли таълим ресурслари рақамли шаклда сақланадиган ва узатиладиган ахборот таълим ресурслари.

Буларга қуидагилар киради:

«анъанавий» манбалар (видео, аудио сегментлар, статик тасвиirlар ва бошқалар) рақамли шаклда тақдим этиладиган таълим ресурслари;

Фақат рақамли форматда ишлайдиган манбалар (интерфаол схемалар, тестлар, топшириқлар); динамик моделлар; электрон дарсликлар ва кўлланмалар, ўкув курслари; маълумотлар базалари; тақдимотлар; электрон журналлар; амалий дастурлар тўпламлари ва бошқалар.

5. Виртуал ҳақиқат мавжудлиги. Замонавий рақамли ва ахборот-коммуникация технологиялари виртуал дунёни яратишига ва виртуал ҳақиқатга киришига имкон беради. Виртуал ҳақиқат атамаси инсоннинг маълум бир муҳитда бўлиш ҳисси сунъий равишида яратилган ҳар қандай вазиятни англатади.

Ўқитиши усуллари ва технологияларини киритиши орқали виртуал ҳақиқат ўрганилаётган обьектлар билан аудиовизуал ва ҳатто ҳиссий алоқани амалга оширишига имкон беради; ҳақиқатда мавҳум ва такрорланмайдиган тасвиirlар ва ҳодисаларни ўрганиш; турли хил шахсий обьектлар, сюжетлар, жараёнларни контакtsиз бошқариши амалга ошириш; ғалати қарашни ривожлантириш; эстетик дидни шакллантириш.

Виртуал ҳақиқат воситалари ва технологияларидан фойдаланиш ўкув мотивациясини кенгайтиради, ўкув фаолиятини фаоллаштиради, ўкув жараёнини яхшилайди, турли хил, визуал, интуитив ва назарий фикрлашни ривожлантиради.

6. Ўқитувчининг ролини ўзгартириш. Ўқитувчининг рол функцияси ўзгаради: ўқитувчи ўкув жараёнининг маркази ва асосий маълумот манбаи бўлишни тўхтатади, унинг асосий вазифаси ўкув тизимига янги билимларни ўзлаштириш методологиясини киритишидир.

Талаба таълимнинг мақсадлари ва мазмунини аниқлаш жараёнида субъектив позицияга ўтади. Ушбу ёндашув ҳар бир кишига маълумот ва билимларни топиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун турли хил технологиялар ва техник воситаларни қўллаш орқали ҳаёт давомида таълим ва янги ваколатларни олиш имкониятини беради.

Рақамли дидактиканинг асосий хусусиятларига қуидагилар киради:

таълимни шахсийлаштириш (талабаларнинг ўкув жараёнининг траекториясини мустақил равишида аниқлаш);

мослашувчанлик (талабаларнинг хусусиятлари учун дастурни автоматик созлаш);

тўйинганлик (турли манбалар, хизматлар, таълим ресурслари билан ишлаш);

полимодаллик (ўқув жараёнида турли хил идрок этиш усулларидан (визуал, эшитиш, мотор) фойдаланиш ва бунинг учун турли хил қурилмалар - тренажорлар, симуляторлар, кенгайтирилган ҳақиқат воситаларидан фойдаланиш);

баҳолашнинг киритилиши (ўқув жараёни давомида талабанинг муваффакиятини доимий мониторинг қилиш ва баҳолаш).

Адабиёт таҳлили олий таълимни рақамлаштириш билан боғлиқ тўртта йўналишни ажратиб кўрсатди. Бу анъанавий таълим дастурлари ва ўқув фанларига рақамли воситалар ва технологияларни жорий этиш ёки аралаш таълим моделини шакллантириш;

- онлайн таълимни ривожлантириш;
- виртуал (рақамли) таълим муҳитини яратиш;
- таълим ташкилотларини бошқаришга ёндашувни ўзгартириш.

Олий таълимни рақамлаштириш жараёнини такомолаштириш учун олий таълим тизимидағи фанларни ўқитищдаги замонавий усуллар технологияларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва тадбиқ қилиш мамлакатимиз таълим соҳасидаги олиб борилаётган мақсадларга мувофиқ ва бу жараённи ривожлантириш, амалга ошириш мақсадида меъёрий-хуқуқий асослари босқичма-босқич ишлаб чиқиш лозим.

Бадиий мактаб ва Академиянинг пайдо бўлиш тарихи.

Тасвирий санъат фанлари ихтисосликнинг асосий фанларидир, айнан шулар асосида талаба келажакдаги мутахассисга айланади. Тасвирий санъат ўқитувчиларининг маҳсус тайёргарлиги ҳар хил мазмундаги турли илмий ишларда талқин этилади. Луғатларда “маҳсус” тушунчаси маълум бир мутахассисликнинг йўналиши билан боғлиқ ва фаолият натижасида қайд этилган. “Маҳсус” атамаси баъзан маълум бир мавзу билан боғлиқ. “Маҳсус қаламтасвир”, “маҳсус рангтасвир” тушунчалари бадиий фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланиладиган қаламтасвир ва рангтасвирнинг турли хил техникаси ва технологияларини кенгайтирилган ўрганишга мўлжалланган мавзу билан белгиланади. Шундай қилиб, маҳсус қаламтасвир ёки маҳсус рангтасвир - бу бадиий-график фаолиятнинг билим, кўникма ва кўникмаларини (тасвирий, график, рангтасвирли, амалий-безакли, дизайн) ўргатадиган мавзулар.

Бадиий таълимнинг адабий манбаларида “маҳсус тайёргарлик” тушунчаси фаолият йўналиши сифатида ҳар хил талқин этилади: масалан, Н. Н. Ростовцев келажакдаги тасвирий санъат ўқитувчиларининг ўқитувчини келгуси иши учун зарур бўлган академик расм чизишни ўргатиш асосида шаклланган натижаси сифатида маҳсус тайёргарлигини кўриб чиқади. синфда табиатдан расм чизиш.

Бадиий педагогик таълим бўйича маҳсус тайёргарлик муаммоси кўплаб олимлар, рассомлар ва ўқитувчилар эътиборида. Фаолият йўналиши

сифатида бадий таълим адабиётларида "максус тайёргарлик" тушунчаси ҳар хил талқин этилади.

"Талабаларни максус тайёрлаш, - деб ҳисоблайди Г.Б.Беда, - бу тасвирий санъат ўқитувчисининг кейинги ишларида, ўкувчиларга расм чизиш асосларига ўргатиш учун табиатдан дарслар чизища фойдаланиладиган, расм саводхонлиги кўникма ва кўникмаларини шакллантирадиган академик расмни ўрганиш жараёни".

"Максус машғулотлар келажакда тасвирий санъат ўқитувчиларининг композицион ва педагогик фаолияти сифатида тақдим этилади, бу мактабда мавзули расмларни ташкил этиш жараёнида қўшимча иш олиб бориш зарурати учун зарурдир". Н.В. Унковский "максус тайёргарликни шакллантиришда марказий таркибий қисмлар ижодий муаммони" кўриш, бадий ғоялар, ижодий фикрлашни яратиш қобилиятида" намоён бўладиган инновацияларнинг таркибий қисмлари деб ҳисоблайди. Педагогикада у буни "педагогик ишнинг ажралмас шарти, ностандарт фаолиятнинг объектив эҳтиёжи" деб таърифлайди.

Шундай қилиб, В.С. Кузин "максус" тушунчасини бадий фаолият ва ижод билан бевосита боғлиқ бўлган инсоннинг "алоҳида муҳим" сифатида тавсифлайди. Шунинг учун қаламтасвир инсон яратилишининг бевосита ривожланишининг ўзига хос совғасидир. "Максус машғулот - бу инсон қобилиятининг ижодий салоҳияти бўлиб, у фикрлаш, ҳис қилиш, алоқа, фаолиятнинг объектив турларида намоён бўлиши мумкин", - дейди С. Аманжолов.¹

XVI асрнинг охирига келиб турли давлатларда Бадий Академиялар ташкил этилган шу каби Болония академизми - йўналиш бўлиб, XVII асрликда Италия рангтасвири нуфузли ўринни эгалайди. Академия деб 1585 йили Болонияда машҳур уста рассомлар яратган жуда ҳам катта бўлмаган хусусий устахонага айтишган, унинг асосчилари ака-ука рассомлар Агостино ва Аннибале Каррачилар ҳисоблашган. Қаламтасвирни фан сифатида академик тарзда давом этиши учун замин яратди. Академик қаламтасвирининг педагогик амалиётда ўқитишнинг тизими дастлаб Флоренциядаги «қаламтасвир академиясида» ишлаб чиқилди.

Ёшларга бадий таълим бериш борасида энг мақбул ва намунали олий ўқув даргоҳи ҳисобланганлиги туфайли 1648 йилда Парижда қаламтасвир ва ҳайкалтарошлиқ бўйича қироллик Академияси, 1660 йили Римда бадий Академия, 1696 йили Берлинда, 1753 йили Мадридда Сан-Фернандо, 1757 йили Петербург Академияси, 1768 йили Лондон бадий Академияси ташкил этилган.

¹ Бейсенбаев Садыбек Калмаханович. Методика специальной подготовки будущих учителей изобразительного искусства в процессе обучения рисунку и живописи. Автореферат. дис. на соискание ученой степени. Докт.пед.наук. Чимкент, 2010.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 январдаги «Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш ҳақида»ги Фармонига мувофик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи «Ўзбекистон Бадиий Академиясининг фаолиятини ташкил этиш тұғрисида»ги 131-сон қарорининг 11-моддасига асосан Вазирлар Маҳкамасининг **1997 йил 2 майдаги № 224** сонли қарори билан Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Мажлисининг Ўзбекистон Бадиий Академия-сининг ҳақиқий ва фахрий аъзолигига номзодлар ҳақидағи таклифлари маъқулланди.

a/ Қуидаги ижодкорлар Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ҳақиқий аъзолари этиб тасдиқландилар:

- 1. Абдуллаев Саъдулла Асадуллаевич** – рангтасвирчи, доцент.
- 2. Азимов Шариф Турсунович** – кулол.
- 3. Болтаев Ботир** – рассом-таъмирчи.
- 4. Бурмакин Владимир Иванович** – монументалчи рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.
- 5. Жалолов Баҳодир Фазлетдинович** – монументалчи рассом, Ўзбекистон халқ рассоми.
- 6. Жабборов Илҳом** - ҳайкалторош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.
- 7. Изентаев Жоллибай Тангирбергенович** – рангтасвирчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.
- 8. Икромжонов Акмалжон Тўраевич** - рангтасвирчи, Давлат мукофоти соҳиби.
- 9. Миржалилов Тоҳир Жамолович** - рангтасвирчи.
- 10. Мирзаев Алишер Тўлаганович** - рангтасвирчи, Ўзбекистон халқ рассоми.
- 11. Мухаммаджонов Шомахмуд Шоҳодиевич** – миниатюрачи-рассом, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳиби.
- 12. Нуридинов Акмал Ваҳобович** - рангтасвирчи.
- 13. Рахимов Акбар Мухитович** – кулол, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.
- 14. Тохтаев Азамат Рамзитдинович** – дизайнчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор.
- 15. Умарбеков Жавлят Юсупович** – рангтасвирчи, Ўзбекистон халқ рассоми.
- 16. Холматов Ниёзали** – миниатюрачи рассом.
- 17. Юсупов Шарофиддин Исомиддинович** – кулол, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.
- 18. Куттимуродов Жолдасбек Жантаевич** – ҳайкалтарош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.
- 19. Қўзиев Турсунали Каримович** – рангтасвирчи.
- 20. Ҳакимов Акбар Абдуллаевич** – санъатшунослик доктори, профессор.

21. Ҳақбердиев Худойберди – қулол.

б/ Қуидаги ижодкорлар Ўзбекистон Бадиий Академиясининг фахрий аъзолари этиб тасдиқландилар:

1. Абдуллаев Абдулҳақ Оқсоқолович – рангтасвиричи, Ўзбекистон халқ рассоми.

2. Аҳмедов Раҳим – рангтасвиричи, профессор, Ўзбекистон халқ рассоми.

3. Башаров Қутлуг Башарович – график рассом, профессор, Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти соҳиби.

4. Маҳмудов Сайдаҳмад Норқўзиевич - наққош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

5. Мирзараҳимов Қосим - ҳайкалтарош, Ўзбекистон халқ рассоми.

6. Набиев Малик - рангтасвиричи, профессор, Ўзбекистон халқ рассоми.

7. Тоқтош Рафаил Ходиевич – санъатшунослик доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

8. Усмонов Маҳмуд - наққош, Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти соҳиби.

9. Чориев Рӯзи Чориевич – рангтасвиричи, Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти соҳиби.

10. Шин Николай Сергеевич – рангтасвиричи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

11. Қўзибоев Неъмат Мирзабоевич – рангтасвиричи, профессор, Ўзбекистон халқ рассоми.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси И.Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 январдаги "Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш ҳақида"ги Фармонига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги "Ўзбекистон Бадиий Академиясининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 131-сон қарорининг [11-моддасига](#) асосан Вазирлар Маҳкамаси қарориг биноан Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Мажлисининг 2003 йил 14 ноябрдаги 41-сон қарорига кўра Ўзбекистон Бадиий Академияси ҳақиқий аъзолари этиб тасдиқландилар.

Куидаги ижодкорлар Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ҳақиқий аъзолари этиб тасдиқландилар:

1. Рахметов Собир – рангтасвиричи, Ўзбекистон халқ рассоми.

2. Содиков Марат Файзиевич – график, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

3. Кагаров Медат Айтхунович – график, Ўзбекистон халқ рассоми.

4. Аллабергенов Атахон – театр-рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

5. Нарзуллаев Алишер – қулол, Ўзбекистон халқ устаси.

6. Акпаров Аскарали Адамшаевич – ёғоч ўймакор уста, Ўзбекистон халқ устаси.

2018 йилнинг 6 мартада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг "Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 181-сонли қарори тасдиқланди.

Мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳасини янада ривожлантириш, мазкур соҳада фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш учун уларга шарт-шароитлар яратиш, ушбу мутахассисларни муносиб рағбатлантириш мақсадидаги мазкур қарор барча ижод аҳли учун катта аҳамият касб этади ва бу юртбошимизнинг санъат ижодкорларга қарататётган юксак эътиборидан далолатdir.

Ўзбекистон Бадиий академияси академиянинг ҳақиқий аъзолигига сайланган 12 нафар академиклар. Булар:

- 1. Мамаджанов Анвар Алимджанович** - график рассом;
- 2. Байбосинов Сарсенбай Базарбаевич** (**Қорақалпогистон Республика-си**) - рангтасвирич рассом;
- 3. Кадиров Гафур Кобилович** - рангтасвирич рассом;
- 4. Исаев Аслиддин** - рангтасвирич рассом;
- 5. Ахмадалиев Файзуллахан** - рангтасвирич рассом;
- 6. Бородина Марина Ростиславовна** - ҳайкалтарош;
- 7. Назаров Бахтиёр Мухаммаджанович** - рангтасвирич рассом;
- 8. Салпинкиди Иван (Янис) Панаётович** - рангтасвирич рассом;
- 9. Ахмедова Нигора Рахимовна** - санъатшунослик фанлари доктори;
- 10. Илхамов Анвар** - архитектор, наққош;
- 11. Рахматиллаев Сирохиддин Рихситиллаевич** – ёғоч ўймакор уста;
- 12. Мурадов Мансурджан Насирович** - ганчкор уста.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат томонидан ташкил этилган Академиялар билан бир қаторда нафис санъат мактаблари ҳам мавжуд. Мактаблар ўқув адабиётлари, бадиий маҳсус устахоналар билан тўлиқ таъминланган. Диққатга сазовор жойи шундаки, ушбу мактабларда ўқитишининг методик босқичлари ўзига хосдир. Яхши йўлга қўйилган методик ва ўзига хос равишда тузилган дастурлар асосида ўқитиш тизимида олиб борилади ва ушбу мактабдан ўнлаб истеъдодли рассомлар етишиб чиқмоқдалар.

2. Қаламтасвир ва унинг илмий-методик ишларининг ўрни.

Леонардо да Винчи тизими асосида академик қаламтасвирни ўқитиши методикаси. Антон Павлович Лосенко бадиий таълим мазмуни ва методлари. Ака-ука Каракчиларнинг академик таълим тизимининг шаклланиши.

Хозирги вақтда реалистик санъатга, борликни ҳақиқат билан етказишга бўлган интилиш қайта жонланиб бормоқда. Уйғониш даври усталари фан ва

санъат ўртасидаги алоқани ўрнатишга интилиб, реал дунёқараашга киришадилар. Нисбатлар, перспектива ва пластик анатомия ҳақидаги таълимотлар диққат марказида эди. Уйғониш даврида расмга бўлган муносабат юқори даражада қайта тикланди. Санъат билан шуғулланадиган ҳар бир киши қаламтасвирни ўрганиши керак эди.

Ўша даврда илк бор "Рангтасвир тўғрисида трактат" номли илмий иш Ченнино Ченнинига тегишли бўлиб, у ерда расмнинг асосида натурадан тасвирлаш бўлиши керак дейилган. У ҳақли равишда талаба санъатни пухта эгаллаши учун ундан ҳар кунлик меҳнатни талаб этиш, деб ҳисоблади. Шу билан бирга у буюк усталарнинг расмларидан нусха олишга катта эътибор беради.

Қаламтасвир ҳақида кейинги иш - Леон Баттиста Альберти томонидан яратилган "Рангтасвир ҳақида учта китоб". Қаламтасвир ва текислиқда расмни қуришнинг асосий қоидалари ҳақида трактат. Альберти математика қоидалари каби расм чизишни жиддий илмий фан сифатида кўради.

Кейингиси қаламтасвир илмий назарияси соҳасидаги ишлари Леонардо да Винчининг "Рангтасвир ҳақида китоби"дир. Ушбу китобда турли хил маълумотлар мавжуд: Оламнинг тузилиши, булутларнинг келиб чиқиши ва хусусиятлари, ҳайкалтарошлик, шеърият, ҳаво ва чизиқли перспектива ҳақида. Чизиш қоидалари бўйича ҳам кўрсатмалар мавжуд. Леонардо да Винчи, Альберти сингари, расм чизишни ўқитиш методикасининг асосини натурадан чизиш керак деб ҳисоблади. Натура талабани диққат билан кузатишга, тасвирланаётган нарсанинг таркибий хусусиятларини ўрганишга, ўйлашга ва акс эттиришга мажбур қиласи. Леонардо да Винчи илмий таълимга катта аҳамият беради. Леонардонинг ўзи жиддий илмий тадқиқотлар билан шуғулланган. Шундай қилиб, инсон танасининг анатомик тузилишини ўрганиб, у кўплаб мурдани ёришларини амалга ошириди ва бу масалада замондошларига қараганда анча узоқлашди. Леонардо таъкидлашича, расм чиишни қисмлардан эмас, балки бутун нарсадан бошланиши керак. Леонардо инсон фигурасини чизишга алоҳида эътибор беради. Ўтилган материални хотирадан чизиш орқали мустаҳкамлаш усули ҳам қизиқиш уйғотади.

Дюрернинг асарлари расм чизиш методикасини янада ривожлантиришига катта ҳисса қўшди. Дюрер санъатда фақат ҳистийғуларга ва қўриш идрокига суюниб бўлмайди, деб аниқ илмий билимларга таяниш керак дейди; шунингдек, уни педагогиканинг умумий масалалари, болаларни таълим ва тарбияси масалалари ҳам қизиқтиради.

Антон Павлович Лосенко бадиий таълим мазмуни ва методлари. А.П.Лосенко - нафақат амалиёт билан шуғулланган, балки расм чизиш назариясига ҳам катта эътибор берган ажойиб ўқитувчи ва маҳоратли рассом. 1769 йилдан бошлаб академияда ишлайди. А.П. Лосенкодан бошлаб академик қаламтасвир мактаби ўзига хос йўналишини бошлайди.

А.П. Лосенко ўзининг олдига академик қаламтасвирнинг ҳар бир позициясига, айниқса инсон қиёфасини тасвирлашда илмий-назарий асос

бериш вазифасини қўяди. Шу мақсадда у пластик анатомияни ўрганишни бошлайди, шаклни қисмларга мутаносиб равища тақсимлаш қоидалари ва қонунларини излай бошлайди, кўргазмали визуал намойиш қилиш учун шартли тасвир ва чизмаларни тайёрлайди. Ўша пайтдан бошлаб, чизишни ўргатиш усули анатомияни, инсон шаклларининг нисбатларини ва перспективани жиддий ўрганишга асосланган эди.

А.П. Лосенконинг хизмати расм чизишни ўқитиш усулларини янада ривожлантиришдан иборат эди. Улар томонидан назарий тўпламлар ёзилган ва ўқув қўлланмалар яратилган:

1. "**Одамларнинг нисбати, ёки академик қоматни ташки қўринишига қисқача тушунтириш**". Иш уч қисмдан иборат эди. Биринчи ва иккинчи бўлимларда эркак қоматини баландлик ва эни бўйича ўлчамлари тўғрисида маълумот берилган; учинчи қисм профил тасвирларга бағищланган. Лосенко инсон фигурасини қисмларга ва бўлакларга математик ўлчашиб таклиф қилди. Ушбу қўлланма мухим муаммони ҳал қилишга ёрдам берди - бу инсон танасининг тузилиш қонунлари ҳақида объектив билимларни берди, кўз билан ўлчашиб ривожлантириди.

2. "**Рассомлар учун анатомия бўйича қўлланма**." Чоп этилмаган.Faқат бир нечта расмлар сақланиб қолди.

3. "**Одамнинг қомат шаклини тасвирида қандай қилиб катталаштириш ва кичрайтиришни бошқариш бўйича қўрсатма**." Ушбу қўлланма Ястребилов томонидан тайёрланган ва нусхаси сақланган, бироқ нашр этилмаган.

Бу қўлланмада тушунтириш матни билан расмлар катта форматли (деярли бутун ватман вараги) альбом келтирилган. Қўлланма икки қисмдан иборат: биринчи қисм бошнинг тасвирига, иккинчиси инсон шаклига бағищланган. Тушунтириш ишлари бошни юзга ва профилга ажратишдан бошланади. Бу ерда бошнинг шакли тасвирини яратиш қоидалари ва бошнинг қисмларга бўлиниши қонунлари қўрсатилган. Кейин бу қонуниятлар бош суяги таркибий хусусиятлари бўйича тушунтирилади. Шундан сўнг фазода бош ҳолатининг характерли хусусияти бурилиш ва энгашганига қараб бош шаклини перспективада ўзгартириш қонуниятлари аниқланади.

Ака-ука Каракчиларнинг академик таълим тизимининг шаклланиши. XVII аср расм чизишни ўқитиш методикаси тарихида янги педагогик тизими - АКАДЕМИК шаклланиш даври. Янги тизим нафақат талабаларга, балки ўқитувчиларга ҳам аниқ талаблар қўйишни бошлади. Махсус ўқув муассасалари - бадиий академия ва санъат мактабларининг ташкил этилиши ушбу даврнинг энг характерли хусусияти ҳисобланади.

Ака-ука Каракчилар тасвирий санъат, айниқса расм чизиш бўйича зарур билимларни олиш имконияти бўлган махсус ўқув муассасаларини яратишида биринчи ташаббускорлар бўлган. Уларнинг катта ютуғи шундан иборатки, тасвирий санъатни ўргатишнинг махсус таълим тизимини яратиш ва ташкил этиш зарурлигини англашсанларидан.

1582 йилда Аннибал ва Агостино Карраччилар ўзларининг шахсий мактабларини ташкил этдилар, кейинчалик "Akademiya deli Incaminnati" (Болония академияси) деб номланди. Ака-ука Карраччилар академиясида бадиий таълим яхши йўлга қўйилди. Карраччилар қаламтасвир, рангтасвир, композицияни ўқитиш методикасини пухталиқ билан ишлаб чиқди ва академияни ўкув-услубий қўлланмалар билан таъминлади. Болония академиясида машғулот қандай олиб борилганлиги ҳақида 1600 йилда шунга ўхшаш каби академияда чизилган қаламтасвирлар маълумот беради. Бу ерда улар натурадан чизишади, анатомияни китоблардан эмас, балки мурдани ёриб ажратишади (ўкувчилар столда ётган жасадга эгилиб), нисбатларини ўрганишади, мутаносиб муносабатларни циркул ёрдамида текширадилар - бир сўз билан айтганда, бўлажак рассомни жиддий тайёрланиши олиб борилади.

Карраччилар қуйидаги тизим бўйича расм чизишни ўргатди: дастлаб талаба чизишнинг оддий усуллари билан танишди, сўнгра "намуналар"дан чизди, кейин гипсдан расм чизишни бошлади ва ниҳоят, тирик инсон қоматининг пластик анатомияси чукур ўрганилган. Шундай қилиб, Карраччилар ёш рассомларни самарали таълим ва тарбиясининг асосли бадиий таълим тизимини ишлаб чиқишли. Қаламтасвир тасвирий санъатнинг асоси деб ҳисоблаган ҳолда, улар янги ўқитиш методикасини ишлаб чиқдилар. Карраччилар таъкидлашича, рассом илмий маълумотларга, ақлга асосланади, яъни онг ҳис-туйғуларни бойитади. Бироқ тез орада бу нуқтаи назар Карраччиларни борликни идеализация қилишга ундали ва уларни канонланган шаклларга риоя қилишга мажбур қилди. Карраччилар буюк рассом-усталарнинг расмларидағи образларни шартли тилга "кўчириш" бошлади, улар ёрдами орқали уларнинг ҳозирги ҳаёти ҳақида намойиш этдилар. Академияда нусха кўчириш устунлик қила бошлади. Барибир камчиликларга қарамай, "ака-ука Каракчилар тизими ва ўқитиш усуллари шунчалик самарали эдики, уларнинг намуналарига биноан давлат академиялари ҳам очила бошлади: Парижда Қироллик рангтасвир ва ҳайкалтарошлиқ академияси (1648), Римдаги бадиий академияси (1660), Венада (1692), Берлинда (1696), Мадриддаги Сан-Фернандо академияси (1753), Санкт-Петербургдаги уч машҳур санъати академияси (1757) ва Лондондаги Бадиий академия (1768).

Айниқса, академиялар томонидан қаламтасвир, рангтасвир, композицияни ўқитиш методикаси бўйича кўп ишлар қилинди. Академия профессор-ўқитувчилари биринчи навбатда методикани қандай қилиб такомиллаштириш, талабаларнинг ўзлаштириши учун ўкув материалини қандай соддалаштириш ва қисқартириш кераклиги ҳақида ўйлашарди. Таълим ва тарбия методикаси илмий асосларга асосланиши керак, деб таъкидладилар; санъат, рассомнинг муваффақияти - худо томонидан берилган эмасдир, балки илмий билим ва жиддий меҳнат натижасидир.

Академияларда аниқ ва тўғри ташкил этилган бадиий таълим тизими умумтаълим муассасаларида расм чизишни ўқитиши услубларига таъсир кўрсатишни бошлади.


Жиддий илмий билимларсиз расм чизишингиз мумкин эмас. Тасвирини ўзлаштириш орқали талаба бир вақтнинг ўзида дунёни танийди. Шундай қилиб хулоса: расм чизиш дарслари ҳамма учун фойдали. Бундай ғоя нафақат санъат намояндалари, балки ҳалқ таълими арбобларининг онгини эгаллай бошлайди.

Рассом-педагог А.Сапожников, қаламтасвири ўқитишида унинг илмий-методик ишларининг ўрни.


Расм чизиш Россия мактабларида умумий таълим ўкув предмети сифатида XVIII асрнинг бошларида пайдо бўлди. Бу даврда расм чизиш Денгиз академияси, хирургия мактаби, кадетлар мактабида, фанлар академияси қошидаги гимназияда, қизлар тарбия билим юртида ўқитилган.

Бу ўкув юртларида расм чизишга ўргатиш рассомлар тайёрлаш учун эмас, балки ёшларни касбий фаолияти ва келажак ҳаётларида фойдаланишлари учун керак бўладиган соҳа деб қаралар эди.

1934-йилда рус рассоми А. Сапожников биринчи бор умумий таълим мактаблари учун «Расм чизиш курси» номли дарсликни яратди. Мазкур дарслик натурага қараб расм чизишга асосланган эди. Дарслик реалистик расм ишлаш асосида қурилган бўлиб, унда перспектива, ёруғ-соя қонунлари ҳам ўз аксини топган эди. Шу билан бир қаторда Сапожников сим, картон, гипс каби материаллардан нарсалар тузилиши, перспектив қисқариши, ҳажмига доир методик кўргазмали қуроллар мажмуасини ҳам яратди. Муаллифнинг тавсияларига кўра ҳар қандай натура асосига турли ҳажмли ва юзали геометрик шакллар ётиши, шунинг учун ҳам расм чизишида геометрик методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги баён этилган.




Ушбу методга кўра, атрофдаги воқеликнинг барча нарсалари геометрик нуқтаи назардан кўриб чиқилади: ҳар бир нарса шаклида геометрик шакл ёки жисм борлигини кузатиш мумкин. Масалан, олма чизишида ўкувчи дастлаб шарнинг шаклини аниқлайди, сўнгра уни натурага кўра ўзгартиради; чепакни чизишида, талаба аввал кесилган конусни тасвиirlайди, сўнгра шаклини натурага кўра ўзгартиради.



А.Сапожников. Автопортрет.

Педагог Андрей Петрович Сапожников (1795-1855), давлат маслаҳатчisi, Император Рассомлар академиясининг фахрий аъзоси, рангтасвирчи-рассом, 1834 йилда “Бошланғич расмлар курси”ни тузди ва уни тарқатиш учун академиянинг намуналари (намуналари ва гипслари) билан имтиҳон топширадиган талабаларга тақдим этди. А.П.Сапожников ўкувчи учун нарсалар шаклини тасвирини түғри тасвирлашда ёрдам беришнинг энг яхши усули бу чизишнинг дастлабки босқичида уни соддалаштириш усули деб ҳисоблайди.


Биринчидан, талаба нарса шаклини геометрик асосини аниқлаши лозим ва кейин уни такомиллаштиришга киришиши керак. “Бундай усуллардан бири бу учбурчаклар, тўртбурчаклар ва шунга ўхшашлар каби кўринадиган нарсаларнинг ҳар қандайини оддий геометрик шаклларга ажратишидир,” деди Сапожников, - умуман шакллари бўлмайдиган ҳайвонлар, кушлар, ҳашаротлар, гуллар, ўсимликлар мавжуд эмас, кўрсатилган шакллар билан боғланган“¹.




«Полный курс рисования» А.П.Сапожников кўргазмали қуроллари

Квадрат перспектива текислиги, айлана тасвири.

Думалоқ чизикни чизиш учун 8 нуқта ишлаб чиқарадиган ечим.



Думалоқ чизиқнинг 12 нуқтасини чиқарадиган ечим.



Расм. Сапожников методикаси.

Сапожниковнинг сўзларига кўра, чизишнинг геометрик усули нафакат кўлнинг механик машқлари, балки акл учун гимнастика бўлиб, кузатиш машқлари бажарилади, умумий шакл ҳисси, фантазияси ривожланади. Сапожниковнинг сўзларига кўра, чизишни ўргатиш кетма-кетлиги қуйидагича бўлиши керак: биринчи навбатда, энг оддий геометрик фигуralарнинг тасвири, сўнgra - қутининг шакли, цилиндр, конус, нарсаларнинг эгри шакллари. Секин-аста ўқувчини янада мураккаб расм объектларини чизишга йўналтиринг. Ҳар бир вазифа кейингисини белгилайди, кейингиси олдингисини таклиф қиласди ва унга асосланади.

Талабаларга кўп ўлчамли вазифаларни бирданига тавсия этилмайди. Биринчидан, уларга қўл билан тўғри чизиклар чизишни, геометрик шаклларни (квадрат, учбурчак, ромб ва бошқалар) чизишни ўрганишларига рухsat берилади. Геометрик усулда расм чизишга ўргатиш бошланади. Аммо болалар фаолияти натижаси нафакат мавхум фигуralар, балки атрофдаги дунёнинг нарсалари бўлиши керак. Ўқувчилар учун босқичма-босқич расм чизишдан нусха қўчиришга янада тушунарли ва равон ўтиш учун, тарқатма қофоздаги (карталарда) умумий шаклларни рангли қалам билан ажратиб кўрсатиш тавсия этилади (кейинчалик бу маслаҳатларсиз қилишингиз мумкин).

Намунадан чизиб, талаба расмнинг майда қисмларидаги умумий шаклларни кўриши ва онгли равища чизиши керак. Ўқитувчи жараённи кузатиши ва талабаларга топширикнинг маъносини тушунтириб, нусха кўчиришга йўл қўймаслик керак. Ушбу тушунтиришда моделлаштириш билан ўхшашликни чизиш яхши бўлади, бу ерда сиз ҳам умумий шаклдан бошлинигиз мумкин. Нусхалаш усули талабани ўз-ўзидан чизишга олиб келади. Бундай вазифалардан сўнг, болалар ўзлари ёқтирган расмлар ёки фотосуратлардан чизмалар тайёрлашлари мумкин. Намунани чизгандан сўнг, сиз натурадан расм чизишга ўтишингиз мумкин.

Ўқитувчи расм чизиш санъатининг асосий етакчиси сифатида талабаларда кўз билан ўлчашни ривожланишига эътибор бериши, турли хил чизикларнинг хусусиятларини ва ўзаро мутаносиблигини тушунтириши керак. У чизиклар билан боғланган фигуralар тасвирига ўгирилиб, ўқувчилар томонидан геометрик (текислик) шаклда, ўлчагич ва циркуль ёрдамисиз чизилган шаклларидаги фарқни кўрсатмоқда.

Ўқитиши усулларининг ижобий томонлари А.П. Сапожников ўз аҳамиятини йўқотмади ва бизнинг вақтимизда улар маҳаллий услубчилар томонидан кўлланилади.

Павел Петрович Чистяковнинг педагогик тизими. Рассом ва педагог П.П.Чистяков ўзининг педагогик фаолияти давомида илмий билимларга асосланган ва амалда синаб қўрилган тизимни ривожлантирган ҳолда расмни ўқитиши методикасини янгилади. Ҳали у академияда таҳсил олаётган вақтда П.П. Чистяков Рассомлик мактабида дарс беришни бошлади, у ерда ўқитиши методикасиға қизиқиши пайдо бўлди. Унинг иш тизими ва бошқа ўқитувчилар ўртасидаги фарқ шундаки, Павел Петрович шунчаки расм чизишни ўргатмаган, у шунчаки маълумот узатувчи эмас, маълум кўникумага эга бўлиш учун уни “тортиб”, у ўкув жараёнининг ташкилотчиси, талабалар билан биргалиқда маҳорат дарсига борган. П. П. Чистяковнинг педагогик фаолиятини яхлит тизим сифатида кўриб чиқиши учун педагогик тизимнинг асосий таркибий қисмларини аниқлаш ва уларни П. П. Чистяковнинг ўқув тизими билан ўзаро боғлаш керак.

1. Тизимнинг асосий таркибий қисмларидан бири педагогик тизимнинг ишлшининг бошлангич нуқтаси сифатида ўқитишининг мақсад ва вазифалари ҳисобланади. Чистяков ўзининг таълим тизимида буни тасдиқлайди. Унинг ишида таркибий қисмларидан бири бу мақсадларни белгилашдир. Чистяков натурани ўрганиш вазифасини қўйди ва талаба ишлаш жараёнини онгли равища ўзлаштирганлигини, пировард мақсад билан белгиланган унинг ҳар бир босқичини тушунишини таъминлашга интилди. Шундай қилиб, унинг тизимининг таркибий қисмларидан бирини ажратиб кўрсатиш мумкин - бу мақсадни белгилаш.

2. Ўқув материалининг мазмунини дарсни ўтказиш жараёнида муҳим рол ўйнайдиган таълим тизимининг таркибий қисми сифатида ажратиш мумкин, чунки у ўқувчилар нимани ўрганишлари кераклиги обьекти бўлиб хизмат қиласи. Ўқув материалининг мазмуни қуйидагича бўлинди: дарс

мавзууси билан бевосита боғлиқ бўлган жорий материаллар ва ўқувчиларнинг ақлий фаоллигини ошириш, уларга таълимий таъсир кўрсатиш ёки кейинги дарсга тайёрлаш учун киритилган перспектив материаллар. Чистяковни ўқитишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўқув материалининг мантикий асослари яратилади. Ўқув материалининг мазмуни уни ўқитиши тизимининг навбатдаги таркибий қисмидир. Унинг фикрига кўра, ўқувчилар биринчи навбатда перспективани, пластик анатомияни, объектнинг ички тузилишини шакллантириш қонуниятларини, ҳаракатлар механикасини ва ҳоказоларни ўрганишлари керак. Чистяков картина текислигига катта аҳамият берди, бу тасвирни натура билан уйғулаштиришга ёрдам беради. Ҳаққоний ҳажм текислигидаги тасвирни расм сифатида тушуниб, П.П. Чистяков шаклни кўришга ўргатди ва ўз давридаги чизилган расмлардан фарқли ўлароқ, талабани яхлит идрокка етаклади.

3. Ўқитиши жараёнида ўқитувчилар ва талабалар ўртасида мақсадли йўналтирилган ҳамкорлик мавжуд. Ҳар қандай жараён бу бир ҳолатнинг бошқасига кетма-кет ўзгариши. Педагогик жараёнда бу турли хил ўқитиши усуллари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитувчи ва талабаларнинг педагогик ўзаро таъсири натижасидир. Дарсларни ўтказиш жараёнида П. П. Чистяков ўқувчиларнинг расм чизиш бўйича кўникмаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашларини таъминлаш учун ҳаракат қилди. Бунинг учун у аста-секин натурани идрок этиш ва таҳлил қилиш, олинган билимларни ўзининг ички тажрибаси билан боғлаш қобилиятини шакллантирадиган турли хил вазифаларни қўллади. П. П. Чистяков талабалар билан ишлашда доимо чизик чизишда биринчи навбатда шаклга қараш кераклигини таъкидлади. П. П. Чистяков расм ишлашнинг методик кетма-кетлигига катта аҳамият берган. Тушунтиришлар бериб, у ўқувчиларга расмни тузишнинг услубий тамойилининг моҳиятини ва чизишнинг услубий кетма-кетлигини тушунишга ҳаракат қилди. Расмлар тайёрлаш усуллари ва услублари бўйича одатий кўрсатмаларга қўшимча равища, у талабаларга нутқ профессионал фикрлашни ривожлантиришга ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида маслаҳат берди, бу фикр ва ҳаракат ўртасидаги боғлиқлик бўлиб хизмат қилиши керак: "Расм чизганда ҳеч қачон жим бўлманг, ҳар доим вазифани сўранг. Бу ажойиб сўзми: "бу ердан бу ерга" ва қандай қилиб рассомни тутиб туриши, тасодифий ўзидан расм чизишга имкон бермайди."

4. Таълим фаолияти натижаларини мониторинг қилиш ва баҳолаш. Назорат ёрдамида у алоҳида талабаларнинг ўқув фаолиятини ўз вақтида тартибга солиб, уларнинг ишларига ўзгартиришлар киритди. Бундай назорат мавзуларидан бири талабаларнинг тайёргарлик даражаси тўғрисида кенг қамровли тасаввур берадиган назарий билимларни ўрганиш ва расмларни кўриш учун талабалар билан суҳбатлар ўтказиш эди. Шунингдек, ўқувчиларнинг қонунларга ва дарсда расм чизиш қоидаларига риоя

қилишларини текширишга имкон берадиган операцион назоратдан фойдаланилди.

5. Ўқитувчининг ўзини такомиллаштириш, ўқитувчида ҳам, рассомда ҳам касбий билимларни ошириш бўйича доимий иш олиб борилиши. П.П. Чистяков учун ўзини такомиллаштириш, албатта, ўз устида ишлаш масала эди. Павел Петрович билиш назариясини чукур англамасдан, ҳодисадан моҳиятга қадар чуқурлаштириш жараёни сифатида ўқитувчининг самарали фаолияти, дарслар давомида ўқувчиларнинг фикрлашларига раҳбарлик қилиш ва уларнинг ақлий ривожланишини амалга ошириш мумкин эмаслигини тушунди. П.П. Чистякова биз ўқитувчи сифатида академик расм мазмунида атрофдаги воқеликни идрок этиш усуллари аниқ акс эттирилганлигини, талабалар орасида диалектик тафаккурни шакллантириш йўлларини кўрганлигини кўрамиз. “Қаттиқ, тўлиқ чизилган, - деди у, - объектни тасвирини талаб қиласди, биринчидан, фазовий жойлашуви бизнинг кўзимизга кўринадиган бўлса, иккинчидан, аслида борликда у қандай; бинобарин, биринчи ҳолда, жуда қобилиятли кўз нигоҳи, иккинчидан, нарсани ва қонунларни билишлари, бу ёки бошқасига кўра билиш зарурдир.” У томоша қилишни, ўйлашни, билишни, ҳис қилишни, уддалашни ўргатди.

6. Агар ўқитувчи ўз ўқувчилари билан педагогик алоқаларни ўрнатмаган бўлса, педагогик жараён яхлит жараён сифатида олиб борилмайди. П.П. Чистяковнинг ўқитиш тизимидағи ўзига хос хусусиятлардан бири, уларнинг мақсади сифатида ўзаро ҳамкорлик қилиш истаги бўлган талабалар билан бўлган муносабатлардир. Ўқитувчи ва талаба, унинг фикрига кўра, бир томондан, ўқувчиларнинг ҳаёти, санъати ва индивидуаллигини тушуниши ўқитувчи билан бир хил аҳамиятга эга бўлган муносабатларга киришади, иккинчи томондан, талаба ўзи ўрганаётган ўқитувчига ишонади. Унинг тизимидағи талаба бадиий ҳаётнинг тенг хуқуқли иштирокчиси сифатида қабул қилинди.

П. П. Чистяковнинг педагогик фаолияти таҳлили асосида унинг иш тизимининг асосий таркибий қисмларини ажратиб кўрсатишмиз мумкин, бунинг натижасида расм чизища ўқув сифатининг юқори даражасига эришилди. У қуйидаги таркибий қисмларнинг ўзаро таъсиридан иборат эди: ўқитишининг мақсад ва вазифалари; ўқув материалининг далилларга асосланган таркиби; дарсларни ўтказишнинг ҳар хил турлари ва шаклларидан фойдаланиш, бунинг натижасида ўқувчиларнинг расм чизищ бўйича саводхонлик фаолияти ташкил этилди; назоратнинг турли шакллари, уларнинг ёрдамида чизилган ишларни бажариш пайтида берилган вазифалардан мумкин бўлган офишларнинг олди олинди; биринчи навбатда талабаларга ижобий таъсирини яхшилашга қаратилган П. П. Чистяковнинг доимий равишда такомиллашиб бориши. Бундан ташқари, унинг иш тизимининг ажралмас қисми Павел Петровичнинг гуманистик йўналишига эга бўлган талабалар билан муносабатлар эди.

П.П.Чистяковнинг таълим тизими бугунги кунга қадар мамлакатимизда расм чизища саводхонликни ўргатиш жараёнида юз берадиган барча жараёнларга таъсир қиласди, аммо П.П.Чистяков айтган ва ўргатган нарсалардан ҳали ҳам ўрганилмаган ва тушунилмаганлари мавжуд. Шунинг учун ҳозирги пайтда унинг таълими, ривожланиш ва тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган касбий фаолият намунаси бўлиб хизмат қиладиган унинг таълим тизимини ўрганиш зарурати туғилмоқда.

Д.Н.Кардовскийнинг қаламтасвири ўргатиш методикасига қўшган ҳиссаси. Дмитрий Николаевич Кардовский (1866-1943) - рус графиги ва рассом-педагоги, профессор, Бадиий Академияси академиги (1911). РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1929).

Д.Н.Кардовский реалистик қаламтасвири методикасининг шаклланиши ва ривожланишига, мамлакатимизда олий маълумотли ўрта мактаблар учун расм ўқитувчиларини тайёрлайдиган маҳсус бадиий педагогика ўқув юртларининг пайдо бўлишига - педагогика институтларининг бадиий-графика бўлимларига таъсир кўрсатди.

Д.Н. Кардовский ўзининг педагогик фаолиятининг бошланишида ёш рассомларни қатъий ва чуқур ўйланган ўқув тизимига эга эди.

Ўқитувчи сифатида Кардовский реалистик санъат позициясини ҳимоя қилди ва ёшларни формализм таъсиридан ҳимоя қилди.

Д.Н. Кардовскийнинг фикрига кўра ўқитиш методикаси қуйидаги тамойилларга асосланиши керак: қаламтасвири ва рангтасвирига ўргатиш бошидан оҳиригача фақат натурадан тасвирлаш орқали олиб борилиши керак; талаба мураккаб натура шаклини умумий геометрик усул билан идрок қилиши керак - конструктив қурилиши умумийдан хусусийга ўтиш принципига кўра бажарилади. Тусни, ёруғликни, сояни шакл бўйича қўйиш, асосий (максимал) ва иккиламчи (минимал) ўртасидаги муносабатларни ўрнатилган ҳолда, масалан, энг ёритилган жойни аниқлаш, уни белги сифатида сақлаш, қолганини минимал даражага соя томонга тушириш.

Кардовскийнинг фикрига кўра, умумий тасвирий санъатни тўлиқ таълимини умумий ўрта таълими тизимида дунё расмларининг намуналарини нусхасини кўчириш, гипсли натуралар орқали ўрганиш мумкин эмас:

1. Ажойиб намуналарни бундай ўрганиш дид ва бадиий қобилиятини ривожлантиради ва ўқувчиларга мактаб тугаллаш охирида тавсия қилиниши мумкин. Агар талabalар намуналарни кўчиришдан бошласа ҳам, ҳатто-ки юқори маҳоратли нусха олишдан бошласада, унда улар бу маҳоратдан тушунмасдан маҳрум бўлади ва бу маҳоратни тушунмасдан самарасиз кўнилмаларни эгаллайди.

2. Собиқ совет иттифоқи бадиий мактаби реалист-рассомларни тайёрлаши керак, буни учун натурани ва уни текисликда тасвирлаш қонунларини ўрганмасдан мумкин эмас.

3. Талабага қурилишнинг асосий қонунларини ўргатиш керак. Уларга фақат натура қонуниятлари киради.

Кардовский, аввалом бор шаклни кўришни ўрганишингиз керак, деб ҳисоблайди. Шаклни кўчирманг, лекин эътиборга олинг. Бу кейинги рангтасвирни ўрганиш учун керак, чунки рангтасвир қалам чизғисига, шаклга бўйича жойлаштирилади.

Кардовский та’лим методининг яна бир тамойилларидан бири натурани, натюрмортни ва инсон қоматини, ранглар муносабати, доғ, узунлик ва бошқаларни натурада ўрганишдир.

"Катта" ранг, ҳажм муносабати ва бошқаларнинг кичикга нисбатан муносабатларни ўзаро боғлиқлигини топиш керак. Яъни, тасвирилаш вақтида расмдаги асосий нарсага таяниш керак. Иш умумийдан хусусийга қараб олиб борилади. Тўлиқ шаклни ёки фақат бир қисмини, масалан, бурунни қуришда талаба унинг умумий шаклини тушуниши керак. Бурун призма шаклига эга, яъни талаба бурунни натуранинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда призма принципи асосида қуриши керак.

Шундай қилиб, тасвирий санъатни барча ўрганишлари қаламтасвирдан бошланиши керак. Текисликда натурани қуриш асосларини ўргатиш ўқитувчининг асосий вазифаларидан биридир. "Жонли натурадан шаклни қуриш схемасини тушунишда, тўғри геометрик шакл ҳисобланмайди, аммо схемада геометрик шаклларга яқинлашади, ва, шу тариқа геометрик жисмлар учун мавжуд бўлган перспектива қонунларидан фойдаланилади." "Кардовский ўз методи асосига "кесик", яъни обьектларнинг мураккаб шаклини оддий геометрик шаклларга соддалаштириш принципига асос солди.

Бошқа барча вазифалар (нисбатлар, характер ва бошқ.) иккинчи даражали.

Рассомликни ўқитиши соҳасидаги яна бир вазифа - талабаларда кўзни, қорайиб кўринган масса туйғусини ривожлантиришдир. Бу вазифа натурани ўлчамига мурожаат қилмасдан, кўринган шарпаси-масса ва уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда қофоздаги жойлашуви ва қораламалар ёрдамида амалга оширилади. Яъни, умумий абрисдан бошлаб, кейин уни шакли билан тўлдириши керак ва ҳоказо. қурилиши ёруғ-сояда амалга оширилади (тусли расмлари)

Кардовский ҳаққоний рангтасвир ва қаламтасвирни ўргатган, чунки у тусни ёруғликни шаклни идрок этиш учун реал шароитларнинг натижаси деб ҳисоблаган. Ва, тусли қаламтасвир ўқувчиларни рангтасвир техникаси билан таништиради. Шу сабабли, бундай машғулотларда расм чизишида юмшоқ материаллардан фойдаланилган, бунда талабага ишларни тусда ва рангда бажаришга ўргатиш мумкин эди.

Шунингдек, Д.Кардовский, таассуротдан, ““ўзларидан” талабаларнинг чизиш қобилиятини ривожлантириш муҳимдир, деб ҳисоблайди.

Бунинг учун ҳар куни 10-15 дақиқа давомида қаламчизғи бажариш керак. Кийинган ва яланғоч одам қиёфасидан. Ушбу қаламчизғилар

ҳаракатни, характерни ва мутаносибликни намойиш этиш керак; улар контур чизиги ва катта шаклнинг умумий таърифи билан кўриш орқали, ҳам хотирадан бажарилиши керак. Аммо қоралама билан чекланиб қолманг. Талаба ўз ишини пухта бажаришни ўрганиши учун уларни тайёр тугалланган расмлари билан биргаликда олиб боришлари керак.”

Д.Кардовский нафақат талабанинг “кўз нигоҳини ва қўл билан ишлаш маҳоратини” қўйишига ҳаракат қилди, балки унинг ўқитувчиси П.П. Чистяков каби талабанинг бадиий маданиятини оширишга интилди. У чинакам реалистик қаламтасвир ҳақида тўғри тушунча берди, табиат ва санъатга бўлган муҳаббатни, илмий билимларни хурмат қилишни илҳомлантириди. Кардовский янги шогирдларига қаламтасвирда ҳажмли шаклни нафақат тушунишни, кўришни ва қуришни, балки уни чукур таҳлил қилишни ҳам ўргатди. “Табиатда чизик мавжуд эмас”, деди Кардовский.

Биз чизиққа техник восита сифатида мурожаат қиласиз - бу бизга шаклни чеклашнинг шартли усули бўлиб хизмат қиласи. Расм ишлаш бошида (айниқса, бошлаган талабалар учун) бутун фигурани текисликларга бўлишга ҳаракат қилиш керак: тўғридан-тўғри ёруғлик нурларини қабул қиладиган ва улар тушмайдиган шаклни кесиб ташлаш керак. Катта шаклни англаб тушунмагунингизча - ҳеч қачон майда қисмларни тасвирлашга ҳаракат қилманг.

Д.Н. Кардовскийнинг педагогик тамойиллари бефарқ эмас эди, чунки “мактаб вазифалари” ҳар доим “санъатнинг вазифаларидан” ажralиб туришига олиб келарди. Агар мактабда бўлажак рассом “табиат қонунидан келиб чиқадиган нарсани” яхши тушуниши керак бўлса, келажакда у ўзининг ижодий усулини шакллантирса, у “табиат асосида” ўзини намоён қиладиган бошқа қонунга ишониши керак, чунки “бу қонунни мактабда тушуниш имконсизdir”, - деди Кардовский. Шундай қилиб, у ўқувчининг “санъатдаги ўз йўлини” танлашига қарши эмас, у ўқувчилар ишларида индивидуалликни излашга эҳтиёткорлик билан ёндашган.

Шуни таъкидлаш керакки, Кардовскийнинг педагогик мероси адабиётда ҳали этарли даражада ёритилмаган, унинг методик кўрсатмалари кам ўрганилган. Шу билан бирга ўрта мактаблар учун расм ўқитувчиларини тайёрлайдиган олий ўқув юртларининг пайдо бўлишига асосчиdir. Кардовский ва унинг шогирдлари ташабbusи билан 1939 йилда биринчи ўқитувчилар институти ташкил этилди, унинг асосида 1942 йилда В.П. Потемкин номидаги Москва шаҳар педагогика институтида бадиий-графика факультети очилди. 1955 йилгача В.П.Потемкин номидаги Москва давлат педагогика институтининг бадиий-графика факультети Совет Иттилоқида ўрта мактаб учун юқори маълумотли расм ва чизмачилик ўқитувчиларини тайёрлаган ягона факультет эди.

Факультетдаги бадиий таълим тизими Д.Н.Кардовскийнинг педагогик тамойиллари ва методига асосланган эди. Улар унинг шогирдлари ва издошлари томонидан педагогика институтларининг бадиий-графика бўлимлари тармоғида ривожлантирилди ва такомиллаштирилди. Бу

тушунарли: Д.Н. Кардовский бадиий рассомлик мактабининг муҳим вакилларидан биридир.

У таниқли П.П. Чистяков қўлида яхши академик расм мактабида ўқиди, А.Ашбедан Мюнхенда сабоқ олади, рус ва европа расм мактабларида ўқитиш бўйича энг яхши тажрибаларни умумлаштириш имконига эга бўлди.

Ўқитувчи сифатида Кардовский ҳаққоний санъатнинг позициясини ва ёшларни формализм таъсиридан ҳимоя қилди. Кардовский ўзининг қатъий эътиқоди, расм чизишни ўргатишининг аниқ ва услубий тизими туфайли кўплаб шогирдлар ва ғайратли издошларга эга эди.

Кардовскийнинг асосий ютуғи шундаки, у ёшларга пластик шаклни синчковлик билан ўрганишга, унинг тузилиш қонунларини кўришга ва тушунишга ўргатган. Кардовский реал тасвирни қуриш принципини тиклади. У ўз методининг асосига “кесиш”, яъни шаклни соддалаштириш принципи сифатида қўйди. Кардовский кўп йиллик ўқитувчилик амалиёти натижасида, янги бошлаган рассом-талаба учун нарсанинг мураккаб шаклини дарҳол тушуниш ва тасвирлаш жуда қийин деган холосага келди ва шунинг учун талаба, аввал, шаклнинг асосини тушуниши керак ва кейин аниқлаштиришга киришиши керак. Масалан, натурадан кувачани чизища талаба, аввал, ушбу шаклнинг асосини - цилиндр ва шарни кўрсатиши керак, сўнгра расмни натура бўйича аниқлаб бериши керак.

Талаба биринчи навбатда мавзунинг мураккаб шаклини кесиб ташлаши керак: “Масалан, бурунни чизища, бурун фазода тўртта текислик билан чекланган призма эканлигига эътибор бериш керак, лекин сиз призма эмас, балки жонли бурунни чизишингиз керак. Шунинг учун, агар бурун букчайган шаклга эга бўлса, унда призма принципига кўра катта шаклга эга бўлган ҳолда олдинги тепа юзаси эгилиб, маълум бир жойда, масалан, бутун олд юзанинг юқори учдан бирида ёки ярмида, натурага мос равища эгилиши керак”. Ушбу метод ёрдамида Кардовский қофознинг икки ўлчамли текислигига объектнинг уч ўлчамли ғажмли шаклини тўғри қуришга эришди.

30-йилларда расм чизишни ўқитишида алоҳида эътибор натурадан расм чизишига қаратила бошланди, бу уни энг яхши тасвирлашни ўзлаштиришнинг энг яхши методи деб билди. Барча ўқув ишларида - қаламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошлиқда натурани ўрганишни етакчи сифатида тан олинишни бошлайди. Натурадан ишлашнинг муҳимлигига, айниқса, тасвирий санъатни ўқитишининг бошланғич босқичида рассом-ўқитувчилар натурадан нусха кўчиришини эмас, балки шакл тузилиш қонуниятларини ўрганадилар.

30-йилларда рассом-ўқитувчилар орасида ўқув расмларининг илмий-назарий масалаларига қизиқиши кучаяди. 1938 йилда "Расм бўйича қўлланма" Д.Н. Кардовский томонидан чоп этилади. Унда реалистик тасвир тамойиллари ва расмни ўқитиш методлари очиб берилган. Муаллифлар кесиши методига асосланган шаклни текисликда қуриш масалаларига катта эътибор беришади.

Бундан ташқари, ўша пайтда таниқли рассом-педагогларнинг асарлари нашр этилган: Ченнино Ченнини. Рангтасвир ҳақида трактат. М., 1933;

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

Леонардо да Винчи. Рангтасвир ҳақида китоб. М., 1934; Альберти Л.Б. Архитектура ҳақида ўнта китоб. М., 1935; Гёте И. Расм чизиш ҳақидаги ажойиб фикрларим - Китобда: Гёте санъат ҳақида. М., 1936 йил.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари.
2. Бадиий мактаб ва Академиянинг пайдо бўлиш тарихи.
3. Леонардо да Винчи тизими асосида академик қаламтасвирни ўқитиши методикасини баён қилинг.
4. Рассом-педагог А.Сапожниковнинг илмий-методик ишларининг ўрни.
5. П.Чистяковнинг педагогик тизими ҳақида фикрингизни баён қилинг.
6. Д.Н.Кардовскийнинг қаламтасвирни ўргатиш методикасига қўшган хиссаси.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Абдирасилов С., Толипов Н. Тасвирий санъат ўқитиши методикаси. Ўкув қўлланма. Т.: “Алоқачи” нашриёти, 2007. 120 бет.
- 2.Бейсенбаев Садыбек Калмаханович. Методика специальной подготовки будущих учителей изобразительного искусства в процессе обучения рисунку и живописи. Автореферат. дис. докт. пед. наук. Чимкент, 2010.

2-Мавзу. Тасвирий санъат фанларида ўкув ва ижодий жараён, бадиий образни ифода этиш воситалари ва композиция.

Режа:

1. Тасвирий санъат фанларнинг қисқача ривожланиш тарихи. Тасвирий санъат фанлар ўкув ва ижодий жараёни.
2. Бадиий образни ифода этиш воситалари ва композиция. Олтин кесим.

Таянч тушунчалар: ижодий жараён, бадиий образ, композиция, олтин кесим.

1. Тасвирий санъат фанларининг қисқача ривожланиш тарихи.

Асрлар давомида яратилган тасвирий асарлар узоқ ўтмишдан дарак берувчи ва жамиятда бўлаётган воқеаларни акс этирилган картиналарни завқ билан томоша қиласиз. Улар билимдан ташқари эстетик завқ олишга ҳам катта ёрдам беради. Баъзи бир расмлар санъат соҳасига мансублигига қарамасдан дунёни маълум даражада ўзгартирди: масалан, Ласко ғорида² қояга чизилган расмлар биринчи одамлар яшаб ўтганлиги ҳақида кўрсатади, улар бизнинг тарихдан аввалги даврдаги тушунчамизни ва билимимизни

²Francisco De Goya (Spanish, 1746-1828)// Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-128

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

ўзгартиради. Шунингдек ўрта аср зодагонларини тасвирилаган картиналар ёки жамоатнинг ҳаяжонини вужудга келтирган Пабло Пикассонинг асарлари шулар жумласидандир.

Ўзбек рассомлари томонидан яратилган буюк асарлар ҳар доим хотирамиздан ўчмаслиги аниқ. Миллий тасвирий санъатимиз тарихидан маълумки К.Беҳзод, Ў.Тансиқбоев, Р.Ахмедов, Ч.Ахмаров, З.Иногомов каби рассомлар асарлари катта аҳамиятга эга. Тасвирий санъатнинг кўп жанрлари: портрет, манзара, жанг, майший, тарихий шулардандир.



3

Бу асарлар психологик таъсирчанлик кучи маълум бир тарихий аҳамиятни касб этмайди, лекин маданият нуқтаи назаридан ажойиб санъат асарларининг умумий тасаввурини беради. Биз тасвиirlар саҳнасига чукур ёндашамиз ва тасвиirlанган расмнинг талабларида рассомнинг ички дунёси ва унинг ҳаётий услуби, шунингдек, тасвиirlанган воқеанинг тарихий аҳамиятини кўрамиз. Бугунги кунда дунёда тасвирий санъатнинг аҳамиятини бутун жаҳонга машҳур ва ундан кам бўлмаган санъат асарлари бизнинг даврга сезиларли таъсир кўrsатади.

Дунёни қайта ўйлашга мажбур этган ибтидоий санъат. 100 метр чуқурлиқда жойлашган Ласко горида 1500 дан зиёд ўйилган палеолит тош даврининг расмлари ва 600 га яқин бизон, буғу, буқа ва бош ҳайвонларнинг табиий тасвиirlари топилган. Шу каби тарихий расмлар бошқа ҳеч қаерда топилгани йўқ. Изланувчилар айтишадики, сўнгги хulosада ўзларидан тарихий санъат музейини бизга мерос қолдирган ҳолда 5 минг йил давомида одамлар шу горнинг деворларида қайта-қайта расм чизиб, истиқомат қилишган. Баъзи бир суръатлар жуда катта ҳажмда: катта горнинг (Буюк ўтиш жойи) деворларида тасвиirlанган бир неча буқаларнинг баландлиги 5 метргачадир. Уларнинг табиийлиги ва ажойиб тарзда бизга етказиб берилиганлиги бизнинг тарихга бўлган қарашларимизни тубдан ўзгартиради. 19 асрга қадар одамлар ёш болаларнинг ижодига ўхшайдиган беўхшовликдан

² Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-13

то назокатли шаклгача, санъатни кам-камдан ва секин-асталик билан ривожланган деб ўйлашарди. Ҳакиқатдан ҳам, 1879 йилда Испания Альтомирда топилган биринчи деворий расмларни қалбаки деб ҳисоблашган. Кейинги топилмалар, Ласконинг расмларини қўшган ҳолда, барча шубҳалар ўчириб ташланди: милоддан аввалги 15 минг йилда тасвирий санъат мавжуд бўлган.⁴

Ўзбекистон худудида эрамиздан аввал ҳам тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, меъморчилик турлари ниҳоятда ривожланган бўлиб, уларнинг намуналари Варахша, Афрасиёб, Қалчаён, Тупроқ қалъя, Болалик тепа, Айртом, Далварзин тепа, Фаёз тепа, Кўйқирилган қалъя, Ажина тепа, Тешик қалъя ва бошқа бир қатор жойлардан топилган. Бу асарлар эрамиздан аввалги IV-I-асрларда яратилган бўлиб уларнинг ёши 5-6 минг йилга тўғри келади. Бу асарларнинг бадиийлиги ҳозирги замон рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарларидан қолишмайди десак муболага бўлмайди. Бундай юксак бадиий савиядаги асарларни ўша даврда тўпланган илғор тажриба, тасвирий санъат мактабларисиз яратиш мумкин эмас. Маълумки, санъат бир неча авлоднинг кўп йиллар давомида шаклланган анъаналари, устанинг шогирдга ўтказган билимлари асосидагина тараққий топади. Бу эса сўзсиз умумий бадиий таълим йўналишида бўлмаса ҳам, касбий бадиий таълим шаклида ривожланганлигидан далолат беради. Маълум даврларда Ўзбекистон худудидаги санъат тараққиётида узилишлар рўй берганлигининг сабаблари, Искандар Зулқайнар, мўғиллар, араб, рус истилолларига бориб тақалади. Амир Темур мустақил давлат тузган даврда тасвирий санъатнинг миниатюра турини гуллаб-яшнагани ҳам бунинг яққол далилидир. Амир Темур даврида миниатюра ва китоб графикаси шунчалик тез ривожландик, у нафақат Шарқ, ҳаттоқи Европа мамлакатлари санъатига ҳам ўз таъсирини қўрсатди. Натижада, Самарқанд, Бухоро, Хирот миниатюра мактаблари билан бир қаторда Бағдод, Табриз, Шероз, Озарбайжон, Хинд, Исфахон, Турк миниатюра мактаблари ҳам шаклланди ва ривожланди.

Мазкур миниатюра мактабларида, хусусан, умумий ўрта таълим мактаблари учун тайёрланган дастурларида санъатшунослик асослари, рангтасвир ва қаламтасвир ишлаш, натурага қараб тасвирлаш, борлиқни идрок этиш бўлимлари мавжуд бўлиб, касбий бадиий ва умумий бадиий таълим тизимлари ўртасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Тасвирий санъатнинг назарий асослари ҳисобланган ранг, ҳажм, перспектива, композиция асослари кабилар, ҳам касбий, ҳам умумий таълим тизимида ўрганилади. Фақат тасвирий санъатни ўқитилишида талаба ва болаларнинг ёшлари, идроки, психологик хусусиятлари, тасвирий малакалари ҳисобга олинини лозим, холос.

Тасвирий санъат тарихида буюк наққош ва мусаввир Камолиддин Беҳзодга Хиротлик Мирак наққош устозлиқ қилгани, унга миниатюра рангтасвири сирларини ўргатгани ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек,

⁴ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-12

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

устоз Мирақ наққошнинг Хирот “Нигористони” (Санъат академияси) бўлганлиги ва унда Камолиддин Беҳзод тарбия олганлиги ҳам маълум.

Професор Ориф Усмонов ўзининг “Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлиқ мактаби” номли китобида Беҳзод Табризда яшаган вақтда нафис тасвирий санъат мактабини яратганини қайд қиласди. У ерда мусаввир ўз атрофига энг истеъдодли ёшларни тўплагани, уларга санъатининг сирасорларини ўргатгани ва Табризда Султон Муҳаммад, Мирзо Амир, Оқо Мирак, Музаффар Али, Султон Муҳаммад Нур, Шомухаммад Нишопурӣ, Юсуф Мулло, Мир Али, Ризо Аббосий, Маҳмуд Музахҳиб, Мавлоно Ёрий, Ҳасан Бағдодий, Абдулла Шерозий, Дарвеш Муҳаммад, Мир Сайд Али, Қосим Али сингари ўнлаб истеъдодли мусаввирларни тарбиялаганлигини ёзади. Унинг шогирдлари Беҳзоднинг тасвирий санъат услубини давом этирганлари ҳам расмий маълумотлардан аён.

Ўзбекистонда ҳозирги замон таълим тизимининг пайдо бўлиши XX асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Бир гуруҳ фан ва маданият вакиллари Санкт-Петербург ва Москвалик рассомлар Туркистонга юборилади. Бу рассомлар Туркистоннинг йирик шаҳарларида бадиий студиялар ташкил этдилар, ўз асарларининг кўргазмаларини ўтказдилар.

1918 йилда Тошкентда бадиий коммуна очилади, бир йилдан кейин Самарқандда Туркистон ўлка бадиий халқ мактаби ишга тушади. 1920 йилда Андижонда рангтасвир мактаби, янги Бухорода санъат тўгараги ташкил этилди, мусулмонлар учун тасвирий санъат курслари очилди. Бир йилдан сўнг республикада бадиий мактаб ва студиялар сони 29 тага етди ва унда шуғулланувчилар сони 500 кишидан ошиб кетди. 1921 йили очилган бадиий политехникумда 170 ўқувчидан 150 таси ўзбеклар эди.

1924 йилда Тошкент тасвирий санъат музейи қошида бадиий студия очилди. Унда М.Куприянов (Машхур Кукриникслар гуруҳидан), С.Чуйков, маҳаллий ёш рассомлардан Ў. Тансиқбоевлар ёшлар билан машғулотлар олиб бордилар. 1927 йилга келиб Тошкент ва 1929 йилда Ўзбекистон пойтахти ҳисобланган Самарқандда бадиий билим юрти ташкил этилди. Бу билим юртларига кўпроқ маҳаллий ёшлар қабул қилинди. Бу билим юртларининг асосий мақсади рассомлар тайёрлаш бўлса-да умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаш борасида ҳам маълум роль ўйнади.

Шу билан бирга таълим тизимида эстетик ва бадиий таълим масалаларига ҳам эътибор қаратила бошланди.

Тасвирий санъат фанлари ўқув ва ижодий жараёни.

Ўқув жараёни - бу ўз мазмунида дунёвий илмий билимларни ташкил этиш ва етказишга, мазмун, шакллар, воситаларни, ўқитиш усулларини ўзаро боғлаб, ўқувчилар атрофни мақсадли англашига йўналтирилган яхлит

дидактик тизим.⁵ Ўқув жараёнида билимлар орқали ўқувчиларнинг бадий ривожланишини ва эстетик тарбиясини таъминлайди.

Ижодий жараён - бу онгнинг олий даражаси, фаолиятнинг юқори ва анча мураккаб шакли бўлиб, у инсонга ҳосдир. Тасвирий санъатда ҳам ижоднинг натижаси бадий асар яратишдан иборат бўлади. Яъни, объектив борлиқни маҳсус шаклдаги хусусиятларини бадий образлар тарзида акс эттиришдир. Ҳақиқий санъат асари - ўзида бадий образ шаклида ҳали бунгача бўлмаган янгиликни яратилиши ҳисобланади.

Бадий ижод эса ижодий жараён орқали амалга оширилади. Бунда рассом ғоявий-бадий мазмунни жам этган ҳолда тугал бадий асар яратади. Ижод ва ижодий жараёнлар худди фандагидек санъатда ҳам ўзининг мураккаб кўринишлари ва хусусиятлари билан ажралиб туради.

Ижод шундай меҳнатки, у маънавий бойликлар яратишга қаратилади. Ижодий меҳнат ҳажми бўйича катта, характеристи жиҳатидан ранг-барангдир. Меҳнат натижасида санъат асари яратилади. Рассом меҳнати турли-тумандир. Улар адабиётлар ўқиши, муассасаларга бориш, жамоаларга бориш, табиатни кузатиш, қоралама ва хомаки расм, этюдлар бажариш, кўрилганлар ҳақида фикрлаш, композиция эскизлари устида ишлаш ва хоказолар. Рассом ижодий меҳнатини шартли равиша ***икки турга ажратиш*** мумкин. **Биринчиси**, турли ҳил кузатишлар ва ҳаётни ўрганиш, билим, дид ва дунёқарашнинг ўсиши, маҳорат, кўникма, малакаларни эгаллаш билан боғлиқ бўлса, **иккинчиси** – бу асар яратиш билан боғлиқ бўлган, қисқа ёки узоқ муддатли бўлиб, бу ғоянинг характеристи, рассомнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқади. Рассомнинг кенг кўламдаги меҳнати, ижодий жараёнининг мураккаблиги - булар барчаси санъатда профессионаллик мажбуриятини юклайди, тасвирий санъатда янада алоҳида маҳсус ҳолатлари талаб этилади.

Жуда кўп машқ қилган ва ўзининг кўриш хотирасини ривожлантирган буюк рус рассоми В.А.Серов кичик ёшиданоқ сурат чизишни бошлагандан хотирадан чизишни ёқтиарди. Ундан буни устози (кейинроқ) И.Е.Репин ҳам талаб қилган эди. И.К.Айвазовский эса ҳайрон қоларли даражада кўриш хотирасини эгаллаган эди. Рус рассомлари – манзарачилари Ф.А.Васильев, И.И.Левитанларнинг кўриш хотиralари ривожланганлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Ирода – ижод кучининг самарасини белгиловчи, ижод учун энг зарурий психик жараёнлардан бири ҳисобланади. (Ованнес Геворкович Айвазян)

2. Бадий образни ифода этиш воситалари ва композиция.

Образ тушунчаси билиш назариясининг таркибий қисмидир. «*Образ*» деб инсон онгига нарса ва ҳодисаларнинг акс этиши тушунилади. Инсон

⁵ М.Ю. Олешков, В.М. Уваров. Современный образовательный процесс: основные понятия и термины. – М.: Компания Спутник, 2006. Стр.93.

ўзининг сезгиси, идроки, тасаввури, тушунчаси ва шу кабилар орқали ташқи дунёни *образ* шаклида англайди.

Бадиий образ манбаи «жонли ҳаётдир». Бадиий қиёфа воқеликни қайта англаш бўлиб, эстетик тушунчалар сирасига киради.

Бадиий образ хусусиятларини инсон билиши жараёни умумий қонуниятларидан ажратиб мушоҳада этиши мумкин эмас. Бадиий қиёфа билишнинг бир туридир. Билиш қонуниятлари санъатда ўзига хос кўринишларда намоён бўлади, бадиий қиёфа эса жонли мушоҳада ва мавҳум тафаккур белгиларига эга бўлса-да, уни ҳам, буни ҳам англатмайди. Бадиий образ – ҳаёт каби мураккаб, сермазмун. Санъатда ҳаётнинг ҳамма мураккабликлари, қирралари, муносабатлар мажмуи бадиий образда умумлаштирилади, унда ташқи (*объектив*) ва ички (*субъектив*) томонлар мавжуддир.

Санъаткорнинг ҳис-туйғулари, кечинмалари, режалари манбаи бўлган воқеа-ҳодисалар, турли вазиятлар, тўқнашувлар бадиий образнинг ташқи (*объектив*) томонидир. Бадиий қиёфа ташқи дунёни инсон эҳтиёжларига мутаносиблиқда акс эттиради, яъни ҳаётни эстетик қадрият сифатида ифодалайди.

Портрет – тасвирий санъатнинг энг қадимги, энг кенг тарқалган ва унинг ўзига хос хусусиятларини чуқур, атрофлича очиб берувчи жанрдир.

Биз бу жанрнинг рангтасвир ҳамда қаламтасвирдаги афзалликларини маълум даражада кўриб чиқиши, уларни узаро солишириб, чуқур таҳлил қилиш имкониятига эгамиз. Биламизки, портретлар ишланнишига кўра елкагача, белгача ёки бўйбаравар бўлиши мумкин. Рангтасвирда ишланган портретларда тасвир кўпинча тиззагача бўлган кўринишда учрайди. Моделлар турлича холатларда, баъзан кийим-кечаклари диққатни тортмайдиган, баъзан эса кўзни қамаштирадиган даражада аниқ ва ёрқин тугал қилиб ишланган бўлиши мумкин. Бундай қиёфани баъзан текис, тўқ фонда, баъзан манзара фонида, ёки интеръер мухитида кўрамиз. Фон қанақа бўлишидан қатъий назар, одатда асосий эътибор юз кўринишига қаратилган бўлади.

Портретдаги бу ташқи фарқланишлар, моделнинг ички дунёсини очиб берувчи фарқланишларнинг намоён бўлишига сабаб бўлади.

Портрет – инсонни ўзи яшаётган даврдаги ташқи дунё билан муносабатини, жамиятдаги ўрни, яшаш тарзини акс эттирувчи ҳамда унинг, маънавий ва эстетик дунёсига баҳо берувчи санъат асаридир.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, портрет рангтасвирини – давр қиёфаси деб айта оламиз.

Аммо албатта, бу таъриф рангтасвир учун абсолют тушунча эмас. Энди унинг тенденциялари ҳақида сўз юритамиз.

Маълумки, портрет яратилаётганида рассом ўзи акс эттираётган моделни ўраб турган атроф-муҳит таъсиридан «тозалаб», уни инсон-шахс сифатида қандайлигини очиб берувчи зарур далиллар билан тўлдиради. Яъни тасвирланувчининг ички дунёси билан «тиллашув» олиб боради.

Бундай ёндашув орқали унинг юз тузилиши, кўзлари, юз ифодаси ўша инсон тўғрисида имкон даражада маълумот беради. Портретнинг асл моҳияти ва баҳоси эса ўз навбатида рассом маҳорати билан ўлчанади.

Юз – ҳар бир инсон учун индивидуал, бетакрордир. Чунки, дунёда қанча инсон бўлса, шунча турдаги юз кўринишларини учратамиз. Демак, ҳар бир инсон юзи қайтарилемас экан, унинг нафақат ташқи «табиий чехраси», балки ўзига хос руҳиятига йўғрилган ички дунёси ҳам бетакрордир.

Ҳар бир шахснинг маънавий дунёси, унинг индивидуал юз тузилиши, қалби, ақл даражаси ва ўзигагина хослиги умумий хусусиятлар билан чамбарчас тарзда ҳамжиҳатликда ўз ифодасини топади.

Биламизки, ҳар бир инсон жамиятнинг маълум бир қатламига, ўз машғулоти, қасби, ҳаёт тарзи, фикр-мулоҳазалари билан маълум бир инсонлар категориясига, психологик темпераментига тааллуқли бўлади.

Айниқса, ўша модел атрофини ўраб турган предметлар орқали, кийим-боши, ўзини тутиш йўсини, қўл харакатлари, гавдани тутиш ҳолати-яъни: ўзигагина хос шахсий хусусиятлари орқали очик-ойдин намоён бўлади. Шунингдек, инсон чехраси – унинг жамиятнинг қайси қатламига таълуқлилигига, шахс сифатида тан-жонига сингиб кетган умумий хусусиятларига унинг индивидуал феъл-атвори билан бирлашуви шахснинг ўзига хослигини шакллантиради.

Қаламтасвирда ишланган портрет юз тасвиридаги урғу шахснинг ички ҳолатига, ўша пайтдаги кайфиятига ёки бирор бир конкрет, шахсий хусусиятига, маънавий индивидуаллигига ва энг муҳими инсоннинг умумий ҳаёт тарзига тааллуқли эканлигига қаратилган бўлади. Бу ўз навбатида рассомга тасвир этилаётган одамнинг юз ифодаси орқали унинг характерини очиб бериш имкониятини беради.

Мусаввир қаламтасвир портрети устида иш олиб борар экан, у бу жараённинг бошидан-охиригача натура билан юзма-юз ишлайди.

Биламизки қиёфачининг юз ифодаси турли маъноларни акс эттиради. Лекин, шунга қарамай, инсоннинг дунё билан ўзаро муносабатини ва ички оламини тўлиқ ва кўпқиррали тарзда этиб ёритиш имкониятини бермайди.

Қаламтасвирда ишланган портретда моделнинг ички дардлари, ҳаётдаги муваффақиятлари, инсон сифатида қандай эканлигини очиб бериш вазифаси турса, рангтасвир портретда бу инсоннинг образини келажак – авлодга қолдириш, жамиятга, одамларга таништириш мақсади ҳам ётади.

Шунинг учун рассом моделнинг муҳим инсон эканлигини, инсонийлик қирраларини янада кўпроқ ва бўрттириброк кўрсатиб, авлодларга муносабиб, улкан эътироф билан намоён этиб беришга урунади. Унинг дунё билан, вақт билан боғлиқлигини, ҳамоҳанглигини очишга ҳаракат қиласи.

Портрет санъатида учраб турадиган хусусийликдан умумийликка ўтишнинг учта даражасини белгилаш мумкин: бунда портрети ишланадётган моделнинг ҳаётидаги айнан ўша пайтдаги руҳий ҳолати, унинг шахс сифатидаги феъл-атвори ҳамда жамиятдаги ижтимоий, маънавий ўрни ва у яшаётган давр тўғрисида ҳам маълумот беришидадир.

Қаламтасвирда портрет ўз структурасига кўра аниқ икки ечимни: моделнинг ички ҳолатини ва маънавий ўзига хос дунёқарашини намоён этади. Бундай портретлар камдан-кам ҳоллардагина тасвирий санъатнинг кенг қамровида вужудга келади.

Рангтасвир портретларида эса аксинча, аниқ ҳолатлар камроқ учраб, тасвирдаги шахснинг ижтимоий тизимдаги ўрни анчайин идеаллаштирилиб бадиий тарзда акс эттирилади.

Лекин барибир, қаламтасвирда ҳам, рангтасвирда ҳам моделнинг маънавий характеристи портретнинг бош вазифаси бўлиб қолаверади. Вазифалар ечими турлича бўлгани учун натижада образ ҳам ўзаро фарқланади. Кўпинча қаламтасвирда моделнинг елкасигача бўлган тасвири табиий ҳолатда тасвирланади ва фон эркин танланади. Портретнинг барча хусусиятларини асосан моделнинг юз қиёфаси ифодалайди.

Рангтасвир портретини яратишда эса рассом ўша шахс ва ўша замон тўғрисидаги фикрларини, тасаввурларини ҳам қўшиб ифодалаши керак бўлади. Бу эса тасвирлашда портрет композициясини топиб, унга мос равища мухит, либос, фон ва турли аксессуарлар танловини ҳам амалга ошириши керак бўлади. Портретнинг қаламтасвир ва рангтасвир ечимида асосан икки масала ҳал этилади: бири – шахснинг индивидуаллиги, ўхшашлиги бўлса, иккинчиси эса – **образнинг умумлашган, идеаллашган кўриниши**дир.

Портрет санъатидаги бу иккала ёндашув, иккала ҳолатни тасвирлашнинг бошқа жанрларида ҳам учратиш мумкин. Демак, шундай хуносага келиш мумкин: «қаламтасвир портретнинг биринчи чизиги, рангтасвир эса уни ривожлантирувчи, мукаммаллаштирувчи иккинчи чизиги»дир.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, юқорида берилган таъриф ҳамма портретлар учун ҳам мутлоқ бир хил бўлавермайди.

Тасвирий санъатнинг кенг оламида қаламтасвирда ишланган портретларда ҳам унинг мухити, маълум бир фонда ўша шахснинг дунёдаги ўрнини ифодалаши мумкин. Ва аксинча, рангтасвир портретида ҳам рассом бутун диққатини асосан моделнинг юзига қаратиб, унинг аниқ бир ҳолатига урғу бериши мумкин.

Энди рангтасвир портрети учун мўлжалланган қаламтасвирни ўрганиб чиқамиз. Уни ишлаганда, у портрет этиоди учун ёки мустақил рангтасвир портрети учун деб ажратиб бўлмайди. Чунки портретнинг тайёрлов қаламтасвири ва унинг ёрдамида ишланган рангтасвир портрети солиширилганда, ундаги композиция ечимида умуман фарқ бўлмайди. Лекин рангтасвир портретида хомаки қаламтасвир тўлиқ қайтарилсада, образ яратишда анча-мунча фарқ бўлади.

Биламизки, XVII аср – «олтин портрет асли» деб ном олган. Бу даврда ишланган рангтасвир, қаламтасвирларда бир хил топилган портрет композицияларида бундай ҳолат жуда яқъол кўзга ташланади. Қаламтасвирда

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

ҳам моделнинг аниқ ички руҳий ҳолати кенг миқёсда берила бошлаган. Бу асрга келиб, портретнинг ҳис-туйғуга бойлиги очиқ ва турлича ифодаланган.

Машҳур рассом П.Рубенс ҳаётининг сўнги йилларида ишлаган «Автопортрет»ида донишмандлик, қайғу, ички дард, безовталик шундай бир куч билан ифодаланганки, унда инсон умрининг якунида ҳис этадиган туйғулари рўйи – рост намоён бўлиб туради.

П.Рубенснинг рангтасвирда ишланган «Автопортрет»ида эса юз ифодаси бир оз юмшаганлиги сезилади. Қаламтасвирида юз диққатни қаттиқ тортса, рангтасвир портретида образ унинг тик, викорли гавдаси билан романтик либосларга ўралиб туриши, яъни ташки қиёфага берилган эътибор билан яхлитлик касб этган. Бу ерда инсон дарди, унинг викорли, романтик туришидан устун кела олмаган. Чунки рангтасвир портрети учун ишланган қаламтасвир эркин ижро этилган. Рассом рангтасвир портретини қаламтасвир асосидагина яратишга эришган.

Рангтасвир портретига мўлжаллаб ишланган қаламтасвирларнинг тўлиқ ва ёрқин образли бўлиши портретлар турли композиция ечимлари асосида ишлансанагина ўз овозига эга бўлади.

Қаламтасвирда ишланган портретда кўзлар, лабларда ним табассум каби мураккаб ҳолатларни бериш мумкин. Рангда эса бу портрет белигача ёки қўллари билан, атроф-муҳит, фон, либослари қўшилиб, юздаги бу ифода кучи камайиб, бутунлай бошқа образга айланади.

Агар қаламтасвирда моделни инсон сифатида юзма-юз кўрсак, рангтасвир портретида бизнинг кўз олдимизда раҳбар, олим, талаба жамиятдаги ўз ўрни, ундаги мавқеи билан намоён бўлади. Бунда биз фақат инсон юзини эмас, ўша даврни, маълум юртни, масалан: XVI асрдаги Италияни ёки XXI асрдаги Ўзбекистонни кўрамиз.

Композиция.

Композициянинг эфектли ифодаси учун композициянинг элементи ҳақидаги тушунча илгари сурилиши керак, ҳар бир факторнинг тушунчаси орқали кўрганларимизнинг таасуротлари ва кўзимиз билан кўришимиз мумкин бўлган шакл ҳаракатини шакллантиради.

Композициянинг факторлари нуқта, чизик, текислик, шакл (форма), ранг, соя (ранглар), ҳажмни ҳис қилиш, ишлатаётган материалимизни ҳис қилиш, ўлчам, йўналиш, композиция, иллюзия кабилардир. Биз факторларни тушунчамиздаги факторлар ва кўз олдимиздаги факторлар деб қарашимиз мумкин.

Композиция - нуқта, чизик, юза каби учта муҳим элементлар шаклинни ўзлаштириб, қузатилиши, албатта, пластиканинг бирлиги ва тартибига эга бўлган психологик ҳаракатdir. Бундай шакл гўзаллигини ҳал қилувчи принципини **гўзаллик принципи ёки шакл (фигура) принципи** дейилади. Бу шакл ранг, натура, ҳажм каби ўзаро бошқа бошқа элементларни текисликда ифодаланганда шаклланадиган шаклни чиройли ва уйғун бўлишидаги гўзаллик қонунидир. Бу шакл принципи тушунчаси эстетик

муаммо сифатида қадимдан шу кунгача кўп нарсаларни кўрсатиб келган бўлиб, унинг мазмуни қуидагичадир.



Composition

(Third Version)¹

VII

1) Бирлик - бирлик бу ҳис қилиш ёки реал шакл, ранг, ҳажм материал ҳамда техник жиҳатдан эстетик бирлик ёки тартиб деганидир.

Үйғунлик деб, бир ёки ундан ортиқ қисмларнинг ўзаро муносабатида эстетик қиммати жиҳатидан бир - биридан ажратилмасдан, ҳар бир элемент бирлашганда ҳосил қиласиган эстетик шаклга айтилади.

2) Ўзгариш - бирликдан ажратиб бўлмас муносабатдадир. Лекин жудаям мураккаб ўзгаришларда бирлик тартиб билан мустахкамланмаса, композиция бетартиб қўринишга келиб, ҳатто мавзу ҳам сустлашиб, бу бир хиллилик (монотонли) ва замондан ортда қолиш каби оқибатларга олиб келади.

Пропорция - катталик ёки узунлик ўртасидаги фарқни билдириб, баланс билан узвий боғлиқдир.

3) Баланс дегани, симметрияда фарқ қилиб, ҳар томонлама носимметрик шаклларнинг қўриниши ва руҳий мувозанатдир.

Симметрия - мувозанат деб ҳам юритилиб, қарама - қарши томонларда жойлашган барча нукталарнинг ўзаро бир хил масофада қўлланилиши тартибига таяниб, бирлаштириш хусусиятини берувчи тушунчадир.

4) Ритм - ҳар бир элементнинг кучли ёки заифлиги, шунингдек, ритм даврини ҳамда давомий ҳаракатдир.

- Аста - секин ўсиб бориш: аста - секин ўзгариб бориш ёруғлик ва қоронгулик, шунингдек, комбинациянинг ёркинлик даражасини ифодаловчи тушунчадир. Аста-секин олдинга силжиш, нукта деб ҳам юритилиб, мос келувчи поғоналарга асосланиб, қатъий тартибларга эга бўлган табиий

¹ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-167

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

тартиб қоидаларнинг ўзаро ҳаракати билан ифодаланадиган тизим деб ҳам талқин қилинади.

• Такрорлаш - ажратилган масофада такрорланишдир. Оддий такрорланиш бир хил ва оддий бўлсада, даврий такрорланиш ўзгарувчан ритм кайтарилигандан, жозибадор ритм бўлиб, бундай мураккаб давомий ритмга асосланган такрорланишни кесишиш деб ҳам аталади.

5) Ургу – атроф - мухитнинг бирор бир шартига кўра маҳсус бир қисмига қаттиқ ўзгартириш факторидир. Лекин ургу бирдан ортиқ берилса, аксинча ургу ўз кучини йўқотиши мумкин. Ургунинг катталиги керагидан ортиқ ишлатилмайди, яъни ургу беришнинг ҳам ўз чегараси бор.

• Контраст - қиёслаш хусусияти ва миқдорни ажратиб, иккidan ортиқ жой ёки вақтга нисбатан жойлашганда ҳосил бўладиган бирлик шакли, яъни шакл ёки ранг кабиларга контраст бериш орқали ўзгаришни амалга оширувчи принципдир. Рангсиз тасвирида оқ ва қора рангни қиёслаш шунга мисол бўла олади.

3-Мавзу. Тасвирий санъат фанларидан одам боши ва инсон қомати қаламтасвири.

Режа:

1. Тасвирий санъат фанлардан одам боши ва инсон қаламтасвири.

2. Инсон портрети рангтасвири.

Таянч тушунчалар: одам боши, физиогномика, инсон қомати, портрет.

1. Тасвирий санъат фанлардан одам боши ва инсон қаламтасвири.

Инсон қиёфасини тасвирлаш жуда қизиқарли, у инсонлар юзи, аъзолари, тузилиши, ранги, инсон танаси ҳаракат ҳолатлари, овози, кулиши кабилардан унинг характеристерини билишга ўргатади.

Хитойда, Овропада инсон қиёфаси санъатини фан сифатида қадимдан то шу кунларгача ўрганиб қўллаб келаяпти, бу фанни физиогномика⁶¹ номи билан юритади.

Аждодларимиз маънавий меросида ота-боболаримиз бу санъат ва илм бўйича одамларнинг қиёфаси белгиларини билишлигини, Арасту, Афлотун,

¹ Хигир Б.Ю. Физиогномика.- М.- С-Петербург: ДИЛЯ, 2000.

Луқмони Ҳаким ҳақидаги ҳикоятларда⁷² ҳам инсон қиёфасига қараб одамни характерини билиш мумкинлиги айтилган.

XV асрда яшаб ўтган Камолиддин Хусайнин Войз Кошифий Ўрта Осиё олимлари ичида инсон юзини ўқиши санъати билан шуғулланган ягона мутафаккирдир. Улуғ олимнинг «Ахлоқи мұхсиний» асарида айтилишича тишнинг эгри бўлмоғи макру-ҳийла, хиёнат, тишнинг ораси очиқ ва силлиқлиги эсаadolат, тадбиркорлик белгисидир. Юзни гўшти тўла ва ўсуқ бўлмоғи жаҳолат тезлик белгисидир. Сўз айтиш вақтида кўл тебратмоқ зийраклик ва тадбиркорлик белгисидир, дейилган.

Шамсиддин Дунасарийнинг «Одамни билиш илми» рисоласида инсоннинг танаси, аъзолари ҳаракатига, юзининг тузилиши ва рангига, нафас олиши, овози, ҳатто кулишига қараб унинг кимлигини билиш борасида Шарқда йиғилган қузатишлар ўрин олган. У айтади: - Агар одамнинг хулқатвори, таъби, назокати, шаклу суратини билсангиз, унинг яхшию ёмонлигини тушуна бошлайсиз. Бу, албатта, ҳаётда катта наф беради, сизни бало-қазолардан асрайди. Бу илмнинг йўлланмаси билан киши ўзининг ушбу нуқсонларидан оғоҳ бўлиб, ёмон хислатларидан кутилади. Бошқа кишиларнинг айбларидан хабар топиб, уларнинг зиён-захматидан саломат бўлади.

Саркарда, давлат арбоби, ҳуқуқшунос, меъмор, руҳшунос Амир Темур ҳам инсон қиёфасини ўқиши санъатини пухта билган. У ўзининг бутун ҳаёти давомида ушбу санъат илмидан жуда унумли фойдаланган. Унинг «Амир Темур ўғитлари» асарида қиёфа илмидан жуда ўринли фойдалангани ҳамда бу санъатни ўрганганини мамнуният билан таъкидлаб ўтади: «Самарқанд таҳтини эгаллаб, азим Мовароуннаҳр бизнинг ҳукмимизга киргач, юртдаadolat ўрнатмоққа аҳд этдик. Аркону давлат атрофинда кўп нобакор мардумлар ин қўймоқчи эрди. Инчунин, уларнинг замзамасидан хуноб бўлиб, бир тадбир буюрдим. Мусаввир келган арзгўйнинг суратини чизиб, менга киритсин. Арзгўйнинг қиёфасига боқиб, қабулимни айтармен.

Мусаввирлар саройга келганларнинг сувратин чизиб, менга киритар, арзгўйнинг пешона, бурун, даҳан, кўз ва бошқа сифатларига қараб, унинг мақсад ва феълини олдиндан билиб турадим. Бадфеъл ва хиёнаткорларни қабулимга йўлатмаслик ҳаракатида бўлдим. Бунда пири шайх Шамсиддин паррандадан «Илми қиёфа» (қиёфага қараб баҳо бериш ва олдиндан тақдирни башорат этиш) илмини мукаммал эгаллаганлигим ғоят кўл келди.

- Соҳибқирон, - дерди у киши, - сиз ҳақсиз. Кейинги умримда мен кўп қатори ғийбат ва бўхтонга ружу қўйдим. Аммо илгари чин кўнгил киши эрдим. Найлайки, замон зайди мени шу кўйга солди. Ортиқ чидамшим мушкул. Арзим ҳам замона зайдидандур. Файз берувчи сухбатингиздан

² Шамсиддин Мұхаммад ибн Амируддин Дунасарай. Одамни билиш илми. Форс-тожик тилидан Б. Омон таржимаси. - Тошкент: Ёзувчи, 1994. - З б.

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

махрум этмангиз! Шундан сўнг қабулга изн бердим. Мулозимлар бу кишини хос хонага бошлашди»⁸¹.

Ўзбекистон халқ рассоми академик Малик Набиев машхур Амир Темур портретини яратишида «Қиёфа илми» дан хабардор бўлгани жуда қўл келганлиги хақида шундай дейди:

«...портрет чизиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу соҳада ишлайдиган ижодкор-рассом, аввало, археология, тарих, анатомия (одамнинг гавда тузилиши) ва қиёфа илми фанларини чукур билиши керак. Масалан, мен ўзим пластик анатомияни ўрганиш учун ТошМИГа тўрт йил қатнаганман. Парижда ўқиб келган Матвеев деган ўқитувчимиз бўларди. Ўта зукко, билимли ва тажрибали эди. Кабинетида юздан ортиқ миллатнинг калла суюклари териб қўйилган бўлиб, мен у ерда ҳафталаб қолиб кетардим. Кош суяги эркакларда бўртиб чиқиши, аёлларда текис бўлишини ўшандა ўрганганман. Мимика, яъни юз мускуллари, албатта, ҳаракатга келади, қоши чимирилади».

Ҳусайн Бойқаронинг қабулига келганларни бир кўздан кечириб чиқувчи маҳсус олими бўлган. У дилни хуфтон қиласидиган, кайфиятини бузадиган одамларни шундоққина юзидан билиб, уни ҳеч қачон подшо хузурига қўймас, ўзи суҳбатлашиб, жўнатиб юбораркан.



¹ Амир Темур ўғитлари (тўплам). Тузувчилар: Б.Ахмедов, А.Аминов.- Тошкент: Наврўз, 1992. 54-55 б.



Инсоннинг турли эмоционал ҳолатлари чунончи, баданинг хилма-хил ифодали ҳаракатлари, имо-ишоралар, хусусан, кўз билан қилинадиган имолар, товушнинг оҳанги, хўмрайиш, салгина жилмайиб кулиш, елка қисиши ва бошқа ифодали ҳаракатлар мақсадини ҳамда унинг кимлигини очиб беради.

Масалан, Алишер Навоий ўзининг «Сабъаи сайёр» достонида Баҳром образини ранглар, яъни етти ранг орқали ифода этади. Ойбекнинг «Навоий» тарихий романи, Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» каби асарларда Алишер Навоийнинг доно, мард ва жасур, Андрей Болконский, билимдон, ўқтам йигит Отабек ва Мирзо Анварларни қиёфаси, яъни кўзи, қоши, юзи, сочи, бурни, лаби, юз тузилиши ифодалар баёни орқали китобхонларда қизиқиш ўйғотади.

Атоқли рус антропологи Д.Н.Анучин айтганидек, «инсоннинг ташқи қиёфа хусусиятлари умри бўйи ўзгаришсиз ўтади, фақат баъзи бир белгилари, бўйи, қадди-қомати ва баданинг баъзи қисмлари ўлган жиҳатидан ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар нисбий характеристерга эгадир»².

Инсон қиёфасининг динамик ҳолатлардан энг характерли ҳолати кулги ва йиғидир. «Л.Н.Толстой ўз асарларида одамнинг руҳий ҳолатини ифодаловчи нигоҳларнинг 85 хилини ва кулишнинг 97 хилини тасвир этган. «Ҳар хил сабаб билан йиғлаган пайтда одамнинг қоши ва оғзи ҳар хил қиёфада ўзгаради», - деган эди Леонардо да Винчи.

² Криминалистика техникаси. - Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999.- 157 б.




Бу борада рассом Луи Леопольд Буальи ўз асарида ўттиз олтита инсон юзини психологик портретини тасвирлаган. Унда турли ҳис-туйғуларни ифодаловчи кўринишлар – қайғу, ўқинч, ачиниш, ҳайратланиш, ўйчанлик ва бошқалар мойбўёқда ўта маҳоратли акс эттирилган.

Психолог П.М.Якобсон томонидан ишланган расмлардан кўриниб турибдики, одамнинг афтидаги қиёфа асосан лаблар, қош ва кўз ўзгаришларининг бир-бирига нисбатан турлича ҳолатига, шунингдек кўзнинг қанчалик чақнаб туришига боғлиқдир»³.

Шарқда қиёфа илми билан шуғулланиш ман этилмаган. Масалан, Мұхаммад алайхиссаломнинг «Утлуб ул-хайри мин ҳисон ил-вужух» ҳадисларини мисол қилиб олиш мумкин бўлиб, унинг мазмuni қуидагича «Сизлар яхшиликни чиройли юзлилардан қидиринглар», деганлар.

Ҳақиқатдан ҳам чиройли, очиқ юзли кишиларнинг қалби ҳам гўзал бўлади, у доно ва ақлли бўлади. Инсон икки эшик орасида яшашни бошлар экан, қанча гуноҳ ишлар қиласр экан унинг қиёфасига ва хатти-ҳаракатига, албатта, салбий таъсир этиб ўз аксини топади.

Инсон кишининг ахлоқ-одоби, қолаверса, ички, маънавий оламининг қандайлиги юзида бамисоли кўзгудаги каби акс этиб туришига ҳалқ азалдан эътибор берган. Масалан, кўзнинг ўзини олайлик. Яхши одамларнинг кўзлари порлаб



³ Раҳмонов М. Психология курсида кўрсатмалимк.- Тошкент: Ўқитувчи, 1981.- 115 б.

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

туради, чақнаб туради, кўзларида сехри бор дейилади. Шу боис ҳам гўзал қизлар қош-кўзлари попукдеккина деб тасвириланади, ёрнинг кўзлари чаросга қиёсланади. Кўйкўз, бўтакўз, оҳу кўз, шаҳло кўз, хумор кўз деган иборалар бор ва ҳоказо.

Кант таълимотига кўра, юз териси силлиқ ва тузилиши мукаммал бўлган зўр заковат эгаси, даҳо бўлиши мумкин эмас. Мен бошқа гўзаллик - бир-бирига қовушмаган номукаммал аъзолар ва уқубатлар гувоҳи бўлмиш ажинлардан иборат гўзаллик ҳақида гапирайпман. Энг муҳими, инсоннинг борлиғидан қуишлиб турган ички нури бўлсин. Юзи нур сочмаган одам ҳеч қачон «юлдуз» бўлолмайди.

Тасвирида қаламсурат мукаммал бўлиши лозим, акс ҳолда турли бўёқлар ҳам оддийгина нарса ва буюмнинг қурилиши, ҳажмини тўлиқ ифодалаб бермайди. Ҳаво перспективасига боғлиқ ҳолда рангларнинг нозик ўзгаришини ифодаловчи, матога берилган рангбаранг суртмалар ҳам, ўз-ўзидан фазовий кенгликни кўрсата олмайди. Факат перспектива қоидаларига тўғри амал қилиб тасвириланган қаламтасвиргина рангларни янада ҳам жозибали кўрсатади.

Агар табиат манзараси перспектива қонун-қоидаларига амал қилинмай тасвириланса, кенгликни ифодаловчи рангнинг ўрни аҳамиятсизdir. Рангтасвирни рассомлар шундай таърифлайди; "Бу 100% қаламтасвир ва 100% рангтасвирнинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлигидир".

Рангтасвирнинг жозибали чиқишида қаламтасвирнинг ўрни бекиёсdir. Аммо, моҳир рассом қаламдан фойдаланмасдан ишни бўёқлар билан тасвирилаши ҳам мумкин. Ижодкор изланиш жараёнida рангтасвирни қаламтасвир билан бевосита боғлиқлигини ҳис этади. Яъни, буюмларнинг фазовий жойлашуви, нисбатларнинг аниқлиги, рангларнинг тўғри қўйилиши, ишни бир бутунликда якунланиши кўп жихатдан ижодкорга боғлиқ.

Рассом қаламтасвирни пухта ўзлаштириб олгандагина, (қоғозга тўғри жойлаштириш, нарса ва буюмларнинг фазовий жойлашуви, перспектива қоидаларига амал қилиш, нисбатларни тўғри топиш, методик кетма-кетлиқда ишни туслаш ва х.к.) рангтасвирда кўзланган мақсадга эришиш мумкин, акс ҳолда ноаниқ ечилган қаламтасвир ишини тахлил этсак, ранглар қанчалик жозибали бўлмасин, барибир бу ишни сифатли деб бўлмайди. Шунинг учун турли рассомлик мактабларининг тарихий тажрибалари шундан гувохлик берадики, таълимнинг дастлабки босқичларида қаламтасвирни мукаммал ўзлаштириш, кейинги жараёнлар учун замин яратади. Ёш рассом Одоардо Фиолетти Венецияга ўқишига келганида, рангтасвирни мукаммал эгаллаш учун нима қилиш керак деган саволига Тинторетто шундай жавоб берган: "Расм чизиш!". Рассом бўлиш учун яна қўшимча нималарни маслаҳат берар эдингиз деган Фиолеттининг қайта саволига Тинторетто: "Расм чизиш ва яна расм чизиш!" — расм чизиш, рангтасвирга нағислик ва мукаммаллик ато этишини ҳақ деб билган.¹

¹ Мастера искусства об искусстве. М., 1966, Т.2, 257-бет.

Буюк ҳайкалтарош Микеланжело қаламтасвирда (рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, мөйморчиликда) "ҳар қандай илмнинг илдизи ва негизини кўрган".

"Қаламтасвир доимо бизга йўл кўрсатиб турувчи қутб ва компас бўлиб, турли бўёклар океанида чўкаётганларга нажот бериш омилидир, — дея таъкидлаган Шарль Лебрен.

Энгр ўз устахонасининг эшиклариға қуидаги сўзларни ёзган "Бу ерга келган шогирдларга қаламтасвирни ўргатаман, кетаётганда эса, улар рангтасвир устаси бўлиб етишади".

"Шундай нарса мавжудки, у ҳамма санъат турларининг асоси ҳисобланади, бу — қаламтасвир. Кимки қаламтасвир санъатини мукаммал эгалласа, у рангтасвирни ҳам, ҳайкалтарошлиқни ҳам ўзлаштира олади," — деб айтган Каруччи.

"Ҳар қандай шаклни ажойиб, нафис қилувчи ранглар эмас, балки аниқ чизилган қаламтасвирдир" — деган Тициан. У қариган чоғларида ҳам, кўмир ёки мел билан нималарнидир тасвирламаган куни бўлмаган.

"Қаламтасвирга асосланмаган рангтасвир, санъат эмас, балки рангли доғларнинг тартибсиз йифиндисидир", — дея доим такрорлаган рассом В.Е. Маковский.



"Қаламтасвирни пухта билмаган, ижод ҳам қила олмайди", — деб таълим берган П.П. Чистяков. И.Е. Репин кунора 2-3 соат қаламтасвир билан шуғулланган ва уни рангтасвирни асоси деб ҳисоблаган. А.М. Васнецов, П.П. Чистяковнинг таълим бериш тизимини ёдга олиб, "унинг севимли машғулоти қаламтасвир" эди, деб эслайди.

Ашбенинг Мюнхендаги рассом-педагог мактабида ҳаттоки санъат Академиясини тамомлаганлар ҳам таълим олар, таълим бериш фақат қаламтасвир бўйича (шаклнинг конструктив тузилиши, тус-соя, ёруғ муносабатлар акс этган тасвир, гризайль), узоқ вақт ўtkазилган, шунинг

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

натижасидагина шаклни конструктив қуриш ва тус муносабатларини пухта эгаллаб, сўнг ранглар билан тасвирлашга ўтилган.

Етук рассомларнинг яратган асарлари шуниси билан диққатга сазоворки, асар композициясининг моҳирона топилганлиги, мавзунинг долзарблиги, иссиқ ва совуқ рангларнинг ўзаро ҳамоханглиги кишини ҳайратга солади. Машхур рангтасвирчи рассомларнинг кўпчилиги авваламбор етук қаламтасвир усталариdir. Булар қаторига К.П. Брюллов, И.И. Шишкин, В.Е. Маковский, В.Д. Поленов, И.Е. Репин, М.А. Врубель, В.А. Серов, К.А. Коровин, А. Абдуллаев, Ў. Тансиқбоев, З. Иноғомов, М. Набиев, Р. Аҳмедов, Б. Жалолов, А. Мирзаев, А. Икромжонов, И. Хайдаров кабилар киради. Рангтасвирда нозик пластик шаклнинг мавжудлиги, нисбатларнинг мутаносиблиги, ҳажм, фазовий сифатлар муҳим ўрин эгаллайди. Рангтасвирчи рассом натурадаги ана шу жихатларни тўлақонли акс эттира олсагина мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда бу жихатлар мавжуд бўлмаса, тасвир ўта эҳтиёtsизлик, пала- partiшлик билан ишланган сифатсиз иш деб баҳоланади.

Рангтасвирда ранглар қаламтасвир билан узвий боғлиқ бўлиши зарур. Яъни ишни рангда бошлиш учун қаламда натуранинг зарур жойларини белгилаб олиб, шаклнинг шартли чизиқларини унутиб, ранглар воситасида шакл ҳажмини тасвирлаш даркор.

Д.Н. Кардовскийнинг фикрича, агар биз рангтасвир бу - қаламтасвирнинг рангда давом этиши деб айтсак, шаклнинг рангда талқин этилиши, қаламтасвирдан бошланади ва ижод жараёнида у бир неча маротаба тўғриланади, ранглар билан сайқалланади. Қаламтасвир маҳоратини пухта эгаллаш, бетакрор рангтасвир асарлари яратиш гаровидир. П.П. Кончаловский рангтасвирда қаламтасвирнинг моҳиятини кўриб, шундай ёзган: "Рангтасвирнинг ҳақиқий усули — бу шаклни мутлақо аниқ етказиб бериш йўли билан бериладиган бўёқ суртмадир"¹.

Ҳаққоний санъатда асосий бадиий қиёфа, бу қаламтасвирдир. У жисм шаклини қайта ишлаб чиқади, воқеа ва инсонлар ҳақида маълумот беради. Қаламтасвирда тасаввур, композиция ғоялари мужассамлашган. Композиция аввало қаламтасвирда пайдо бўлади (пластик ғоя) ва қайд этилади. Хаттоки, ҳайкалтарош ва меъморларнинг дастлабки ғоялари қаламтасвирдаги қораламадан бошланади.

Рассомларда эса пластика ҳақидаги фикр, композиция тўғрисидаги умумий ўйлар доимо қаламтасвирда пайдо бўлади.

Қаламтасвир санъатининг ҳақиқий устаси бўлиш ва уни тўғри тушуниш турли йўналишдаги рассомларга: график рассом, меъмор, сахна безакчиси, монументалчи рассом ва бошқаларга жуда муҳимдир. Агар кино ёки театр рассоми қаламтасвир сир-асрорларини мукаммал эгалламаган бўлса, уни ҳақиқий ижодкор деб бўлмайди.

¹ П.П. Кончаловский. Мысли о художественном творчестве. М., 1964, 27-бет.

Хаттоки, ҳаққоний қаламтасвир чизиш мактабида тарбияланган рассомлар тасвирий санъатнинг ҳар қайси тури бўйича яратган ижодий маҳсулиниң қийматига қараб тасвирий, маданий даражаси қадрланади.

Рангтасвирда моҳирона ижод қилиш учун ёш шогирд рассом қаламтасвирда қўйидаги билим ва малакаларни пухта ўзлаштироғи лозим:

1. Кузатув перспектива (уфқ чизиги, ясси жисмлар ва уфқ чизиги перспективаси) элементлари. Текисликлар билан чегараланган жисмларни конструктив ва перспектив қурилиши (куб, призма, интеръер ва экстеръер).

2. Цилиндр шаклидаги жисмларнинг перспектив қурилиши.

3. Геометрик шаклларда соя-ёруғ муносабатлари (куб, цилиндр ва шардаги соя-ёруғнинг тақсимланиши, ҳаво перспективасининг элементлари).

4. Қаламтасвирда ҳажм, фазо ва материалликни тасвирилаш усуллари (турли материалларни соя-ёруғ хусусияти, тус муносабатлари, ҳажмни кўрсатишида чизиқ ва "штрих"ни ўрни, фазо ва моддийлик).

Қаламтасвирда фақат назарий билимларни мустаҳкамлаб қолмай, балки амалий жиҳатдан ҳам катта тажрибага эга бўлмоқ лозим: қўйилмадаги нисбатларни аниқ топиш, нозик перспектив ўзгаришларни сеза билиш, тасвири қофоз юзасида асосли-конструктив қуриш ва жойлаштириш, шакл ҳажмини тушаётган соя-ёруғ орқали моҳирона ифода этиш ҳамда ишни тус жиҳатдан яхлит бир бутунликда якунлаш зарур. Қўйилмани турли рангларда бажариш ҳам масъулиятли вазифадир, чунки рангтасвирда ранг ва тус муносабатлари яхлит бир бутунликка асосланади. Шакл ҳажмини тасвирилашда туснинг ўрнини тўғри тушунмаслик турли чалкашликларга олиб келади.

Демак энг муҳими қаламтасвирда ишни тус жиҳатдан яхлит бир бутунликка эришиб якунлаш ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида рангтасвирга ўтишга қулай имкон яратади.

2. Инсон портрети рангтасвири.

Инсон бошини тасвирилаш, рассомдан ўзига хос малака, ўткир нигоҳ ва тажриба талаб этади.

Тажрибасиз талаба портрет ишлашни осон деб ўйлайди. Натурадан қаламтасвир ишлагач, уни ўзига яқин ранг танлаб, бўяб қўяди. Натижа кўнгилдагидек чиқмайди. Натуранинг ташқи қиёфасида ўхшашлик сезилсада, тўлақонли рангтасвир портрети деб бўлмайди.

Портрет рангтасвирида талаба бутун билим ва маҳоратини ишга солиб, тасвиirlанаётган шахснинг ўзига хос психологик ҳолатини аниқ топа билиши керак.

Сиз жаҳон тасвирий санъати тарихидан кўплаб портрет жанри усталарини биласиз. Уйғониш даврининг буюк рассомлари – Леонардо да Винчи, Рафаэл, Тициан, Веронезе, Тинторетто каби буюк рассомлар ижоди хануз рангтасвир ихлосмандларини ўзининг нозик портретларида шахснинг мураккаб қалб түғёнлари ифодасидаги моҳирликларига қойил қолиб, оғарин дейдилар.



Ўз даврининг таниқли фломанд рассомлари – Рубенс, Ван Дейк, голланд рассомлари – Халс, Рембрандтлар ўзларининг бетакрор асарларида тасвирлай олдилар.



XVII аср испан рассоми Риберанинг портретларида чуқур психологик ифода ва бадиийлик ажralиб турса, XIX-XX аср француз рассомлари Ренуар ва Сезанларнинг портретларида янги ғоя ва мазмун ўзига хос колоритда ифодаланган.



Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

Бундан ташқари бир қанча таниқли рус рассомлари И.Репин, В.Суриков, В.Серов, М.Врубель каби рассомлар ўз замондошларининг бебаҳо портрет галерясини яратиб қолдирган.

Ҳар бир портретда нафақат ташқи ўхшашик, балки инсоннинг ички психологик дунёсини – оқил, туйгуга бой, олижаноб хусусиятларини юқори бадиийликда, ўзига хос услубда тасвирлай олганлар.

Бизнинг таниқли ўзбек мусаввирлари ҳам портрет жанрида баракали ютуқларга эришди.

Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музахҳиб каби миниатюрачи рассомлар ўзбек тасвирий санъатида чуқур из қолдирган санъат дарғаларидан М.Набиев, А.Абдуллаев, Р.Ахмедов, М.Саидов, М.Оғанесов, Н.Қўзибоев, Ч.Ахмаров каби етук рассомларнинг портрет жанридаги изланишлари ниҳоятда бебаҳодир.

Портретда тугаллик – тасвирининг яхлитлиги ва ифодалигидадир. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, портрет ишлашда билдирадиган ушбу фикрларни тайёр рецепт деб қабул қиласли керак.



Фақатгина назарий билим билан саводли тасвир ишлаб бўлмайди. Билдирилган фикрлар – портрет ишлашда йўл қўйиладиган асосий хатоларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Албатта, портрет жанрида ижодкор ички психологик ҳолатни тўғри тасвирилашга эришиши учун юксак истеъдод, маҳорат ва катта тажриба керак бўлади. Портрет рангтасвирини ўрганишда сизга бир қанча тавсиялар диққатингизга ҳавола этилади. Ушбу тавсиялар машғулотларда диққат ва жиддийлик билан қўлланилса, портрет рангтасвирини мойбўёқда ишлаш секин-аста ижодий тус олади.

Одам боши ва гавда рангтасвирини мукаммал ишлаш, назарий ҳамда амалий билимларни чуқур ўрганиш натижасида ҳосил бўлади. Маълум бир мухитда одам қиёфасининг анатомик тузилишини перспективада тўғри тасвирилаш ҳамда тус ва рангда аниқ ифодалаш учун рассомдан катта тажриба талаб этилади. Мисол тариқасида А. Абдуллаевнинг "Ёзувчи Саид Ахмад" асаридир.



Инсон рангтасвирини тасвирлашда ҳам тасвирий санъатнинг бошка жанрларидаги каби жараён талаб этилади. Яъни, шакл конструкцияси нисбатларни аниқлаш, характер топиш, рангда ва тусда ифодалашдир.

Одам бошини тасвирлашда унинг анатомиясини чуқур таҳлил этиб, ички психологик ҳолатини кўрсата билиш, рангда ва тусда яхлит ҳолатда якунлаш вазифаси юклатилади. Талаба инсон танасини тасвирлашда унинг ранг характеристикиси ҳамда атроф муҳит билан ёритилиш ҳолатларини хаққоний акс эттириши мухимдир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

- 1.Махсус фанлардан одам боши тасвирлашнинг асосий вазифаси?
- 2.Физиогномика фани нимани ўргатади.
- 3.Инсон кишининг ахлоқ-одоби, ички, маънавий оламининг қандайлиги юзида бамисоли кўзгудаги каби акс этиб туришига тушунча беринг.
- 4.Инсон бошини тасвирлашда рассомдан қандай хусусиятларни талаб этади.
- 5.Портрет рангтасвирини ўрганишда қандай тавсияларга эътибор бериш керак.
- 6.Портретда тугаллик деганда фикрингизни баён қилинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдирасилов С., Толипов Н., Орипова Н. Рангтасвир. Т.: Ўзбекистон нашриёти, 2006.
2. Амир Темур ўғитлари (тўплам). Тузувчилар: Б.Ахмедов, А.Аминов.- Тошкент: Наврўз, 1992. 54-55 б.
3. Поль Левейлль. Эмоциональный портрет. Минск, Попурри, 2000.
4. Хигир Б.Ю. Физиогномика.- М.- С-Петербург: ДИЛЯ, 2000.

4-Мавзу: Тасвирий санъат фаолиятига полифункционал тайёргарликнинг педагогик асослари.

Режа:

1. Ўқитувчи, санъатшунос ва рассом функцияларини бажаришнинг илмий-педагогик хусусиятлари;
2. Полифункционал тайёргарликнинг асосий шакллари ва такомиллаштириш йўллари,
3. Квалификацион модели ва даражаси.

Таянч тушунчалар: Ўқитувчи, санъатшунос, рассом функциялари, полифункционал, квалификацион модели.

1. Ўқитувчи, санъатшунос ва рассом функцияларини бажаришнинг илмий-педагогик хусусиятлари;

«Таълим тўғрисидаги қонун»да «...халқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмунини давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади» деб кўрсатилган.¹

Бу кўрсатма таълим тизимининг барча бўғинларига тааллуқли бўлиб у бевосита машғулотлар самарадорлигини оширишга, уни янги босқичга йўналтиришга хизмат қиласди. Айниқса, узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта таълим мактабда, ўрта маҳсус, қасб-хунар колледжларида у алоҳида аҳамият қасб этади. Мазқур таълим тизимида тасвирий санъат фанларида ўқитиладиган қаламтасвир, рангтасвир, композиция, ҳайкалтарошлик, санъат тарихи машғулотларини миллий санъатсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Тасвирий санъатни ўқитилишида миллий санъатдан фойдаланиш муаммолари бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борган олимлардан С.Абдуллаев, С.Булатов, Б.Бойметов, Қ.Қосимов, А.Сулаймонов, Н.Толипов, Р.Ҳасановларнинг² ишларида мазмунан ёритиб берилган. Миллий бадиий

¹ Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Тошкент, 1997, - 34 бет.

² Абдуллаев С.Ф. Теоретические и методические основы использования народного декоративно-прикладного искусства Узбекистана в подготовке учителей изобразительного искусства. Автореф.. канд. пед. наук – М., 1989. Бойметов Б.Б. Основы изучения национального орнамента и методика его обучения на художественно-графическом факультете пединститутов. Автореф..канд. пед. наук–М., 1992. Булатов С.С. Психолого-педагогические особенности формирования умений и навыков во внеклассной работе. Автореф. канд. пед. наук.- М., 1985. Касимов К. Художественно-эстетическое воспитание учащихся в процессе кружковых занятий народной росписью по дереву в общеобразовательных школах Узбекистана. Автореф. канд. пед. наук.- Т., 1983. Сулаймонов А. Художественное воспитание старшеклассников на занятиях книжной графики. Автореф. дисс. канд. пед. наук. М., 1992. Толипов Н.Х. Теория и методика

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

санъат ўзида таълимий ва тарбиявий мақсадларни акс эттириб талабаларни бадиий билимларини кенгайтириш билан бирга уларнинг ижодий фаоллигини, миллий тасвирилаш санъатига бўлган қизиқиши ва муҳаббатини оширади, эстетик ва бадиий дидни ривожлантиради, ватанпарварлик ва бадиий меҳнат тарбиясини амалга оширишга кўмаклашади.

Ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари А.Д.Алёхин ва Н.М.Молевлар томонидан рассом ва педагог функцияси мазмунининг айрим аспектлари бўйича изланишлар олиб борилган. Рассом, санъатшунос, педагог фаолиятларини мазмуни турли аспектда Н.Н. Ростовцев, В.С. Кузин, Е.В. Шороховларнинг илмий ишларида ҳам ўз аксини топган.

Бугунги кунда таълим тизимида «Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси» таълим йўналишларида бўлажак мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Мавжуд йўналишларда 4 йил давомида тасвирий санъат фанларининг билим ва малакаларини чуқур ўзлаштириб келмоқда. Албатта, мутахассисларни касбий тайёрлаш анча жиддий ва мураккаб жараёндир.

Шу билан бирга «тасвирий санъат» фанлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнининг ўзи динамик тарзда ўзаро боғлиқ бўлган функционал масалалари ҳам мавжуд. Бу дегани бир вақт ўзида ҳам рассом, ҳам санъатшунос, ҳам педагог кабиларни функционал жиҳатдан бир бири билан ўзаро боғлиқ масалани ўз ичига олади, бироқ бу масала бўйича ҳалигача маҳсус илмий тадқиқот сифатида изланишлар юритилмаган. Албатта, ҳозирги кунда қўпкасбли рассом-санъатшунос-педагог кадрларни тайёрлашда катта зарурият туғилмоқда. Бундай йўналишдаги кадрларни тайёрлаш таълими тизимидағи муаммосининг маҳсус тадқиқот предмети сифатида муҳим қисми бўлиб хизмат қиласди.

Талабаларни касбий тайёргарлигини кузатиш борасида маълум бўлдики, агарда таълимга тизимли ва комплекс ёндошуви қўлланилса, қўпкасбли «рассом-санъатшунос-педагог» мутахассиси бўлишилигини таъминлайди.

Талабаларни касбий тайёрлаш тизимида кўп қиррали тайёргарлик муҳим ўринни эгаллайди. Талабаларнинг қўпкасбли тайёргарлиги дейилганда уларнинг рассомлик, санъатшунослик ва педагогик вазифаларни бажарилишини назарда тутади. Тасвирий санъатни ўрганиш жараёнида тизимли ёндашув қўлланилишида қўйидаги принципларга риоя қилиш муҳим ҳисобланади.

Миллий бадиий санъатни тизимли ўрганишининг аҳамиятини тушуниб етиш; материалларнинг кетма-кетлигини оддийдан мураккабликка боришини ҳисобга олиш; мутахассис фанлар ўртасидаги алоқадорликка риоя қилиш; мунтазамлик ва кетма-кетликни ҳисобга олиш, миллий санъатни

художественного образования учащихся 1-7 классов во внешкольных учреждениях. Автореф. дисс. канд. пед. наук.- М., 1994. Хасанов Р. Содержание, формы и методы художественного образования и воспитания учащихся в общеобразовательных школах Узбекистана. Автореф. докт. пед. наук. Т., 1994.

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

ўқитилишини умумбашарий бадиий қадриятлар билан уйғунликда амалга ошириш; санъат материалларини ўргатиш тизимида у ёки бу қисмидаги қайтарилишларга йўл қўймаслик.

Таълим жараёнида санъатни ўрганишга тизимли ёндошуви кўлланилиши, талабаларнинг бадиий билимларини чуқурлиги ва кенглигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, тасвирий ва бадиий материалларни ўрганишда параллелизм ва қайтарилишларни олдини олади.

Талабаларни кўпкасбли тайёргарлик даражаси бевосита умумтаълим фанларида олиб борилаётган ташкилий, назарий, методик ишларни ҳамкорликда амалга оширилишига боғлиқдир. Масалан, талабаларни ихтисослигини мазмунан ҳисобга олган ҳолда умумтаълим фанлари профессор-ўқитувчилари ўз лекциялари, амалий машғулотларини ташкил этишлари керак. Фақат шундай ташкил этилган жараёнда талабаларни функционал тайёргарлигига самарали ҳисса қўшишлари мумкин.

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналишидаги талабаларни касбий тайёргарлигини хусусияти шундан иборатки, идрок этиш орқали тасвирий санъат асарларини яратади. Графика, рангтасвир, плакат, ҳайкаллар буларнинг барчаси бадиий таълимнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Умуман, тасвирий санъат фанларини (қаламтасвир, рангтасвир) бадиий ишлаш жараёни уч қисмни ўз ичига олади, уларнинг ҳар бири тааллуқли функциялар билан боғлиқдир. Биринчи қисм - рассомлар асар ва суратларини таҳлил қилиш, у эса санъатшуноснинг вазифасига киради. Иккинчи қисм - қаламчизғилар ва суратларни тасвирлаш, бу эса рассом вазифасига киради. Учинчи қисм - ўқувчиларга расм чизиш турларини ўргатиш эса педагог вазифасига киради. Бироқ бу вазифаларнинг барчаси бир - бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бир - бирини тўлдиради ва бойитиб боради.

2. Полифункционал тайёргарликнинг асосий шакллари ва такомиллаштириш йўллари,

Санъат факультети талабаларини санъатшунос, рассом, ўқитувчи вазифаларини бажаришга тайёрлашни мақсадли ташкил этиш юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тажрибасини ўрганишни ўз ичига олади. Айниқса, талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш тажрибаси ўрганилиши керак. Н. В. Кузмина, И. Т. Огородников, А. И. Шербаков, В. А. Сластенин, Г. И. Хозяинов ва бошқалар ушбу муаммонинг назарий томонини ечимида катта ҳисса қўшдилар. Педагогик фаолиятни ўзига хос тузилиш деб ҳисоблаб, улар унинг таркибий қисмларини аниқлашга ҳаракат қилишади. Шундай қилиб, Н.В.Кузмина педагогик фаолиятнинг қўйидаги таркибий қисмларини аниқлайди: конструктив, ташкилий, коммуникатив ва гностик компонентлар⁹. Ушбу таркибий қисмларнинг ҳар бири бир қатор қўнималар

⁹ Кузмина Н.В. Опыт экспериментального моделирования деятельности преподавателей высшей школы // Современная высшая школа, 3 (19), 1997. С. 73-87.

дан иборат. Ушбу ёндашувнинг ривожланишини А.И.Шербаковнинг ўз тадқиқотларида давом этади, у санаб ўтилган таркибий қисмлардан ташқари зарурий педагогик функцияларни ҳам таъкидлайди: ахборотли, ривожлантирувчи, йўналтирувчи, мобилизациялаштирувчи ва тадқиқотчилик.¹⁰

В.А. Сластенин замонавий ўқитувчи моделини тузади, унга қуидагилар киради: шахсий ва касбий-педагогик фазилатлар; психологик-педагогик тайёргарликка қўйиладиган асосий талаблар; мутахассислик бўйича методик машғулотларнинг мазмуни; маҳсус машғулотларнинг ҳажми ва таркиби.¹¹

Г.И.Хозяинов педагогик фаолиятнинг қуидаги таркибий қисмларини аниқлайди: назарий ва методик билимлар, касбий ва амалий кўникмалар; ушбу фаолият турига ижобий муносабат билдиради.¹² Тадқиқотларимизга келсак, таркибий қисмларнинг ҳар бири ўзига хос мазмунга, шаклга эга. Шунинг учун гап нафақат педагогик фаолиятнинг ушбу таркибий қисмларини баён қилиш, балки уларнинг мазмуни ва маъносини бизнинг тадқиқотимиз аспектида очиб беришдан иборат.

Келинг, уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқайлик.

1. Конструктив компоненти натурадан расм чизиш учун материал танлашда, мавзу асосида, декоратив расмлар, тасвирий санъат ҳақида сухбатлар, яъни, авваламбор, натурадан чизиш учун объектлар ёки ҳодисаларни танлаш, мавзули расм чизиш учун мавзу ва сюжетни танлаш, декоратив расм учун нақш ва безакларни танлаш, сухбатлар ўтказиш учун материал танлаш ҳақида. Танланган тасвирлаш обьекти ва сухбатлар мазмуни ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши керак. Шу билан бирга, ўқитувчининг фаолияти ҳам, ўқувчиларнинг синфдаги фаолияти ҳам, тасвирий санъатдаги бошқа иш турлари ҳам режалаштириш ишлари амалга оширилади.

2. Ташкилий компоненти тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг колектив ва мустақил фаолиятини ташкил этиш, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ҳамкорлик шакллари, шунингдек, расм чизиш ёки сухбатлар жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал, жуфтлик, фронтал ва гуруҳ шаклларини ташкил этишдан иборат.

3. Коммуникатив компонентни тасвирий санъат дарсларини ташкил этишнинг турли шаклларида, тасвирий санъатдаги ишларнинг синфдан ташқари шаклларида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларида кўриш мумкин.

¹⁰ Щербаков А.И. Педагогические основы формирования личности учителя в системе высшего педагогического образования. - Л.: Просвещение, 1997.

¹¹ Сластёгин В.А. Формирование личности учителя школы в процессе профессиональной подготовки. - М.: Просвещение 1996.- 160с.

¹² Хозяинов Г.И. Педагогическое мастерство преподавателя. - М.:Высшая школа, 1988. - 168с. – 20 бет.

4. **Ахборот функцияси** шундан иборатки, тасвирий санъат ўқитувчиси санъат ҳақида, қаламтасвир, рангтасвир, композиция ва бу ерда картина, расм, ҳайкалтарошлиқ ҳақида маълум миқдорда маълумот беради.

5. **Ривожлантирувчи функция** ўқувчиларнинг кўриш идрокини, фазовий фикрлашини, кўриш хотирасини, ижодий тасаввурини, ижодий қобилиятини ва истеъдодини ривожлантиришдан иборат.

6. **Йўналтирувчи функцияси** ўқувчиларда эстетик қарашлар, дид ва хиссиётларни шакллантириш, тасвирий санъат ёрдамида гўзаллик яратишда иштирок этиш талабидан иборат.

7. **Мобилизацион функцияси** тасвирий санъат ўқитувчиси ўқувчиларнинг қаламтасвир, рангтасвир, композиция ва умуман санъат ҳақидаги билимларини долзарблаштириши, уларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишини уйғотиши, санъатда ва ҳаётда гўзалликка муҳаббат туйғуларини шакллантиришида намоён бўлади.

8. **Тадқиқий функцияси** тасвирий санъат ўқитувчисидан илм-фан ва санъат ўртасидаги алоқани, илгор педагогик тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва қўллаш ва умуман ўз ишини илмий ташкил қилишни амалга оширишни талаб қиласди.

9. Тасвирий санъат ўқитувчининг **методик маҳорати** унинг ўқувчиларга натурадан ва мавзу асосида расм чизишга ўргатиш қобилиятида, декоратив расмда, тасвирий санъат ҳақида сухбатлар ташкил этишда намоён бўлади.

10. **Вариатив кўникмалар** юқоридаги кўникмаларни берилган шартлар билан маълум бир ўқувчилар гурухи шароитида амалга оширишда кузатиш мумкин.

11. **Шахсий кўникмалар** ўқитувчининг аниқ ўқувчига расм чизишни ўргатишнинг ўзига хос усулини танлашини ўз ичига олади.

12. Тасвирий санъат ўқитувчининг **шахсий ва қасбий-педагогик фазилатлари**: илмий дунёқараши ва ғоявий ишончи; санъатга бўлган муҳаббат; жамоат бурчини ва масъулиятини англаш; болаларга бўлган муҳаббат; ўқитувчилик ишига қизиқиши; тасвирий санъат соҳасидаги билим ва ижодга бўлган эҳтиёж.

13. Психологик-педагогик тайёргарликка қўйиладиган асосий талаблар: мактаб педагогикаси ва умумий педагогикасини билиш; турли ёшдаги болаларнинг ёши ва анатомик-физиологик ривожланишининг асосий қонунларини билиш; тасвирий санъат дарсларининг турли шаклларида педагогик вазиятларни режалаштириш, ташкил этиш ва таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш.

14. Махсус тайёргарлик ҳажми ва мазмуни: санъатнинг моҳияти, тасвирий санъат турлари ва жанрлари тўғрисида билим; тасвирий санъат тарихи; қаламтасвир, рангтасвир ва композиция асосларини билиш.

15. Мутахассислик бўйича **методик тайёргарликнинг** мазмуни: ҳозирги босқичда тасвирий санъатни ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини билиш; тасвирий санъатнинг ўқув режалари, ўқув дастурлари, дарслерлар ва

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

ўқув қўлланмаларни билиш; қаламтасвир, рангтасвир, композицияни ўқитиш методикасининг назарий асосларини билиш, ўқувчиларни тасвирий санъат билан таништиришда қийинчиликларни енгиш билим ва малакаларини ҳосил қилиш.

16. Ушбу фаолият турига ижобий муносабат билдириш - бу тасвирий санъатни севиш, расм чизишга, болалар билан ишлашга, касбга садоқатдир. Бу мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси фаолиятининг таркибий қисмлари, унинг ихтисослиги "санъатшунос-рассом-ўқитувчи". Улар, шунингдек, Санъат факултети битирувчини касбий тайёрлашнинг таркибий қисмидир.

3. Квалификацион модели ва даражаси.

О.А. Абдулин, Н.В. Кузьмин, В.А. Сластёниларнинг илмий тадқиқот ишлари асосида ҳамда моделлаштириш ва шаклга тушириш методларини қўллаш борасида тасвирий санъат фанларини мутахассисларга тааллуқли касбий функционал даражасини замонавий модели лойиҳалаштирилди. (1-жадвал).

Тасвирий санъат фани ўқитувчисининг замонавий модели

1- жадвал

Талабаларни касбий фаолиятига тайёргарлик даражасини замонавий модели
--

Санъатшунослик вазифаси

Рассомлик вазифаси

Педагогик вазифаси

Санъатшунослик билим ва малакалари

Тасвирилашнинг билим ва малакалари

Педагогик билим ва малакалар

1	2	3	4	5
Санъатнинг моҳиятини билиш				
Тасвирий санъат тур ва жанрларини				
Тасвирий санъат тарихини билиш				
Санъат асарларини бадиий таҳлил килиш				
малакаси				
Тасвирий санъат ҳакида докладлар				
уюштириш малакасини ҳосил килиш				

6	7	8
Натурага караб тасвирилаш малакаси		
Ранглар билан ишлаш малакаси		
Сюжетли композиция тузиш малакаси		

9	10	11	12	13
Қаламтасвир машғулотларини				
таҳлил килиш, ташкил этиши ва				
Рангтасвир машғулотларини таҳлил				
килиш, ташкил этиши ва режалаштириш				
Композиция машғулотларини таҳлил				
килиш, ташкил этиши ва режалаштириш				
Санъат тарихи машғулотларини таҳлил				
килиш, ташкил этиши ва режалаштириш				
Ҳайкалтарошлик машғулотларини				
таҳлил килиш, ташкил этиши ва				

Бу жадвал асосида талабалар у ёки бу вазифаларни бажариш борасида қандай билим ва малакаларни ўзлаштириш зарур эканлигини билиб олишади. Шунингдек, бу модел асосида талабаларни алоҳида касбий вазифалари билан биргаликда уларни касбий педагог фаолиятини бажариши борасида қанчалик тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳам мумкин.

Шундай қилиб, мутахассиснинг касбий тайёргарлик даражаси ўзлаштирадиган малакалар сони жиҳатдан баҳоланиб, кейин унинг ийиндиси натижасида, албатта, маълум сифатни ҳам ташкил этади.

Мазкур моделнинг асосини талабалар ташкил этиб, аввалом бор шахс сифатида:

1. юксак маънавиятли ва маданиятли;
2. узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш учун истиқбол вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир;
3. ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри оладиган;
4. ўзида миллий истиқлол ғояларини сингдирган;
5. жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган.

Юқори малакали рақобатбардош **санъатшунос** кадр сифатида:

1. Санъатнинг моҳиятини билиш – санъатни жамият онгини акс этиш шакллари каби билиш; ҳаётдаги санъат ўрнини билиш; санъатни илм, дин, мифология билан боғлиқлигини билиш.

2. Тасвирий санъат тур ва жанрларини билиш - мусиқани билиш; адабиётни билиш; кинони билиш; тасвирий санъатни билиш; а) графика; б) рангтасвир; в) ҳайкалтарошлиқ; г) амалий санъат; д) меъморчилик. Рангтасвир: мойбўёқ, темпера, гуашь, акварель, пастель, маҳобатли, дастгоҳли, декоратив. Рангтасвир-графика-ҳайкалтарошлиқ: анималистик, манзарали, портретли, майший, тарихий, батал, натюроморт, карикатура ва бошқа жанрлар.

3. Тасвирий санъат тарихини билиш – жамиятни онгини акс этиш шакли каби санъатнинг пайдо бўлишини сабаби ва ижтимоий зарурияти; тасвирий санъат ривожланишини асосий босқичларини умумий тарзда билиш; тасвирий санъатни Уйғониш даврини мукаммал билиш; ўзбекистон тасвирий санъатини тарихини чуқур билиш; дунё таниқли буюк рассомларни ҳаёт ва фаолиятини билиш.

4. Санъат асарларини бадиий таҳлил қилиш малакаси – дунёвий тасвирий санъат дурдоналарини билиш; расм ва асарларнинг мазмуни ва шаклини оғзаки воситалар орқали изоҳлаш ва тушунарли бўлмаган нарсаларни англаб тушунтириш малакасига эга бўлиш; асарни ғоявий мазмунини тушунтириб бериш малакасига эга бўлиш.

5. Тасвирий санъат ҳақида докладлар уюштириш малакасини ҳосил қилиш – тасвирий санъат шахслари ва алоҳида мавзулар бўйича илмий-методик адабиётлар библиографиясини тузиш малакасига эга бўлиш; ҳайкалтарошлиқ асарлари ва тасвирий санъат расмлари репродукцияларининг коллекциялаш, шунингдек (давр, мактаб, йўналишлар бўйича ва

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

х.к.) альбомлар тўплаш малакасига эга бўлиш; тасвирий санъат асарлар материалларини изоҳлаб бериш малакасига эга бўлиш; санъатшунослиқдан эгаллаган билимларини оғзаки ва ёзма равишда баён қилиш малакасига эга бўлиш.

Рассом кадри сифатида:

1. Натурага қараб тасвирлаш малакаси – нарсалар ва ҳодисаларни тўғри кузатиш малакасига эга бўлиш; нарса ва ҳодисаларни илмий билиш; қаламтасвир, рангтасвир, композицияларни илмий асосларини билиш; тасвирлаш методларини билиш ва уларни ишлаш техникасини эгаллаш; ҳаётда кўримсиз ва гўзалликни кўра билиш малакасига эга бўлиш.

2. Ранглар билан ишлаш малакаси – ранглар ҳақида маълумотга эга бўлиш; ранглар ҳосил қилиш малакасига эга бўлиш; рангларни илмий асосларини билиш; ранглар билан тасвирлаш методларини билиш ва уларни ишлаш техникасини эгаллаш;

3. Сюжетли композиция тузиш малакаси – тавсия этилаётган мавзуларни ғоявий мазмунини англаб этиш малакасига эга бўлиш; мавзули шароитдаги кўринишида гўзаллик ва кўримсизликни ажратада билиш малакасига эга бўлиш; қаламтасвир, рангтасвир, композицияларни илмий-методик асосларига риоя қилиш малакасига эга бўлиш; мусиқий, адабий, тарихий асарларни иллюстрацияни ишлаш малакасига эга бўлиш.

Рассом-ўқитувчи кадри сифатида:

1. Қаламтасвир машғулотларини таҳлил қилиш, ташкил этиш ва режалаштириш малакаси - ўқув методик қўлланма, дарслклар материаллари ва дастурлар асосида тузилган календар режаси бўйича қаламтасвир машғулотларини конспект-режасини тузиш малакасига эга бўлиш; натурадан тасвирлаш машғулотлар жараёнида дидактик принципларга риоя қилиш малакасига эга бўлиш; ўқувчиларни натурадан тасвирлашга ўргатиш малакасига эга бўлиш; ўқувчиларнинг расмларини методик жиҳатдан тўғри баҳолаш малакасига эга бўлиш; натурадан тасвирлашда ўқувчилар томонидан юзага келган ҳатоларни методик жиҳатдан тўғри тузатиш киритиш малакасига эга бўлиш

2. Рангтасвир машғулотларини таҳлил қилиш, ташкил этиш ва режалаштириш малакаси - ўқув методик қўлланма, дарслклар материаллари ва дастурлар асосида тузилган календар режаси бўйича рангтасвир машғулотларини конспект-режасини тузиш малакасига эга бўлиш; натурадан тасвирлаш машғулотларида дидактик принципларга риоя қилиш малакасига эга бўлиш; ўқувчиларни натурадан тасвирлашда ранглар билан ишлашга ўргатиш малакасига эга бўлиш; ўқувчиларнинг ишларини методик жиҳатдан тўғри баҳолаш малакасига эга бўлиш; натурадан тасвирлашда ўқувчилар томонидан юзага келган ҳатоларни методик жиҳатдан тўғри тузатиш киритиш малакасига эга бўлиш

3. Композиция машғулотларини таҳлил қилиш, ташкил этиш ва режалаштириш малакаси - ўқув методик қўлланма, дарслклар материаллари ва дастурлар асосида тузилган календар режаси бўйича

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

композиция машғулотларини конспект-режасини тузиш малакасига эга бўлиш; мавзуни, ғоявий мазмунни шакллантириш, сюжетни танлаш малакасига эга бўлиш; композиция машғулотлари жараёнида дидактик принципларга риоя қилиш малакасига эга бўлиш; ўқувчиларни адабиёт, мусиқа, тарих асарларини иллюстрация ишлашни ўргатиш малакасига эга бўлиш; ўқувчиларнинг композиция оид расмларини методик жиҳатдан тўғри баҳолаш малакасига эга бўлиш.

4. Санъат тарихи машғулотларини таҳлил қилиш, ташкил этиш ва режалаштириш малакаси - ўқув методик қўлланма, дарслик материаллари ва дастурлар асосида тузилган календар режаси бўйича тасвирий санъат ҳақида суҳбат машғулотларини конспект-режасини тузиш малакасига эга бўлиш; суҳбат ўтказиш мавзулари бўйича саволларни шакллантириш малакасига эга бўлиш; тасвирий санъат ҳақида суҳбат машғулотларида дидактик принципларга риоя қилиш малакасига эга бўлиш; санъатшунослик билимлар орқали ўқувчиларни дунёқарашини шакллантириш малакасига эга бўлиш; тасвирий санъат ҳақида ўтказилган суҳбат машғулотларини якунини чиқариш малакасига эга бўлиш; тасвирий санъат галереяси, кўргазма заллари ва музеиларга саёҳат уюштиришини режалаштириш, ташкил эти шва таҳлил қилиш малакасига эга бўлиш.

5. Ҳайкалтарошлиқ машғулотларини таҳлил қилиш, ташкил этиш ва режалаштириш малакаси - ўқув методик қўлланма, дарслик материаллари ва дастурлар асосида тузилган календар режаси бўйича ҳайкалтарошлиқ машғулотларини конспект-режасини тузиш малакасига эга бўлиш; ҳайкал ясаш машғулотлари жараёнида дидактик принципларга риоя қилиш малакасига эга бўлиш; ўқувчиларни пластилин ёки лойдан буюмларни ясашга ўргатиш малакасига эга бўлиш; ўқувчилар ясаган ҳайкал буюмларини методик жиҳатдан тўғри баҳолаш малакасига эга бўлиш; ҳайкал ясашда ўқувчилар томонидан юзага келган ҳатоларни методик жиҳатдан тўғри тузатиш киритиш малакасига эга бўлиш.

Кўпкаслли мутахассисларни ўқитиш жараёнида нафақат уларни назарий билимлар тайёргарлиги, амалий ўзлаштирган малака ва кўникмалар ҳам муҳим ўринни эгаллайди, маълумки назария амалиётсиз ўз ҳаётий маъносини йўқотади. Шунинг учун ҳам талабаларнинг амалий жараёнига алоҳида аҳамият берилади. Демак, тасвирий санъат фанлари бўйича сифатли мутахассислар талаб даражасида бўлишига эътибор берсақ, санъатшунослик вазифасини бажариш учун - музей амалиёти, рассомлик вазифасини ўташ учун – дала амалиёти, ва сўнггида, ўқитувчилик вазифасини бажариш учун – педагогик амалиётини режалаштириш керак бўлади.

2- жадвал

Санъатшунослик вазифаси	Рассомлик вазифаси	Педагогик вазифаси
Санъатшунос - амалиётчи	Рассом-амалиётчи	Педагогик-амалиётчи

Музей амалиёти	Дала амалиёти	Педагогик амалиёт
Тасвирий санъат галереяси, музейилар, кўргазма залларига саёҳат; расм ва асарларни таҳлили; таниқли рассомлар фаолияти ва хаёти ҳақида ҳикоялар; тасвирий санъат оқим ва йўналишлари; тасвирий санъатдан докладлар, курс ишлари ва битирув малакавий ишлар бажариш.	Натурадан қисқа вақтли ранглавҳалар, қаламчизғилар ишлаш мақсадида табиатга; тоғли жойларга; маданий тарихий обидаларга; битирув малакавий ишлари учун эскизлар тайёрлаш	Қаламтасвир, рангтасвир, композиция, ҳайкалтарошлик ва санъат тарихи машғулотлари. ўқувчилар ва амалиётчиларни расм ва этюдларини кўргазмаси ва конкурсини ташкил этиш; тасвирий санъат тўгаракларига раҳбарлик қилиш; педагогика ва психология, тасвирий санъат ўқитиши методикасидан докладлар, курс иши, битирув малакавий ишлар.

Комплексли ва тизимли ёндошув ҳамда моделлаштириш методларини кўлланилиши асосида санъатшунос-рассом-педагог касбий тайёргарлигини асосий даражасини аниқлаш мумкин бўлади. Ҳар бирини алоҳида касбий тайёргарлиги даражасини қониқарли, яхши ва юқори кўрсатгичлар билан баҳолаб мезонлар бўйича натижаларини кўриш мумкин.

Мутахассис кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълими муассасалари талабаларини шакллантириш мақсадида илмий-методик асосини ишлаб чиқиш зарурияти туғилди.

Тадқиқ этилаётган муаммода «кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да илмий-методик тайёргарлигига қўйилган талабларга жавоб берадиган, шунингдек, дастурнинг ҳозирги босқичдаги вазифаларини амалга оширишга қодир, умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мўлжални мустақил равишда тўғри олиш маҳоратига эга бўлган ўқувчи-талабаларни шакллантириш кузда тутилади.

Тасвирий фаолият самарадорлигини таъминловчи технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш кўп жиҳатдан талабаларнинг малакасига, хусусан, саводли расм чизишига, равон сўзлашига, дидактик материаллардан унумли фойдалана олиш ва тасвирий санъат асарларини чукур таҳлил қила олиш савиясига боғлиқдир. Бу борада тасвирий санъат фанлари ўқитувчилари қуидаги шартларга қатъий амал қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Тасвирий санъат соҳасидаги педагогик технология асослари, мақсади, моҳияти ва вазифалари борасида чукур назарий билимлар бериш.

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

2. Талабаларнинг назарий ва амалий билим даражасини талабга мувофиқлиги баҳолаб берувчи маҳсус текшириш, рейтинг, тест, танлов, кўрик ва кўргазмалар ташкил этиш.

3. Таълимни ижодий ташкил этиш ва технологик ёндашув нуқтаи назаридан зарур шарт-шароитлар (маҳсус ўқув хонаси, мольберт, дастгох, видеотасвирлар, интернетга уланган) яратиш.

4. Илгор педагогик тажрибаларга таяниш (мунтазам рассом устахонаси ва санъат музейларига ташриф), Республика доирасида ўтказилаётган йирик кўргазмаларда қатнашиш ва санъат асарларини таҳлил қилиш.

5. Санъат соҳасидаги олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида яратилаётган илмий янгиликлар, уларнинг салоҳияти ва технологик курилмалари билан яқиндан танишиш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Ўқитувчи, санъатшунос ва рассом функцияларини бажаришнинг илмий-педагогик хусусиятлари.

2. Полифункционал тайёргарликнинг асосий шакллари ва такомиллаштириш йўллари.

3. Квалификацион модели ва даражаси.

4. Ўқитувчи, санъатшунос ва рассом функциялари фикрингизни баён қилинг.

5. Полифункционал тайёргарликнинг такомиллаштириш йўлларининг роли.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Попелюхина А.И. Система художественно-педагогической подготовки учителей начальных классов: Автореф. дис. канд. пед. наук. М., 2010.

2. Ойдинов Н. Рассом-ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. -Т.: Ўқитувчи-Зиё-Ношир, 2001

5-мавзу. Бадиий таълимнинг замонавий кўпбосқичли тизимининг дидактик асослари

Режа:

1. Бадиий таълим жараёнида дидактик принципларни амалга оширишнинг ўзига хослиги

2. Бадиий ижоднинг ҳар хил турларини ўқитиши жараёнида классик дидактика усулларини талқин қилиш

3. Замонавий кўпбосқичли касбий бадиий таълим тизими

Таянч тушунчалар: дидактик принциплар, бакалавр, магистр, кўпбосқичли.

1. Бадиий таълим жараёнида дидактик принципларни амалга оширишнинг ўзига хослиги

Бадиий ижод амалиёти билан бир қаторда тасвирий санъат назарияси ва тарихини ўқитиш жараёнида классик дидактиканинг барча тамойиллари ҳисобга олиниши ва амалга оширилиши керак. Шу билан бирга, артпедагогика аксарият дидактик принципларни ўзига хос, ўзига хос тушуниши ва қўлланиши билан тавсифланади. Ушбу ўзига хосликни билмаслик кўпинча одатдаги педагогик хатоларга олиб келади.

Артпедагогикада **илмий тамойили** санъатшунослярнинг ижодий тасаввурлари билан ёки шунчаки ривоятлар, афсоналар ёки тарихий латифалар тарзида бизгача етиб келган ушбу фактлар асосида яратилган ишончли илмий тадқиқот методлари ва бадиий образлар ёрдамида олинган фактларни ўзаро боғлашни ва баъзан таққослашни талаб қиласди.

Масалан, назария ва амалиётнинг бирлиги принципи бир неча ўлчамларда амалга оширилиши мумкин:

- санъат тарихида муаммоларни ҳал қилиш эволюцияси орқали;
- муайян устанинг ижодидаги муаммони англаш тарихи орқали;
- ўқитувчининг ижодий тажрибаси орқали;
- талабанинг шахсий тажрибаси орқали.

Қандай бўлмасин, талаба ўзлаштирилаётган материални ўзининг ижодий жараёни учун фойдасини кўриши ва тушуниши керак.

Санъатни ўқитишда **тизимлилик ва изчилик тамойили** аниқ ва табиий фанларни ўқитишга қараганда бошқача тарзда амалга оширилади.

Фанларни ўқитишда у чизиқли равишда амалга оширилади. Бу рационал мазмуни босқичма-босқич мураккаблашуви билан таъминланади. Ўкув материалини ассимиляция қилишнинг кучлилиги аллақачон ўзлаштирилган мавзуларга қайтишни истисно қилишга имкон беради.

Санъатни ўқитишда ушбу принцип циклик(даврий) тарзда амалга оширилади: бир хил материалга қайтиш (масалан, санъат асарларига) шахсий ўсиш ва ривожланишнинг ҳар бир янги босқичида мақсадга мувофиқ ва ҳатто зарурдир. Шу билан бирга, талабанинг қулайроқ идрок этиши ва мустақил талқин қилиши учун мўлжаллаб, асарнинг ҳиссий ва эстетик хусусиятлари мураккаблаштирилади,

Артпедагогикада **тушунарлилик тамойили** ҳам кўп қиррали тушунилади. Интеллектуал ва ҳиссий даражадаги кириш имконияти ўртасида фарқ бўлиши керак: материал талабанинг ҳиссий тажрибаси даражасига мос келиши керак.

Масалан (ижобий ва салбий мисолларни келтириш мумкин):

Кўргазмалилик тамойили артпедагогиканинг барча жараёнларида жуда фаол қўлланилади. Шу билан бирга, ўқитувчилар нафақат кўргазмалининг барча турлари - визуал, эшитиш, аудио-визуал, тактил, органолептиклардан фойдаланадилар, балки синергия самарасига эришишга интилиб, турли хил кўргазмалиликнинг турларини бирлаштиришга интилишади.

Ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш тамойили чуқур таҳлил ишларини талаб қиласи, шуни ёдда тутиш керакки, бой эстетик тажриба, шу жумладан жаҳон бадиий маданиятининг юксак намуналарини ҳиссий ва ижодий ривожлантириш ўқувчиларга тезлаштирилган шахсий шаклланишини таъминлайди. Ва - аксинча - сифатли эстетик тажрибанинг этишмаслиги санъатни идрок қилишда инфанилизмга олиб келади.

Эслатиб ўтамиз, арт-ўқитувчисининг энг муҳим вазифаларидан бири бу ўқувчининг ижодий индивидуаллигини аниқлаш ва унинг индивидуаллигини ўзида ижодий акс этириш учун талабани етарли даражада адекват ифодавий воситалар билан қуроллантириш.

Таълим онглилиқ ва фаоллилиқ тамойили билан ҳам боғлиқдир. Ижодий ўзини намоён қилишнинг қандай усуллари “унга мос”, тушунадиган талаба ижодий муваффақият туйғусини бошдан кечира олади, бу эса ўз навбатида кейинги ижодий фаолият учун кучли рағбатдир.

2. Бадиий ижоднинг ҳар хил турларини ўқитиш жараёнида классик дидактика усулларини талқин қилиш

Артпедагогикада ўқитиш методларининг турли таснифларининг долзарблиги, аввало, ижодий жараённинг хусусиятига, шунингдек машғулотнинг маълум бир босқичида режалаштирилган таълим, ривожланиш ва дидактик вазифаларга боғлиқдир.

- Вербал методлар – ақл-идрокга йўналтирилган; акс этиришни ривожлантириш;
- Кўргазмали методлар - ҳиссий соҳага қаратилган, фазовий фикрлашни ривожлантиради;
- Амалий методлар - ижодий фаолият учун зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш;
- Репродуктив методлар ўқитувчининг ҳаракатлари ва ҳукмларини такрорлайди; аниқ билим ва кўникмаларни шакллантиришда жуда керакли;
- Муаммоли-қидирув ёки эвристик методлар мавжуд намуналар (кашфиётлар, ихтиrolар, асарлар) асосида илмий ёки ижодий излаш жараёнини субъектив равишда моделлаштириш;
- Ижодий методлар талабаларни тадқиқот, ихтиро ёки бадиий-ижодий фаолият соҳасидаги ҳақиқий ижодкорлик жараёнига жалб қиласи.

Анъанага кўра, бадиий-ижодий фаолиятнинг энг муҳим малака ва кўникмалари ўқитувчи ва талабанинг бевосита ўзаро таъсири жараёнида узатилади, чунки фақат шу йўл ижодкорнинг барча хусусиятлари ва нюансларини қўришга имкон беради. Бу артпедагогиканинг узлуксиз хусусияти: ижодий кўникмаларни “қўлдан қўлга” ўтказиш, бу ижодий мактабларнинг ҳаётини таъминлайди.

Таълим жараёнининг замонавий техник жиҳозланиши бир қатор ўқув жараёнларини фаоллаштиришга имкон беради. Масалан, ижодий жараён элементларини аудио ва видео ёзиб олиш ютуқларни ҳам, хатоларни ҳам тез

ва ҳатто узоқдан таҳлил қилишга имкон беради ва шу билан профессионал акс эттириши ривожлантиради.

3. Замонавий кўпбосқичли касбий бадиий таълим тизими

Ўзбекистон европанинг ягона таълим жараёнига кириши муносабати билан ҳар йили таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар, магистрлар, фан номзодлари ва фан докторларни чиқарадиган кўпбосқичли олий касбий таълим тизими яратилди ва муваффакиятли фаолият юритмоқда. Асосий таълим дастури иккита тайёргарликни ўз ичига олади: бакалавр малакасини (4 йил) ва магистрлик малакасини (2 йил). Таълимнинг кейинги босқичи - 2 та тайёргарлик даражаси: аспирантура (3 йил) ва докторантурда (2 йил). Кўпбосқичли тизим европа таълимига мос келади ва талабага мустақил равишда таълим йўлини танлашга имкон беради. Кўпбосқичли тизимнинг узлуксизлиги ва очиқлиги бошқа факультетларда, университетларда таҳсил олган талабаларга танлов асосида турли босқичларда кириш имкониятини беради.

Санъат факультети бакалаврини тайёрлашнинг бир қатор профили очилган: Тасвирий санъат, дизайн ва компьютер графикаси, амалий санъат, музей педагогикаси. Таълим йўналишларини индивидуал режалаштириш таъминланади: 2йил давомида талабалар асосий умумий касбий тайёргарликни таъминлайдиган умумий дастур асосида ўқийдилар; кейин улар ихтисослашув профилларидан бирини танлайдилар - тасвирий санъат ёки амалий безак санъати. Бадиий ижодкорликдаги амалий машғулотлар назарий фанлар билан узвий равишида бирлаштирилган: масалан, тасвирий санъат бакалаврлари қаламтасвир, рангтасвир, композиция, ҳайкалтарошлиқ, компьютер графикаси, амалий безак санъати (батик, гобелен, кулолчилик ва бошқалар), перспектива, пластик анатомия, рангшунослик, тасвирий санъат тарихи, бадиий маданият, педагогика, психология, таълим тарихи; ўқув ва тадқиқот амалиётидан (2 та шакл - музейларда ўтказиладиган илмий тадқиқот амалиёти ва пленэр) ва ишлаб чиқариш педагогик амалиётидан ўтадилар.

Факультетда 10та магистрлик дастури мавжуд: Рангтасвир, қаламтасвир, ҳайкалтарошлиқ, академқаламтасвир ва рангтасвир, дизайн ва компьютер графикаси, амалий безак санъат, музей педагогикаси, бадиий таълим, санъатшунослик, бадиий таълим соҳасидаги ахборот технологиялари. Магистратурада ўқув жараёни ижодий устахоналар ва илмий мактаблар принципига мувофиқ амалга оширилади. Шундай қилиб, иккита ижодий расм чизиш устахонаси ташкил этилди: проф. В.А. Леднева ўзининг тезиси сифатида портретлар, натюромортлар, манзаралар яратишига қаратилган; проф. В.А. Литвинов устахонаси - жанрли ва тарихий картиналарни, интерьеर учун декоратив панноларни тайёрлаш.

Магистрлар кундалик амалий машғулотлардан ташқари (қаламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, амалий санъат ва бошқалар) ва жонли моделни (портрет, ялангоч қомат ва х.к.) пухта ўрганишдан ташқари, санъат тарихи ва

санъат педагогикаси соҳасида илмий иш олиб боради (илмий мақолалар, иншолар ёзиш, шарҳлар, конференцияларда маъruzалар қилиш). Ўқитувчилар, магистрлар ва бакалаврларнинг илмий ишлари тўплами ҳар иили нашр этилади.

Талабаларнинг ижодий ишлари Санкт-Петербургда ва Россия, АҚШ, Бельгия, Швеция, Финляндияда бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмаларда қатнашади, “Санкт-Петербург” нуфузли танловининг грантлари билан тақдирланади. Кўргазма залида энг истеъодли талабалар ишларининг шахсий кўргазмалари анъанага айланади.

Университетда Зта мутахассислик бўйича PhD номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича диссертация кенгаши мавжуд: 13.00.02 – ўқитиши ва тарбиялаш назарияси ва методикаси (тасвирий ва декоратив санъат, умумий ва касб-хунар таълими даражалари), 13.00.01 – таълим ва тарбия назарияси ва тарихи.

Таълимни модернизация қилиш бўйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда: 1) талабаларнинг билим ва кўнимкаларини баҳолаш учун кредит тизимини жорий этиш (Болония жараёни шароитида); 2) сиртқи таълим учун масофадан ўқитишини жорий этиш; 3) халқаро илмий ишлар тўпламларини, ўқув қўлланмаларини, диплом ва ўқув ишлари альбомларини ишлаб чиқиш ва нашр этиш.

XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида, мамлакатимизда қайта қуриш бошланди. Бу нафақат мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий ҳаётига таъсир қилди, балки олий ва ўрта таълим муассасаларини ислоҳ қилишни ҳам талаб қилди.

Университет таълимини қайта қуриш йўлларини қисқача эслаймиз: касбийлаштириш, таълимни компьютерлаштириш ва инсонпарварлаштириш, талабаларнинг мустақил иши ролини ошириш ва таълимни индивидуализация қилиш.

Касбийлаштиришда таълим, ишлаб чиқариш ва илм-фанни интеграция орқали амалга оширилиши керак. Университет ўқитувчиларига асосий талаблардан бири – илмий-тадқиқот ишларида қатнашиш таклиф қилинди. Бу ўқитувчиларнинг касбий ўсиши учун ҳам талаб, ҳам шартдир, яъни, ўқитувчи изланишлар билан ва тадқиқотишлар билан ўқитиши орқали таълим бериш керак. Бундан ташқари, ўша давр ғояларига кўра талабаларнинг меҳнат бригадаларини касбий таълимнинг перспектив шакли сифатида кенгрок фойдаланиши керак.

Таълимни компьютерлаштиришга катта умидлар боғланди, шунинг учун 1985 йилда олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ўқитувчилари ўртасида компьютер саводсизлигини йўқ қилиш масаласи кўтарилиди. Университетлар ва мактаблар компьютер ускуналари билан таъминланди, компьютер марказлари модернизация қилинди.

Мамлакатнинг жадал саноатлашуви, ўзи прогрессив бўлиб, технократик фикрлашнинг ҳукмронлигига олиб келди ва бу атроф-муҳитга

катта зарап етказди. О. Долженко билан қуйидагиларга қўшилмаслик мумкин эмас:

“... нима устида ўйлаш керак бўлган нарса бор: янги ва замонавий даврларда олий маълумот нафақат ҳаётга муҳаббат, олижаноблик ва фикрларнинг поклиги, балки зўравонлик, нафрат ва ҳалокатни севишини ҳам келтириб чиқаради”.

Шу сабабли, таълимни инсонпарварлаштириш йўли таклиф этилиши бежиз эмас эди. Гравитация марказини тор касбийлаштиришдан таълимни инсонпарварлаштириш ва фундаментализациялашга асосланган таълимга ўtkазиш керак деган фикр бор эди. Таълимни инсонпарварлаштириш учун гуманитар фанлар бўйича маъruzalар (ахлоқ, эстетика, қадимги дунё санъати ва бошқалар) киритилди, гуманитар фанларнинг бутун блокини ўрганиш талаблари қайта кўриб чиқилди. Аммо гап инсонпарварлик фанлари сонини кўпайтиришда эмас, яъни таълимни ижтимоийлаштиришда эмас, балки таълимни инсонпарварлаштиришда. Инсонпарварлаштириш ва ижтимоийлаштиришнинг моҳияти ва қиймати ёш мутахассисларнинг ахлоқий-эстетик маданиятини шакллантиришdir.

Демак, таълимнинг моҳияти маълум бир талабага йўналтирилган бўлиб, унинг қобилиятига мос равища олий маълумот олиш йўлларини танлаш имкониятидан маҳрум бўлиб, талабаларнинг билиш фаолияти паст даражада қолди. Шунинг учун, янги концепция 1992 йилда пайдо бўлди:

“Олий таълимнинг концепцияси, шу жумладан фундаментализация ва ижтимоийлаштириш асосида таркиб топган таркибий қисмни қайта кўриб чиқиши ва унинг таркибий қисми - кўпбосқичли таълим тизимига ўтиши.”

Олий таълимнинг кўпбосқичли тизимининг мақсади - шахс ва жамиятнинг турли маданий-маърифий эҳтиёжларини қондиришда олий таълим имкониятларини кенгайтириш. Илгари, эсингизда бўлса, биринчи навбатда жамият ва ижтимоий тартиб эди. Энди буни “Таълим тўғрисида қонун”дан кўриш мумкин, инсон ва унинг манфаатлари биринчи ўринга чиқмоқда.

Мамлакатимизда кўпбосқичли таълим тизимининг моҳияти шундан иборатки, у турли даражалар, давомийлик ва мақсадларга мўлжалланган асосий таълим дастурлари тўпламини акс эттиради.

Кўпбосқичли таълим тизими бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларнинг умумий маданий, касбий ва илмий тайёргарлиги мослашувчалигини оширади. Бунда ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган олий таълимни ривожлантиришнинг маҳаллий ва хорижий тажрибаси ва таълимнинг халқаро таснифи ҳисобга олинади, бутун дунё ҳамжамияти доирасида ягона таълим маконини шакллантириш давримизнинг талабларига жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бўйича Давлат қўмитаси бошчилигидаги бир гурух олимларнинг саъй-харакатлари билан кўпбосқичли тизимга асосланган Олий таълими давлат таълим стандарти ишлаб чиқилган ва 1992 йил хукумат қарори билан ишлаб чиқилган.

Биринчи босқичга бакалаврлар ва касб-хунар таълими дастурлари бўйича ўртacha 3-3,5 йиллик ўқитиши муддати бўлган ўрта маҳсус ўкув юрти миқёсидағи икки йиллик ўқиш киради.

2-даражали дастурлар шахсларга университет доирасида инсон ва жамият, тарих ва маданият ҳақидаги илмий билимлар тизимини ўзлаштириш, табиатшунослик бўйича фундаментал таълим олиш ва соҳалар бўйича касбий билим асосларини олиш имкониятини беради. Ушбу дастурлар асосий олий маълумотни тақдим этади. 2-даражали дастурларни ўзлаштирган шахслар 3-даражадаги ўкув ва касбий дастурларда ўқишни давом эттиришга ёки меҳнатга мослашиш учун зарур бўлган касбий билим ва кўникмаларни мустақил равища ўзлаштиришга тайёр. Университетда 2-даражали дастурлар бўйича ўқиш муддати 1-даражали дастур бўйича икки йиллик коллежни муваффақиятли ўқиганлар учун камида 2 йил, умумий ўрта таълимни тугатганлар учун эса 4 йил. Асосий олий маълумот олган университет битиравчиларига бакалавр даражаси ва ўқиш йўналишини кўрсатган ҳолда олий маълумотли диплом берилади. Университетда 2-даражали дастурлар бўйича камида 4 йил ўқиган шахслар олий маълумот олишади ва уларга академик даражаси берилади.

Бакалаврлар магистратурада ўқишни давом эттиришлари мумкин (1-2 йил) ёки тўлиқ олий маълумотга эга мутахассис бўлишлари мумкин. Магистрлик фанлари дастури асосан табиат тадқиқотлари ҳисобланади. Тугатгандан сўнг, магистр даражасини тайинлаш билан олий маълумот тўғрисидаги диплом берилади.

Мутахассисни тайёрлаш дастурини тугатганларга, шунингдек, олинган мутахассислик бўйича малака тайинланган ҳолда олий маълумотли диплом берилади.

Ҳар қандай таълим дастурини тугатган университет битиравчилари аспирантурага кириш ҳуқуқига эга бўлиб, магистратура чет тили бўйича имтиҳон аспирантурага кириш имтиҳони ҳисобланади.

Олий таълимнинг кўпбосқичли тизими таълимнинг таркибиغا ҳам, таркибиغا ҳам таъсир кўрсатди. 1992 йилда университет таълимнинг янги модели ишлаб чиқилди, унда “билим, кўникма ва кўникмалар ўрганиш мақсади эмас, балки талаба шахсини ривожлантириш воситаси сифатида қаралади”. Таълимнинг исталган даражадаги замонавий университет битиравчиси пайдо бўлаётган бозор иқтисодиёти шароитларига мослаша олиши, касбий фаолиятига мослашувчан бўлиши керак. У сўнгги технологияларни яхши билиши, бутун дунё тажрибасини сарҳисоб қиласидан компьютер, маълумотлар базалари ва маълумотлар банкларидан фойдалана олиши керак. Аммо, энг муҳими, университетда ўқиган йиллар давомида у ижодий шахснинг хусусиятларини ривожлантириши, тадқиқотчининг кўникмаларини шакллантириши, муҳим нарсаларни топиш ва таъкидлаш, фавқулодда вазиятларни башорат қилиш ва олдини олиш ёки минималлаштириш қобилияти, экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиши ёки ҳисобга олиши керак.

Умуман олганда, кўпбосқичли таълим тизими бадиий интеллектуал салоҳиятининг элита қисмини тайёрлашга имкон беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Бадиий таълимда дидактик принципларни амалга оширишнинг ўзига хослиги.
2. Артпедагогикада ўқитиш методларининг турли таснифлари.
3. Замонавий кўп босқичли касбий бадиий таълим тизими.
4. Олий таълимнинг кўпбосқичли тизимининг мақсади.
5. Мамлакатимизда кўпбосқичли таълим тизимининг моҳияти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Васильева А.А. Многоуровневая система художественного образования на факультете изобразительного искусства: современное состояние и перспективы развития // Современные проблемы науки и образования. – 2006. – № 1.
2. Подласый И. П. Педагогика. Новый курс: Учебник для студ. пед. вузов: - В 2 кн. - М.: Гума-нит. изд. центр ВЛАДОС, 2001. - Кн. 1.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

1-Мавзу. Тасвирий санъат фанларида ўқув ва ижодий жараён, бадиий образ ва маҳсус фанлар композицияси.

Режа:

1. Тасвирий санъат фанларнинг қисқача ривожланиш тарихи. Маҳсус фанлар ўқув ва ижодий жараёни.
2. Бадиий образ ва маҳсус фанлар композицияси. Қонун-қоидалари, бажариш тартиблари.

Таянч тушунчалар: *ижодий жараён, бадиий образ, композиция, қонун-қоидалар.*

1. Тасвирий санъат фанларининг қисқача ривожланиш тарихи.

Асрлар давомида яратилган тасвирий асарлар узоқ ўтмишдан дарак берувчи ва жамиятда бўлаётган воқеаларни акс этирилган картиналарни завқ билан томоша қиласиз. Улар билимдан ташқари эстетик завқ олишга ҳам катта ёрдам беради. Баъзи бир расмлар саънат соҳасига мансублигига қарамасдан дунёни маълум даражада ўзгартириди: масалан, Ласко ғорида “Авиньонские девицы” картинаси¹³ қояга чизилган расмлар биринчи одамлар яшаб ўтганлиги ҳақида кўрсатади, улар бизнинг тарихдан аввалги даврдаги тушунчамизни ва билимимизни ўзгартиради. Шунингдек ўрта аср зодагонларини тасвирлаган картиналар ёки жамоатнинг ҳаяжонини вужудга келтирган Пабло Пикассонинг асарлари шулар жумласидандир.

Ўзбек рассомлари томонидан яратилган буюк асарлар ҳар доим хотирамиздан ўчмаслиги аниқ. Миллий тасвирий санъатимиз тарихидан маълумки К.Беҳзод, Ў.Тансиқбоев, Р.Ахмедов, Ч.Ахмаров, З.Иноғомов каби рассомлар асарлари катта аҳамиятга эга. Тасвирий санъатнинг кўп жанрлари: портрет, манзара, жанг, майший, тарихий шулардандир.

¹³Francisco De Goya (Spanish, 1746-1828)// Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-128



14

Бу асарлар психологияк таъсирчанлик кучи маълум бир тарихий аҳамиятни касб этмайди, лекин маданият нуқтаи назаридан ажойиб санъат асарларининг умумий тасаввурини беради. Биз тасвиirlар саҳнасига чукур ёндашамиз ва тасвиirlанган расмнинг талабларида рассомнинг ички дунёси ва унинг ҳаётий услуби, шунингдек, тасвиirlанган воқеанинг тарихий аҳамиятини кўрамиз. Бугунги кунда дунёда тасвирий санъатнинг аҳамиятини бутун жаҳонга машхур ва ундан кам бўлмаган санъат асарлари бизнинг даврга сезиларли таъсир кўрсатади.

Дунёни қайта ўйлашга мажбур этган ибтидоий санъат. 100 метр чуқурликда жойлашган Ласко ғорида 1500 дан зиёд ўйилган палеолит тош даврининг расмлари ва 600 га яқин бизон, буғу, буқа ва бош ҳайвонларнинг табиий тасвиirlари топилган. Шу каби тарихий расмлар бошқа ҳеч қаерда топилгани йўқ. Изланувчилар айтишадики, сўнгги хулосада ўзларидан тарихий санъат музейини бизга мерос қолдирган ҳолда 5 минг йил давомида одамлар шу ғорнинг деворларида қайта-қайта расм чизиб, истиқомат қилишган. Баъзи бир суръатлар жуда катта ҳажмда: катта ғорнинг (Буюк ўтиш жойи) деворларида тасвиirlанган бир неча буқаларнинг баландлиги 5 метр гачадир. Уларнинг табиийлиги ва ажойиб тарзда бизга етказиб берилганлиги бизнинг тарихга бўлган қарашларимизни тубдан ўзгартиради. 19 асрга қадар одамлар ёш болаларнинг ижодига ўхшайдиган беўхшовликдан то назокатли шаклгача, санъатни кам-камдан ва секин-асталик билан ривожланган деб ўйлашарди. Ҳақиқатдан ҳам, 1879 йилда Испания Альтомирада топилган биринчи деворий расмларни қалбаки деб ҳисоблашган. Кейинги топилмалар, Ласконинг расмларини қўшган ҳолда,

² Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-13

барча шубҳаларни ўчириб ташланди: милоддан аввалги 15 минг йилда тасвирий санъат мавжуд бўлган.¹⁵

Ўзбекистон худудида эрамиздан аввал ҳам тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, меъморчилик турлари ниҳоятда ривожланган бўлиб, уларнинг намуналари Варахша, Афрасиёб, Қалчаён, Тупроқ қалъа, Болалик тепа, Айртом, Далварзин тепа, Фаёз тепа, Кўйқирилган қалъа, Ажина тепа, Тешик қалъа ва бошқа бир қатор жойлардан топилган. Бу асарлар эрамиздан аввалги IV-I-асрларда яратилган бўлиб уларнинг ёши 5-6 минг йилга тўғри келади. Бу асарларнинг бадиийлиги ҳозирги замон рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарларидан қолишмайди десак муболага бўлмайди. Бундай юксак бадиий савиядаги асарларни ўша даврда тўплланган илфор тажриба, тасвирий санъат мактабларисиз яратиш мумкин эмас. Маълумки, санъат бир неча авлоднинг қўп йиллар давомида шаклланган анъаналари, устанинг шогирдга ўтказган билимлари асосидагина тараққий топади. Бу эса сўзсиз умумий бадиий таълим йўналишида бўлмаса ҳам, касбий бадиий таълим шаклида ривожланганлигидан далолат беради. Маълум даврларда Ўзбекистон худудидаги санъат тараққиётида узилишлар рўй берганлигининг сабаблари, Искандар Зулқайнар, мўғиллар, араб, рус истилолларига бориб тақалади. Амир Темур мустақил давлат тузган даврда тасвирий санъатнинг миниатюра турини гуллаб-яшнагани ҳам бунинг яққол далилидир. Амир Темур даврида миниатюра ва китоб графикаси шунчалик тез ривожланди, у нафақат Шарқ, ҳаттоқи Европа мамлакатлари санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада, Самарқанд, Бухоро, Хирот миниатюра мактаблари билан бир қаторда Бағдод, Табриз, Шероз, Озарбайжон, Хинд, Исфахон, Турк миниатюра мактаблари ҳам шаклланди ва ривожланди.

Мазкур миниатюра мактабларида, хусусан, умумий ўрта таълим мактаблари учун тайёрланган дастурларида санъатшунослик асослари, рангтасвир ва қаламтасвир ишлаш, натурага қараб тасвирлаш, борлиқни идрок этиш бўлимлари мавжуд бўлиб, касбий бадиий ва умумий бадиий таълим тизимлари ўртасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Тасвирий санъатнинг назарий асослари ҳисобланган ранг, ҳажм, перспектива, композиция асослари кабилар, ҳам касбий, ҳам умумий таълим тизимида ўрганилади. Фақат тасвирий санъатни ўқитилишида талаба ва болаларнинг ёшлари, идроки, психологик хусусиятлари, тасвирий малакалари ҳисобга олиниши лозим, холос.

Тасвирий санъат тарихида буюк нақош ва мусаввир Камолиддин Беҳзодга Хиротлик Мирак нақош устозлиқ қилгани, унга миниатюра рангтасвири сирларини ўргатгани ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, устоз Мирак нақошнинг Хирот “Нигористони” (Санъат академияси) бўлганлиги ва унда Камолиддин Беҳзод тарбия олганлиги ҳам маълум.

¹⁵ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- Р.-12

Профессор Ориф Усмонов ўзининг “Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлиқ мактаби” номли китобида Беҳзод Табризда яшаган вактда нафис тасвирий санъат мактабини яратганини қайд қиласди. У ерда мусаввир ўз атрофига энг истеъдодли ёшларни тўплагани, уларга санъатининг сир-асрорларини ўргатгани ва Табризда Султон Муҳаммад, Мирзо Амир, Оқо Мирак, Музаффар Али, Султон Муҳаммад Нур, Шомухаммад Нишопурий, Юсуф Мулло, Мир Али, Ризо Аббосий, Маҳмуд Музахҳиб, Мавлоно Ёрий, Хасан Бағдодий, Абдулла Шерозий, Дарвеш Муҳаммад, Мир Сайд Али, Қосим Али сингари ўнлаб истеъдодли мусаввирларни тарбиялаганлигини ёзади. Унинг шогирдлари Беҳзоднинг тасвирий санъат услубини давом этирганлари ҳам расмий маълумотлардан аён.

Ўзбекистонда ҳозирги замон таълим тизимининг пайдо бўлиши XX асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Бир гурух фан ва маданият вакиллари Санкт-Петербург ва Москвалик рассомлар Туркистонга юборилади. Бу рассомлар Туркистоннинг йирик шаҳарларида бадиий студиялар ташкил этдилар, ўз асарларининг кўргазмаларини ўтказдилар.

1918 йилда Тошкентда бадиий коммуна очилади, бир йилдан кейин Самарқандда Туркистон ўлка бадиий халқ мактаби ишга тушади. 1920 йилда Андижонда рангтасвир мактаби, янги Бухорода санъат тўгараги ташкил этилди, мусулмонлар учун тасвирий санъат курслари очилди. Бир йилдан сўнг республикада бадиий мактаб ва студиялар сони 29 тага етди ва унда шуғулланувчилар сони 500 кишидан ошиб кетди. 1921 йили очилган бадиий политехникумда 170 ўқувчидан 150 таси ўзбеклар эди.

1924 йилда Тошкент тасвирий санъат музейи қошида бадиий студия очилди. Унда М.Куприянов (Машҳур Кукриникслар гурухидан), С.Чуйков, маҳаллий ёш рассомлардан Ў. Тансиқбоевлар ёшлар билан машғулотлар олиб бордилар. 1927 йилга келиб Тошкент ва 1929 йилда Ўзбекистон пойтахти ҳисобланган Самарқандда бадиий билим юрти ташкил этилди. Бу билим юртларига кўпроқ маҳаллий ёшлар қабул қилинди. Бу билим юртларининг асосий мақсади рассомлар тайёрлаш бўлса-да умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаш борасида ҳам маълум роль ўйнади.

Шу билан бирга таълим тизимида эстетик ва бадиий таълим масалаларига ҳам эътибор қаратила бошланди.

Махсус фанлар ўқув ва ижодий жараёни. Ижодий жараён - бу онгнинг олий даражаси, фаолиятнинг юқори ва анча мураккаб шакли бўлиб, у инсонга ҳосдир. Тасвирий санъатда ҳам ижоднинг натижаси бадиий асар яратищдан иборат бўлади. Яъни, объектив борлиқни маҳсус шаклдаги хусусиятларини бадиий образлар тарзида акс эттиришдир. Ҳақиқий санъат асари - ўзида бадиий образ шаклида ҳали бунгача бўлмаган янгиликни яратилиши ҳисобланади. Бадиий ижод эса ижодий жараён орқали амалга оширилади. Бунда рассом ғоявий-бадиий мазмунни жам этган ҳолда тугал

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

бадиий асар яратади. Ижод ва ижодий жараёнлар худди фандагидек санъатда ҳам ўзининг мураккаб кўринишлари ва хусусиятлари билан ажралиб туради.

Ижод шундай меҳнатки, у маънавий бойликлар яратишга қаратилади. Ижодий меҳнат ҳажми бўйича катта, характеристи жиҳатидан рангбарангдир. Меҳнат натижасида санъат асари яратилади. Рассом меҳнати турли-тумандир. Улар адабиётлар ўқиши, муассасаларга бориш, жамоаларга бориш, табиатни кузатиш, қоралама ва хомаки расм, этюдлар бажариш, кўрилганлар ҳақида фикрлаш, композиция эскизлари устида ишлаш ва хоказолар. Рассом ижодий меҳнатини шартли равиша икки турга ажратиш мумкин. Биринчиси, турли ҳил кузатишлар ва ҳаётни ўрганиш, билим, дид ва дунёқарашнинг ўсиши, маҳорат, кўникма, малакаларни эгаллаш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси – бу асар яратиш билан боғлиқ бўлган, қисқа ёки узоқ муддатли бўлиб, бу ғоянинг характеристи, рассомнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқади. Рассомнинг кенг кўламдаги меҳнати, ижодий жараёнининг мураккаблиги - булар барчаси санъатда профессионаллик мажбуриятини юклайди, тасвирий санъатда янада алоҳида маҳсус ҳолатлари талаб этилади.

Жуда кўп машқ қилган ва ўзининг кўриш хотирасини ривожлантирган буюк рус рассоми В.А.Серов кичик ёшиданоқ сурат чизишини бошлагандан хотирадан чизишини ёқтиарди. Ундан буни устози (кейинроқ) И.Е.Репин ҳам талаб қилган эди. И.К.Айвазовский эса ҳайрон қоларли даражада кўриш хотирасини эгаллаган эди. Рус рассомлари – манзарачилари Ф.А.Васильев, И.И.Левитанларнинг кўриш хотиralари ривожланганлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Ирода – ижод кучининг самарасини белгиловчи, ижод учун энг зарурий психик жараёнлардан бири ҳисобланади.

2. Бадиий образ ва маҳсус фанлар композицияси. Қонун-қоидалари, бажариш тартиблари.

Образ тушунчаси билиш назариясининг таркибий қисмидир. «Образ» деб инсон онгига нарса ва ҳодисаларнинг акс этиши тушунилади. Инсон ўзининг сезгиси, идроки, тасаввури, тушунчаси ва шу кабилар орқали ташқи дунёни *образ* шаклида англайди.

Бадиий образ манбаи «жонли ҳаётдир». Бадиий қиёфа воқеликни қайта англаш бўлиб, эстетик тушунчалар сирасига киради.

Бадиий образ хусусиятларини инсон билиши жараёни умумий қонуниятларидан ажратиб мушоҳада этиши мумкин эмас. Бадиий қиёфа билишнинг бир туридир. Билиш қонуниятлари санъатда ўзига хос кўринишларда намоён бўлади, бадиий қиёфа эса жонли мушоҳада ва мавхум тафаккур белгиларига эга бўлса-да, уни ҳам, буни ҳам англатмайди. Бадиий образ – ҳаёт каби мураккаб, сермазмун. Санъатда ҳаётнинг ҳамма мураккабликлари, қирралари, муносабатлар мажмуи бадиий образда

умумлаштирилади, унда ташқи (*объектив*) ва ички (*субъектив*) томонлар мавжуддир.

Санъаткорниң ҳис-туйғулари, кечинмалари, режалари манбаи бўлган воқеа-ҳодисалар, турли вазиятлар, тўқнашувлар бадиий образнинг ташқи (объектив) томонидир. Бадиий қиёфа ташқи дунёни инсон эҳтиёжларига мутаносиблиқда акс эттиради, яъни ҳаётни эстетик қадрият сифатида ифодалайди.

Портрет – тасвирий санъатнинг энг қадимги, энг кенг тарқалган ва унинг ўзига хос хусусиятларини чукур, атрофлича очиб берувчи жанрдир.

Биз бу жанрнинг рангтасвир ҳамда қаламтасвирдаги афзалликларини маълум даражада кўриб чиқиш, уларни узаро солишириб, чуқур таҳлил қилиш имкониятига эгамиз. Биламизки, портретлар ишланнишига кўра елқагача, белгача ёки бўйбаравар бўлиши мумкин. Рангтасвирда ишланган портретларда тасвир кўпинча тиззагача бўлган кўринишида учрайди. Моделлар турлича холатларда, баъзан кийим-кечаклари дикқатни тортмайдиган, баъзан эса кўзни қамаштирадиган даражада аниқ ва ёрқин тугал қилиб ишланган бўлиши мумкин. Бундай қиёфани баъзан текис, тўқ фонда, баъзан манзара фонида, ёки интеръер мухитида кўрамиз. Фон қанақа бўлишидан қатъий назар, одатда асосий эътибор юз кўринишига қаратилган бўлади.

Портретдаги бу ташқи фарқланишлар, моделнинг ички дунёсини очиб берувчи фарқланишларнинг намоён бўлишига сабаб бўлади.

Портрет – инсонни ўзи яшаётган даврдаги ташқи дунё билан муносабатини, жамиятдаги ўрни, яшаш тарзини акс эттирувчи ҳамда унинг, маънавий ва эстетик дунёсига баҳо берувчи санъат асаридир.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, портрет рангтасвирини – давр қиёфаси деб айта оламиз.

Аммо албатта, бу таъриф рангтасвир учун абсолют тушунча эмас. Энди унинг тенденциялари ҳақида сўз юритамиз.

Маълумки, портрет яратилаётганида рассом ўзи акс эттираётган моделни ўраб турган атроф-муҳит таъсиридан «тозалаб», уни инсон-шахс сифатида қандайлигини очиб берувчи зарур далиллар билан тўлдиради. Яъни тасвирланувчининг ички дунёси билан «тиллашув» олиб боради.

Бундай ёндашув орқали унинг юз тузилиши, кўзлари, юз ифодаси ўша инсон тўғрисида имкон даражада маълумот беради. Портретнинг асл можияти ва баҳоси эса ўз навбатида рассом маҳорати билан ўлчанади.

Юз – ҳар бир инсон учун индивидуал, бетакрордир. Чунки, дунёда қанча инсон бўлса, шунча турдаги юз кўринишлиарини учратамиз. Демак, ҳар бир инсон юзи қайтарилмас экан, унинг нафақат ташқи «табиий чехраси», балки ўзига хос руҳиятига йўғрилган ички дунёси ҳам бетакрордир.

Ҳар бир шахснинг маънавий дунёси, унинг индивидуал юз тузилиши, қалби, ақл даражаси ва ўзигагина хослиги умумий хусусиятлар билан чамбарчас тарзда ҳамжиҳатликда ўз ифодасини топади.

Биламизки, ҳар бир инсон жамиятнинг маълум бир қатламига, ўз машғулоти, касби, ҳаёт тарзи, фикр-мулоҳазалари билан маълум бир инсонлар категориясига, психологик темпераментига тааллуқли бўлади.

Айниқса, ўша модел атрофини ўраб турган предметлар орқали, кийим-боши, ўзини тутиш йўсини, қўл харакатлари, гавдани тутиш ҳолати-яъни: ўзигагина хос шахсий хусусиятлари орқали очик-ойдин намоён бўлади. Шунингдек, инсон чехраси – унинг жамиятнинг қайси қатламига таълуқлилигига, шахс сифатида тан-жонига сингиб кетган умумий хусусиятларига унинг индивидуал феъл-атвори билан бирлашуви шахснинг ўзига хослигини шакллантиради.

Қаламтасвирда ишланган портрет юз тасвиридаги урғу шахснинг ички ҳолатига, ўша пайтдаги кайфиятига ёки бирор бир конкрет, шахсий хусусиятига, маънавий индивидуаллигига ва энг муҳими инсоннинг умумий ҳаёт тарзига тааллуқли эканлигига қаратилган бўлади. Бу ўз навбатида рассомга тасвир этилаётган одамнинг юз ифодаси орқали унинг характерини очиб бериш имкониятини беради.

Мусаввир қаламтасвир портрети устида иш олиб борар экан, у бу жараённинг бошидан-охиригача натура билан юзма-юз ишлайди.

Биламизки қиёфачининг юз ифодаси турли маъноларни акс эттиради. Лекин, шунга қарамай, инсоннинг дунё билан ўзаро муносабатини ва ички оламини тўлиқ ва кўпқиррали тарзда этиб ёритиш имкониятини бермайди.

Қаламтасвирда ишланган портретда моделнинг ички дардлари, ҳаётдаги муваффақиятлари, инсон сифатида қандай эканлигини очиб бериш вазифаси турса, рангтасвир портретда бу инсоннинг образини келажак – авлодга қолдириш, жамиятга, одамларга таништириш мақсади хам ётади.

Шунинг учун рассом моделнинг муҳим инсон эканлигини, инсонийлик кирраларини янада кўпроқ ва бўрттириброк кўрсатиб, авлодларга муносиб, улкан эътироф билан намоён этиб беришга урунади. Унинг дунё билан, вақт билан боғлиқлигини, ҳамоҳанглигини очишга ҳаракат қиласи.

Портрет санъатида учраб турадиган хусусийликдан умумийликка ўтишнинг учта даражасини белгилаш мумкин: бунда портрети ишланаётган моделнинг ҳаётидаги айнан ўша пайтдаги рухий ҳолати, унинг шахс сифатидаги феъл-атвори ҳамда жамиятдаги ижтимоий, маънавий ўрни ва у яшаётган давр тўғрисида ҳам маълумот беришидадир.

Қаламтасвирда портрет ўз структурасига кўра аниқ икки ечимни: моделнинг ички ҳолатини ва маънавий ўзига хос дунёқарашини намоён этади. Бундай портретлар камдан-кам ҳоллардагина тасвирий санъатнинг кенг қамровида вужудга келади.

Рангтасвир портретларида эса аксинча, аниқ ҳолатлар камрок учраб, тасвиридаги шахснинг ижтимоий тизимдаги ўрни анчайин идеаллаштирилиб бадиий тарзда акс эттирилади.

Лекин барibir, қаламтасвирда ҳам, рангтасвирда ҳам моделнинг маънавий характеристи портретнинг бош вазифаси бўлиб қолаверади. Вазифалар ечими турлича бўлгани учун натижада образ ҳам ўзаро

фарқланади. Кўпинча қаламтасвирда моделнинг елкасигача бўлган тасвири табиий ҳолатда тасвирланади ва фон эркин танланади. Портретнинг барча хусусиятларини асосан моделнинг юз қиёфаси ифодалайди.

Рангтасвир портретини яратишда эса рассом ўша шахс ва ўша замон тўғрисидаги фикрларини, тасаввурларини хам қўшиб ифодалashi керак бўлади. Бу эса тасвирлашда портрет композициясини топиб, унга мос равишда муҳит, либос, фон ва турли аксессуарлар танловини хам амалга ошириши керак бўлади. Портретнинг қаламтасвир ва рангтасвир ечимида асосан икки масала ҳал этилади: бири – шахснинг индивидуаллиги, ўхшашлиги бўлса, иккинчиси эса – **образнинг умумлашган, идеаллашган кўриниши**дир.

Портрет санъатидаги бу иккала ёндашув, иккала ҳолатни тасвирлашнинг бошқа жанрларида ҳам учратиш мумкин. Демак, шундай хулосага келиш мумкин: «қаламтасвир портретнинг биринчи чизиги, рангтасвир эса уни ривожлантирувчи, мукаммаллаштирувчи иккинчи чизиги»дир.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, юқорида берилган таъриф ҳамма портретлар учун ҳам мутлоқ бир хил бўлавермайди.

Тасвирий санъатнинг кенг оламида қаламтасвирда ишланган портретларда ҳам унинг муҳити, маълум бир фонда ўша шахснинг дунёдаги ўрнини ифодалashi мумкин. Ва аксинча, рангтасвир портретида ҳам рассом бутун диққатини асосан моделнинг юзига қаратиб, унинг аниқ бир ҳолатига ургу бериши мумкин.

Энди рангтасвир портрети учун мўлжалланган қаламтасвирни ўрганиб чиқамиз. Уни ишлаганда, портрет этюди учун ёки мустақил рангтасвир портрети учун деб ажратиб бўлмайди. Чунки портретнинг тайёрлов қаламтасвири ва унинг ёрдамида ишланган рангтасвир портрети солиширилганда, ундаги композиция ечимида умуман фарқ бўлмайди. Лекин рангтасвир портретида хомаки қаламтасвир тўлиқ қайтарилсада, образ яратишда анча-мунча фарқ бўлади.

Биламизки, XVII аср – «олтин портрет асли» деб ном олган. Бу даврда ишланган рангтасвир, қаламтасвирларда бир хил топилган портрет композицияларида бундай ҳолат жуда яққол кўзга ташланади. Қаламтасвирда ҳам моделнинг аниқ ичли рухий ҳолати кенг миқёсда берила бошлаган. Бу асрга келиб, портретнинг ҳис-туйғуга бойлиги очиқ ва турлича ифодаланган.

Машҳур рассом П.Рубенс ҳаётининг сўнги йилларида ишлаган «Автопортрет» ида донишмандлик, қайғу, ички дард, безовталик шундай бир куч билан ифодаланганки, унда инсон умрининг якунида ҳис этадиган туйғулари рўйи – рост намоён бўлиб туради.

П.Рубенснинг рангтасвирда ишланган «Автопортрет» ида эса юз ифодаси бир оз юмшаганлиги сезилади. Қаламтасвирида юз диққатни қаттиқ тортса, рангтасвир портретида образ унинг тик, викорли гавдаси билан романтик либосларга ўралиб туриши, яъни ташқи қиёфага берилган эътибор билан яхлитлик касб этган. Бу ерда инсон дарди, унинг викорли, романтик

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

туришидан устун кела олмаган. Чунки рангтасвир портрети учун ишланган қаламтасвир эркин ижро этилган. Рассом рангтасвир портретини қаламтасвир асосидагина яратишга эришган.

Рангтасвир портретига мўлжаллаб ишланган қаламтасвирларнинг тўлиқ ва ёрқин образли бўлиши портретлар турли композиция ечимлари асосида ишлансангина ўз овозига эга бўлади.

Қаламтасвирда ишланган портретда кўзлар, лабларда ним табассум каби мураккаб ҳолатларни бериш мумкин. Рангда эса бу портрет белигача ёки қўллари билан, атроф-муҳит, фон, лиbosлари қўшилиб, юздаги бу ифода кучи камайиб, бутунлай бошқа образга айланади.

Агар қаламтасвирда моделни инсон сифатида юзма-юз кўрсак, рангтасвир портретида бизнинг кўз олдимиизда раҳбар, олим, талаба жамиятдаги ўз ўрни, ундаги мавқеи билан намоён бўлади. Бунда биз фақат инсон юзини эмас, ўша даврни, маълум юртни, масалан: XVI асрдаги Италияни ёки XXI асрдаги Ўзбекистонни кўрамиз.

Тасвирий санъат фанлар композицияси. Қонун-қоидалари, бажариш тартиблари.

Композициянинг эфектли ифодаси учун композициянинг элементи ҳақидаги тушунча илгари сурилиши керак, ҳар бир факторнинг тушунчаси орқали кўрганларимизнинг таасуротлари ва кўзимиз билан кўришимиз мумкин бўлган шакл ҳаракатини шакллантиради.

Композициянинг факторлари нуқта, чизик, текислик, шакл (форма), ранг, соя (ранглар), ҳажмни хис қилиш, ишлатаётган материалимизни хис қилиш, ўлчам, йўналиш, композиция, иллюзия кабилардир. Биз факторларни тушунчамиздаги факторлар ва кўз олдимииздаги факторлар деб қарашимиз мумкин.



Композиция - нуқта, чизик, юза каби учта муҳим элементлар шаклини ўзлаштириб, кузатилиши,



албатта, пластиканинг бирлиги ва тартибига эга бўлган психологик ҳаракатdir. Бундай шакл гўзаллигини ҳал қилиувчи принципини гўзаллик принципи ёки шакл (фигура) принципи дейилади. Бу шакл ранг, натура, ҳажм каби ўзаро бошқа бошқа элементларни текислиқда ифодаланганда шаклланадиган шаклни чиройли ва уйғун бўлишидаги гўзаллик қонунидир. Бу шакл принципи тушунчаси эстетик муаммо сифатида қадимдан шу кунгача кўп нарсаларни кўрсатиб келган бўлиб, унинг мазмuni қуидагичадир.

Composition VII (Third Version)¹

2) Бирлик - бирлик бу ҳис қилиш ёки реал шакл, ранг, ҳажм материал ҳамда техник жиҳатдан эстетик бирлик ёки тартиб деганидир.

Үйғунлик деб, бир ёки ундан ортиқ қисмларнинг ўзаро муносабатида эстетик қиммати жиҳатидан бир - биридан ажратилмасдан, ҳар бир элемент бирлашганда ҳосил қиласидиган эстетик шаклга айтилади.

3) Ўзгариш - бирликдан ажратиб бўлмас муносабатдадир. Лекин жудаям мураккаб ўзгаришларда бирлик тартиб билан мустахкамланмаса, композиция бетартиб кўринишга келиб, ҳатто мавзу ҳам сустлашиб, бу бир хиллилик (монотонли) ва замондан ортда қолиш каби оқибатларга олиб келади.

Пропорция - катталик ёки узунлик ўртасидаги фарқни билдириб, баланс билан узвий боғлиқдир.

3) Баланс дегани, симметрияда фарқ қилиб, ҳар томонлама носимметрик шаклларнинг кўриниши ва руҳий мувозанатdir.

Симметрия - мувозанат деб ҳам юритилиб, қарама - қарши томонларда жойлашган барча нуқталарнинг ўзаро бир хил масофада қўлланилиши тартибига таяниб, бирлаштириш хусусиятини берувчи тушунчадир.

5) Ритм - ҳар бир элементнинг кучли ёки заифлиги, шунингдек, ритм даврини ҳамда давомий ҳаракатdir.

- Аста - секин ўсиб бориш: аста - секин ўзгариб бориш ёруғлик ва қоронғулик, шунингдек, комбинациянинг ёркинлик даражасини ифодаловчи тушунчадир. Аста-секин олдинга силжиш, нуқта деб ҳам юритилиб, мос келувчи поғоналарга асосланиб, қатъий тартибларга эга бўлган табиий тартиб қоидаларнинг ўзаро ҳаракати билан ифодаланадиган тизим деб ҳам талқин қилинади.

- Такрорлаш - ажратилган масофада такрорланишdir. Оддий такрорланиш бир хил ва оддий бўлсада, даврий такрорланиш ўзгарувчан ритм кайтаришганда, жозибадор ритм бўлиб, бундай мураккаб давомий ритмга асосланган такрорланишни кесишиш деб ҳам аталади.

¹ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-167

6) Урғу – атроф - мухитнинг бирор бир шартига қўра маҳсус бир қисмига қаттиқ ўзгартириш факторидир. Лекин урғу бирдан ортиқ берилса, аксинча урғу ўз қучини йўқотиши мумкин. Урғунинг катталиги керагидан ортиқ ишлатилмайди, яъни урғу беришнинг ҳам ўз чегараси бор.

- Контраст - қиёслаш хусусияти ва микдорни ажратиб, иккidan ортиқ жой ёки вақтга нисбатан жойлашганда ҳосил бўладиган бирлик шакли, яъни шакл ёки ранг кабиларга контраст бериш орқали ўзгаришни амалга оширувчи принципдир. Рангиз тасвирда оқ ва қора рангни қиёслаш шунга мисол бўла олади.

7) Жой-жой бирлик ва ўзгаришнинг принципи ўзида мужассам этган алоҳида ҳар бир хусусиятни яна бир пофона кучатириб берувчи ролни ўйнайди. Жой кўринишида бирор бир шаклни ажратганда, ҳосил бўладиган жойни ишлатишда муҳим аҳамият касб этади.



Blue Horse I²

- Шакл (фигура)нинг принципларини тушуниш усуллари
- Хис - туйғуларни ҳар томонлама чиройли қабул қиласлилик.
- Йўналиш, ритм, кучли ва заифлилигига таяниб, нурнинг кучли кучсизлиги кабиларга урғу бериш.
 - Пропорция, ритм, баланс, уйғунлик (гармония), қиёслаш (контраст), бирлик кабилар бошқа барча шаклларга таъсир кўрсатиб эстетик принципларни қўллайди.
 - Эстетик муносабат ва тасаввурларимизни ҳамда предметни ҳис қилиш қобилиятимизни ифодалайди.
 - Баландлик, чукурлик, кенглик мавжуд бўлган структуравий бўшлиқ баланси деб тасаввур қилишмиз мумкин.
 - Биз бўшлиқни ундаги мавжудот, ҳаракатлар орқали ҳис қилишимиз мумкин.
 - Предметни ҳис қилиш ҳаво, нур ва соянинг йўналишига қараб англашимиз мумкин.
 - Материални тушуниб, унга ишлов бериш усулларини ўрганиб, эстетик жихатдан ифодалаб беришимиз керак.

Жараёнлар - ишлатадиган материалимизни ўрганиб чиқиш - мавзу танлаш – эскиз - шакл (фигура) принципини тушунтириш - танланган обектни кузатиб, у ҳақида турли материаллар йиғиш, яъни унинг тузулиши, ҳаёт тарзи ва бошқа бошқалар ўрганилгандан кейин обектимиз жонлантириб ясалади.

² Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-165

The Green Fiddler³

1) Нуқта ҳақидаги тушунча бу - кўз нишонга олувчи белги, кичик бир мавжудот, кўзга қўринмас нарсалар, яъни катта ҳажмга эга бўлмаган жойни англатади дейишимиз мумкин. Лекин унинг аникроқ ифодаси учун белгиланган бирор жой ёки қўринишни белгилаши керак. Одам ёки катта фил бўлмасин, узоқ бир текислиқда кичик бир нуқтадай қўринади. Дарҳақиқат, биз буни нуқта деб қабул қилишимиз мумкин. Юзанинг катталиги ва нуқта билан муносабати, нуқтанинг сони, жойлашишига қараб, нуқтани турлича хис қилишимиз мумкин.

2) Чизик ҳақидаги умумий тушунчамиз ип ёки узунлиги бору, эни ва ҳажми бўлмаган, борликда йўналишигина бор ингичка бир нарсадир. Геометрия фанида минглаб нутқаларнинг йиғиндиси чизик деб аталади. Санъатда чизик ҳақидаги умумий тушунча - бу қимирлаётган нуқталар йиғиндисидар

3) Юза - рангларнинг кучи орқали композицияга энг катта таъсир кўрсатадиган фактордир. Яна чизиқлар юзанинг асосий фактори ҳисобланади.

4) Бирор бир нарсанинг ташки томонини чегаралайдиган ранглар жилосининг ўзгаришига таянадиган ёки чизиқлар воситасида ҳосил бўладиган кўз билан кўриш мумкин бўлган нарсаларни тушунишимиздир. Образни конкрет ва абстракт образларга ажратишими мумкин.

5) Ранглар - ранглар структуранинг фактори ичida энг таъсирлиси бўлиб, бошқа факторларга қараганда, янада табиий ва инстинктивдир. Рангсиз тасвирили асарлар инсон эътиборини ўзига торта олмайди, лекин ҳаётйлиги билан ажралиб туради.

6) Ранглар жилоси - ранглар жилоси уйғунлиги ранг уйғунлигининг асосидир. Турли ранглар гуруҳини биз ифодалаганимизда бир ранга мансуб бўлган шу рангнинг бошқа жилоларини ифодалаш мумкин.

7) Тасвирлаётган предметимизнинг структураси деб (натура), кўлимиз билан ушлаб хис қилишимиз мумкин бўлган нарсалардан бошлаб, барча кўзга қўринадиган нарсалар ҳақидаги туйгуларимиз умуман олганда, табиатга, борлиққа нисбатан ишлатилади.

8) Ўлчам - чизик, текислик (юза), фигура ўртасидаги оралиқ ва шу оралиқдаги ўлчамлар тушунилади. Кичик бир тўртбурчак билан Миср пирамидалари иккисининг ҳам қўриниши бир хил тўртбурчакдир. Лекин ўлчамлари туфайли бизда турлича таассурот қолдиради.

9) Йўналиш - барча чизиқларнинг йўналиши бор. Ана шу йўналишларнинг асоси бўлган вертикал, горизонтал, ўнг ва чапга 45 даражали қиялик кабилардир.

³ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-175

10) Композиция - расм (композиция) ёки дизайнда бўлгани каби ўзгариш ва бирлик мавжуд бўлган, гўзалликни ҳис қилишда катта рол ўйнайдиган, мавзуга мос композициягина яхши асар бўлиши мумкин. Оддий учбурчак композицияда мувозанат ва кенг кўнгиллилик, перпендикуляр сокинлик ва байрамоналикни, ётиқ текисликда эса, тинчлик, сокинлик ва кенгликни ҳис қилиш мумкин.

11) Иллюзия - иллюзия дегани кўзнинг физиологик ҳаракатига таянган ҳолда содир бўладиган визуал иллюзияга айтилади.

• Чизма (шакл) - б и р шакл орқали икки турдаги бошқа шакл (фигура) ёки ундан ортиғини кўриш орқали, бундан олдинги фазовий шаклларнинг ҳосил бўлишидир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Тасвирий санъат фанларнинг қисқача ривожланиш тарихининг муҳим томонларини санаб ўтинг?

2. Тасвирий санъат фанлар ўқув ва ижодий жараёни.
3. Бадиий образ ва маҳсус фанлар композицияси.
4. Қонун-қоидалари, принципи, бажариш тартиблари.
5. Композициянинг факторларини баён қилинг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.-2003.
2. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphic for Artist.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013
3. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception:A Psychology of the Creative Eye.- University of California Press, USA 2004

Тасвирий санъат фанларида ўқув ва ижодий жараён, бадиий образ ва композицияси.

Амалий машғулотдан қўзланган мақсадлар:

Ўқув ва ижодий жараёнлар ва уларнинг қиёсий нисбатини;
“Бадиий образ” тушунчасининг тавсифланишини;
“Маҳсус фанлар” ва “Композиция” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўргатишдан иборат.

Тингловчилар фаолиятини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқлар.

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

Машғулот интерфаол методлар ва турли графикили организерлар ёрдамида ташкил қилинади.

Амалий машфулотга доир графикли органайзерлар 1-топширик.

Үүкүв ва ижодий жараённи берилгандын жадвал бүйича ажратыб

күрсатинг ва ҳар бир тушунчаларни изоҳлаб беринг.

Үқув жараёни - бу янги билимларни олиш ва ўзлаштиришга қаратилган таълим жараёни, махсус ишлаб чиқилган ўқув режалари ва режаларига мувофиқ амалга ошириладиган доимий фаолиятдир.


Ижодий жараёни – бу бадиий асар яратиш; ижодий жараённинг асосий босқичлари - тояниңг пайдо бўлиши ва уни тарбиялаш, асарнинг тоявий-мавзууни асосларини излаш, уни амалга ошириш учун образли тизимни ишлаб чиқиш, тасвирий-ифодавий воситаларни такомиллаштириш. Бунда ижодий илҳом ва бадиий тасаввур муҳим ўринни эгаллади.

2-топшириқ. “Бадий образ” тушунчасига оид қандай таърифларни биласиз? Қуйидаги расмни түлдириңг!

“Бадиий образ” тушунчасига оид қандай таърифларни биласиз?



3-топшириқ. Ижодий жараёнда намоён бўладиган ҳолатларни аниқланг!



Ижодий жараёнда
намоён бўладиган
ҳолатга маълумот
беринг

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўқув ва ижодий жараёни нималардан иборат ва уларнинг қиёсий нисбатини тушунтириб беринг?
2. Махсус фанларга таъриф беринг?

3. “Бадиий образ” тушунчасининг тавсифланишини изоҳланг?
4. “Махсус фанлар” ва “Композиция” тушунчаларининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
5. Инглиз Г.Уоллс фикрича, “Ижодий жараён” тушунчаси қандай ёритилади ва уларга маълумот беринг?
6. Ижодий жараён босқичларига таъриф беринг.

7. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Мирахмедов К., Каримов Б., Нуруллаев И. Тасвирий санъат. Дарслик. 6 синф. -Т., Г.Гулям. 2017.
2. Кузиев Т., Абдирасилов С., Нуртаев У., Сулейманов А. Тасвирий санъат. Дарслик. 5синф. Т., Ўзбекистон. 2020.
3. Abdirasilov S., Tolipov N. Rangtavir. – Т.: Innovatsiya-Ziyo, 2019.-160 b.

2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Тасвирий санъат фанларда одам боши ва инсон қомати қаламтасвири.

Ишдан мақсад: Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида маҳсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари, воситаларидан фойдаланиш методикасига оид маълумотларни тизимлаштириш ва мавжуд кўникмаларни ривожлантириш.

Мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

Тингловчига эслатма

Тасвирий санъат ўқитувчиси ижодкор-педагог ўз касбининг етук устаси – рассом, устоз-педагог маълум педагогик маҳоратга эга шахс хисобланади. Тасвирий санъат ўқитувчиси барча вазиятларда ҳам ўз фаолиятини муваффақиятли олиб бориши учун доимий равишда ўз билим ва маҳоратини ошириб, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни, илғор педагогик тажрибаларни, метод ва усулларни мунтазам ўрганиб,

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

касбий-педагогик ижодкорлигини ва касбий компетенцияларини ривожлантириб боради.

Инсоннинг ҳиссий ҳолатини унинг юз ифодалари орқали тушуниш ва уни ранг ва чизик ёрдамида портретда етказиш.

Тингловчилар:

Мавжуд билимлардан фойдаланган ҳолда асл портретлар яратинг.

Баъзилар:

Мавжуд билим ва кўникмалар асосида автопортрет яратинг.

“Портретни турли қайфиятда чизиш”.

1-топшириқ. Ўрганишлар давомида талабаларнинг одам бошини тасвирилашни босқичма-босқич ишланмасини яратиш ва ташкил этишни йўлларини ишлаб чиқинг.

			
1 – ажабланиб	2 – қайгу	3 – ғазаб	4 – зерикиш
			
5 – қувонч	6 – айёр	7 - хаёлпарастлик	

Ўқитувчининг ечими

Инсоннинг турли эмоционал ҳолатлари чунончи, баданнинг хилма-хил ифодали ҳаракатлари, имо-ишоралар, хусусан, кўз билан қилинадиган имолар, товушнинг оҳанги, хўмрайиш, салгина жилмайиб қулиш, елка қисиш ва бошқа ифодали ҳаракатлар мақсадини ҳамда унинг кимлигини очиб беради.

Психолог П.М.Якобсон томонидан ишланган расмлардан кўриниб турибдики, одамнинг афтидаги қиёфа асосан лаблар, қош ва кўз ўзгаришларининг бир-бирига нисбатан турлича ҳолатига, шунингдек кўзнинг қанчалик чақнаб туришига боғлиқдир»³.

Инсон кишининг ахлоқ-одоби, қолаверса, ички, маънавий оламининг қандайлиги юзида бамисоли кўзгудаги каби акс этиб туришига халқ азалдан эътибор берган. Масалан, кўзнинг ўзини олайлик. Яхши одамларнинг кўзлари порлаб туради, чақнаб туради, кўзларида сехри бор дейилади. Шу боис ҳам гўзал қизлар қош-кўзлари попукдеккина деб тасвирланади, ёрнинг кўзлари чаросга қиёсланади. Кўйкўз, бўтакўз, оху кўз, шахло кўз, хумор кўз деган иборалар бор ва ҳоказо.

Кант таълимотига кўра, юз териси силлиқ ва тузилиши мукаммал бўлган зўр заковат эгаси, даҳо бўлиши мумкин эмас. Мен бошқа гўзаллик - бир-бирига қовушмаган номукаммал аъзолар ва уқубатлар гувоҳи бўлмиш ажинлардан иборат гўзаллик ҳақида гапирайпман. Энг муҳими, инсоннинг борлиғидан куйилиб турган ички нури бўлсин.



³ Раимонов М. Психология курсида к'рсатмалилик.- Тошкент: Ҷитувчи, 1981.- 115 б.



2-топшириқ. Талабаларнинг одам бошини тасвирлаш ишларининг мазмунига оид тушунчаларни изоҳланг!

№	Иборалар	Мазмуни
1.	Портрет -	
2.	Автопортрет -	
3.	Психологик -	
4.	Тантанали -	
5.	Ижтимоий -	
6.	Камерли -	

Тингловчилар томонидан тўлдирилган жадвал ўқитувчининг варианти билан таққосланади.

Ўқитувчининг варианти


№	Иборалар	Мазмуни
1.	Портрет -	Портрет - бу шахс ёки бир гурӯҳ одамлар тасвирланган расм. Портретларда рассомлар нафақат ташқи ўхшашликни, балки инсон характерини ҳам етказишга интилишади.

2.	Автопортрет -	бу рассомнинг графика, тасвирий еки хайкалтарошлиқ тасвири бўлиб, у ўзини ойна орқали яратган портрети.
3.	Психологик портрет -	инсоннинг ички дунёси ва кечинмаларининг чуқурлигини кўрсатишга, унинг шахсиятининг тўлиқлигини акс эттиришга, инсоний туйгулар ва ҳаракатларининг чексиз ҳаракатини бирлаҳзада акс эттиришга қаратилган.
4.	Тантанали портрет –	бу одам тўлиқ бўйида, отда, турган ёки ўтирган ҳолда тасвирланган портрет. Одатда тантанали портретда қомат меъморий ёки ландшафт фонида берилган.
5.	Ижтимоий портрет -	касбий фаолиятнинг мазмунини тушунишга, бўш вақтини ўтказишга, инсон яшайдиган мухитнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг шахсиятини баҳолашга имкон беради.
6.	Камерли портрет -	бу ярим узунликдаги, кўкрак ёки елка тасвиридан фойдаланилган портрет. Камера портретидаги расм одатда нейтрал фонда кўрсатилади.

З-топшириқ. Графики органайзерлар асосида ишлаб чиқилган мавзуга оид топшириклар келтирилган бўлиб, уларда келтирилган саволларнинг жавобларини топинг ва мисоллар билан тушунтириб беринг.

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

“Расм” фани номини “Тасвирий санъат” фани номи билан ўзгартирилишининг қандай омиллари мавжуд?



4-топширик. Махсус фанларни ўқитишнинг асосий мақсади ва вазифалари амалдаги тасвирий санъат фани мақсад ва вазифаларидан қандай фарқли томонлари бор?



Назорат саволлари

1. Портрет деганда нимани тушунасиз?
2. Портрет жанри нима? Бу жанрда ижод этган рассомлар кимлар?
3. Пропорционал нисбий тенглигидаги ўзига хослик нималардан иборат тушунтириб беринг?
4. Мустақил Ўзбекистон тасвирий санъати йўналишларига таъриф беринг?
5. Графикадаги авангард йўналишида ижод қилган рассомлар?
6. Ҳайкалтарошлиқ йўналишидаги ривожи ҳақида маълумот беринг?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Мирахмедов К., Каримов Б., Нуруллаев И. Тасвирий санъат. Дарслик. 6 синф. -Т., Г.Гулям. 2017.
2. Кузиев Т., Абдирасилов С., Нураев У., Сулейманов А. Тасвирий санъат. Дарслик. 5синф. Т., Ўзбекистон. 2020.
3. Abdirasilov S., Tolipov N. Rangtasvir. – Т.: Innovatsiya-Ziyo, 2019.-160 б.

З-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

Тасвирий санъат фаолиятига полифункционал тайёргарликнинг педагогик асосларини.

Ишдан мақсад: Тингловчиларда ўқитувчи, санъатшунос ва рассом полифункционал тайёргарлик илмий-педагогик хусусиятларини ўрганиш: кузатиш, сұхбатлар, касбга мослашиш, квалификацион модели каби тушунчаларни амалиётта жорий этиш бўйича малакаларини ривожлантириш.

Тингловчилар фаолиятини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқлар.

1-топшириқ. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг бажарадиган ишларининг функциялари ва уларнинг мазмунига оид тушунчаларни изоҳланг!

№	Функциялар	Мазмуни
----------	-------------------	----------------

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

1.	Ўқитувчи -	
2.	Рассом -	
3.	Санъатшунос -	

Тингловчилар томонидан тўлдирилган жадвал ўқитувчининг варианти билан таққосланади.

Ўқитувчининг варианти

№	Функциялар	Мазмуни
1.	Ўқитувчи -	ўкув методик қўлланма, дарсликлар материаллари ва дастурлар асосида тузилган календар режаси бўйича тасвирий санъат машғулотларини конспект-режасини тузиш малакасига эга бўлиш; тасвирлаш машғулотлар жараёнида дидактик принципларга риоя қилиш малакасига эга бўлиш; ўқувчиларни тасвирлашга ўргатиш малакасига эга бўлиш; ўқувчиларнинг расмларини методик жиҳатдан тўғри баҳолаш малакасига эга бўлиш; тасвирлашда ўқувчилар томонидан юзага келган ҳатоларни методик жиҳатдан тўғри тузатиш киритиш малакасига эга бўлиш.
2.	Рассом -	- нарсалар ва ҳодисаларни тўғри кузатиш малакасига эга бўлиш; нарса ва ҳодисаларни илмий билиш; қаламтасвир, рангтасвир, композицияларни илмий асосларини билиш; тасвирлаш методларини билиш ва уларни ишлаш техникасини эгаллаш; ҳаётда кўримсиз ва гўзалликни кўра билиш малакасига эга бўлиш. Ранглар билан ишлаш малакаси, ранглар ҳақида маълумотга эга бўлиш; ранглар ҳосил қилиш малакасига эга бўлиш; рангларни илмий асосларини билиш; ранглар билан тасвирлаш методларини билиш ва уларни ишлаш техникасини эгаллаш.
3.	Санъатшунос -	- санъатни жамият онгини акс этиш шакллари каби билиш; ҳаётдаги санъат ўрнини билиш; санъатни илм, дин, мифология билан боғлиқлигини билиш. Тасвирий санъат тур ва жанрларини билиш, мусиқани билиш;

	адабиётни билиш; кинони билиш; тасвирий санъатни билиш; а) графика; б) рангтасвир; в) ҳайкалтарошлиқ; г) амалий санъат; д) меъморчилик. Рангтасвир: мойбўёқ, темпера, гуашь, акварель, пастель, маҳобатли, дастгоҳли, декоратив. Рангтасвир-графика-ҳайкалтарошлиқ: анималистик, манзарали, портретли, майший, тарихий, батал, натюроморт, карикатура ва бошқа жанрларни билиш.
--	---

2-топшириқ. Демак, "...фаолиятга тайёрлик - бу шахснинг потенциал хусусияти сифатида ўзини намоён қиласиган мураккаб яхлит таълим. Тайёргарлик компоненти "педагогик фаолиятга ижобий муносабат" билдириб, ўқитувчи меҳнатининг ижтимоий аҳамиятини англаш ва уни ижтимоий ва касбий бурч сифатида бажариш зарурлигини, фаолиятнинг ҳар хил турларига қизиқиши ўз ичига олади. Ушбу компонентлар асосий қисм ҳисобланади, чунки улар педагогик ишларга ижобий муносабат моҳиятини белгилайди". Шундай қилиб, фаолиятга тайёрликни фақат мақсадга эришилганда, яъни, таҳмин қилинган билим ва малакаларни талабалар ўзлаштирганда ва натижада улар фаолиятга ижобий муносабатни шакллантиради. Тасвирий санъат ўқитувчиси тизимни шакллантирувчи омил сифатида ишлайди, чунки бу мавзулараро алоқани талабалар ўрганадиган маҳсус умумий касбий ва умумий фанлар даражасида амалга оширишни талаб қиласиди. Шу маънода, у бутун кафедра ўқитувчиларини, ҳам университет миқёсида, ҳам профессор-ўқитувчиларни бирлаштирган умумий мақсад вазифасини бажаради.

Тасвирий санъат ўқитувчисини маҳсус касбий фанлар даражасида шакллантиришда қандай билим ва малакалар керак бўлади.

Тингловчиларга қуидаги жадвални тўлдириш талаб этилади.

Тингловчи учун иш вароғи

Тайёргарлик компоненти номлари	Билим ва малакалар		
1. Санъат моҳиятини билишда қуидаги билимлар			
2. Санъатнинг жанрлари ва турларини билишда қуидаги билимлар			
3. Тасвирий санъат тари-хини билишда			

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

куйидаги билимлар			
4. Асарларни таҳлил қилиш малакаси			
5. Тасвирий санъат ҳақида маъruzалар, рефератлар тузиш малакаси			
6. Натурадан тасвирлаш малакаси.			
7. Мавзу бўйича расм чизиш малакаси.			
8. Декоратив расм чизиш малакаси.			
9. Натурадан расм чизиш дарсларини режалашти-риш, ташкил этиш ва таҳлил қилиш малакаси.			
10. Мавзули расм чизиш дарсларини режалашти-риш, ташкил этиш ва таҳлил қилиш малакаси.			
11. Декоратив расм дарсларини режалашти-риш, ташкил этиш ва таҳлил қилиш малакаси.			
12. Тасвирий санъат ҳақида сұхбатлар дарсла-рини ташкил қилишни режалаштириш ва таҳлил қилиш малакаси.			
13. Тасвирий санъатдаги бошқа иш турларини режалаштириш, тартибга солиш ва			

таҳлил малакаси.	қилиш		
---------------------	-------	--	--

Тингловчилар томонидан тўлдирилган жадвал ўқитувчининг варианти билан таққосланади.

Ўқитувчининг варианти

Тайёргарлик компоненти номлари	Билим ва малакалар		
1. Санъат моҳиятини билишда куйидаги билимлар	ижтимоий онгни акс эттириш шакли сифатида санъатни билиш;	санъатнинг ҳаётдаги ўрни тўғрисида билим;	санъат ва фан, дин, мифология ўртасидаги боғлиқликни билиш.
2. Санъатнинг жанрлари ва турларини билишда куйидаги билимлар	мусиқа ҳақида, адабиётни, кино ҳақида билиш; тасвирий санъатни билиш;	графикалар; расм; ҳайкаллар; декоратив-амалий санъат; меъморчилик	Рангтасвир: мойбӯёқ, темпера, гуашь, акварель, пастель, маҳобатли, дастгоҳли, декоратив. Рангтасвир - графика - ҳайкалтарошлиқ: анималистик, манзара, портрет, батал, майший, тарихий, натюрморт, карикатура ва б. жанрлар.
3. Тасвирий санъат тари-хини билишда куйидаги билимлар	санъат пайдо бўлишининг сабаблари ва ижтимоий зарурлигини билиш - жамоат онгини акс эттириш шакллари сифатида;	тасвирий санъат ривожланишининг асосий босқичлари ҳақида умумий маълумот;	Уйғониш даври ҳақида батафсил маълумот - тасвирий санъатнинг ривожланиш даври сифатида; Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи ва жаҳондаги таникли

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

			рассомларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида билиш.
4. Асарларни таҳлил қилиш малакаси	жаҳон тасвирий санъати дурдоналарини билиш;	қаламтасвир ва асарларнинг мазмуни, оғзаки воситалар билиш талқин қилиш малакаси;	асарларнинг ғоявий мазмунини очиш бериш малакаси.
5. Тасвирий санъат ҳақида маъruzалар, рефератлар тузиш малакаси	тасвирий санъатнинг муайян мавзулари бўйича илмий- услубий адабиёт-ларни библиогра- фиясини тузиш малакаси;	асарлар, ҳайкалтарошлик репродукцияларини тўплаш, шунингдек альбомлар тузиш малакаси (давр, мактаб, йўналиш бўйича ва б.к).	тасвирий санъат бўйича материалларни талқин қилиш малакаси; санъат тарихи бўйича олган билимларини оғзаки ва ёзма равища ифода етиш малакаси.
6. Натурадан тасвирлаш малакаси.	нарсалар ва ҳодиса-ларни профессионал равища кузатиш малакаси;	нарсалар ва ҳодиса- ларни илмий билиш; қаламтасвир, рангтасвир, композициянинг илмий асосларини билиш;	расм чизиши методика-сини билиш ва уларнинг техникасини ўзлашти-риш;
7. Мавзу бўйича расм чизиши малакаси.	тавсия этилган мавзунинг ғоявий мазмунини тушуниш малакаси;	қаламтасвир рангтасвир композициянинг илмий-услубий асосларига риоя қилиш малакаси;	ҳаётнинг турли соҳалари-ни билиш - расм чизиши учун мўлжалланган мавзулар бўйича; тарихий, адабий, мусиқий асарларни тасвирлаш малакаси.
8. Декоратив расм чизиши малакаси.	Бошқа халқларнинг ва биринчи навбатда халқининг нақшлари ва	қаламтасвир, рангтасвир, декоратив-амалий санъат компози- цияси асосларини билиш.	Тайёр нақшлар ва безакларни нусхасини кўчириш малакаси; Нақш ва безакларни ижодий

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

	безаклари-нинг етарли микдорини билиш.		ва мустақил равиша тузиш малакаси.
9. Натурадан расм чизиш дарсларини режалашти-риш, ташкил этиш ва таҳлил қилиш малакаси.	дастур материаллари, дарсликлар ва ўкув кўлланмаларига асосланиб тақвими режаси асосида натурадан расм чизиш дарсининг конспектини тузиш малакаси; натурадан чизиш дарс жараёнида дидактик принципларига амал қилиш малакаси;	талабаларни натурадан расм чизишга ўргатиш малакаси; натурадан чизиш жараёнида талабаларнинг мустақил ва жамоавий иш шаклини ташкил этиш малакаси;	ўкувчиларнинг расмлари ва композицияларини методик жиҳатдан тўғри баҳолаш малакаси; натурадан расм чизишида ўкувчиларнинг хатола-рини методик равиша тўғри тузатиш малакаси.
10. Мавзули расм чизиш дарсларини режалашти-риш, ташкил этиш ва таҳлил қилиш малакаси.	дастур, дарслик материаллари, ўкув кўлланмалари асосида тақвимий режага мувофиқ мавзули расм дарсининг конспектини тузиш малакаси; Мавзуни, ғоявий мазмунини шакллантириш, сюжетни танлаш малакаси;	мавзуга расм чизиш жараёнида талабалар ишининг мустақил ва жамоавий шаклини ташкил этиш малакаси; мавзули расм дарслари жараёнида дидактик принципларига амал қилиш малакаси;	Талабаларни адабий, тарихий, мусиқий асарларини расмлар билан безашга ўргатиш малакаси; Мавзу бўйича талабаларнинг расмлари ва композицияларини оқилона баҳолаш малакаси.

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

11. Декоратив расм дарсларини режалашти-риш, ташкил этиш ва таҳлил қилиш малакаси.	дарсликлар, ўқув қўлланмалари дастури ва материал-лари асосида тақвимий режаси бўйича декоратив расм дарсининг конспектини тузиш малакаси;	декоратив расм дарслари жараёнида талабаларнинг мустақил ва жамоавий ишларини ташкил этиш малакаси; декоратив расм дарслари жараёнида дидактик принципларига амал қилиш малакаси;	ўқувчиларни декоратив расмга ўргатиш малакаси; ўқувчиларнинг нақшлари ва безакларини, тасвирий санъат ҳақидаги сұхбатлар натижаларини оқилона баҳолаш малакаси;
12. Тасвирий санъат ҳақида сұхбатлар дарсла-рини ташкил қилишни режалаштириш ва таҳлил қилиш малакаси.	дастур ва дарслик-лар, ўқув қўлланмалари асосида тақвим режаси асосида тасвирий санъат ҳақидаги дарс-сұхбатнинг конспектини тузиш малакаси;	сұхбатлар мавзуси бўйича саволларни шакллантириш малакаси; тасвирий санъат ҳақидаги сұхбатда дарс жараёнида дидактик принципларига амал қилиш малакаси;	санъатшунослик билим-лари орқали талабалар-нинг дунёқарашини шакллантириш малакаси; тасвирий санъат ҳақида сұхбат-дарсими умумлаштириш малакаси.
13. Тасвирий санъатдаги бошқа иш турларини режалаштириш, тартибга солиш ва таҳлил қилиш малакаси.		талабалар расмлари ва кўргазма ишлари танловини режалаштириш, ташкил этиш ва таҳлил қилиш малакаси;	музейларга, кўргазма залларига, тасвирий санъат галереяларга экспурсияларни режалаштириш, ташкил этиш ва таҳлил қилиш малакаси.

З-топшириқ. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг бажарадиган ишларининг вазифалари ва уларнинг квалификацион модели мазмунига оид тушунчаларни изоҳланг!

№	Вазифалар	Қандай амалиёт, унинг мазмуни

1.	Талабаларни ўқитувчи вазифасини бажариш учун -	
2.	Талабалар рассом вазифасини бажариш учун -	
3.	Талабаларни санъатшунос вазифасини бажаришга тўла-тўкис тайёрлаш учун -	

Тингловчилар томонидан тўлдирилган жадвал ўқитувчининг варианти билан таққосланади.

Ўқитувчининг варианти

№	Вазифалар	Қандай амалиёт, унинг мазмуни
1.	Талабаларни ўқитувчи вазифасини бажариш учун -	Педамалиёт.
2.	Талабалар рассом вазифасини бажариш учун -	Пленэр (дала амалиёти).
3.	Талабаларни санъатшунос вазифасини бажаришга тўла-тўкис тайёрлаш учун -	Музей амалиёти.

Юкори малакали мутахассисларни тайёрлашда нафақат уларнинг назарий тайёргарлиги, балки амалий машғулотлари ҳам етакчи роль ўйнайди, чунки амалиёtsиз назария ҳаётий аҳамиятини йўқотади.

Шунинг учун биз талабаларнинг амалий машғулотларига катта аҳамият берамиз.

Ҳар бир профессионал функцияси ҳаётий вазиятларда маълум даражада тайёргарликни талаб қиласди. Талабаларни санъатшунос вазифасини бажаришга тўла-тўкис тайёрлаш учун музей амалиёти, рассом вазифасини бажариш учун – пленэр амалиёти ва ниҳоят ўқитувчи вазифасини бажариш учун - педагогик амалиёт зарур. Музей амалиётининг асосий мақсади - талабаларни тасвирий санъат асарлари билан таништириш. Шунинг учун улар музейларга, кўргазма залларига, тасвирий санъат галереяларига экспурсиялар ташкил этилиб, улар буюк тасвирий санъат усталарининг асарлари билан танишадилар.

4-топшириқ. Бу жадвал асосида талабалар у ёки бу вазифаларни бажариш борасида қандай билим ва малакаларни ўзлаштириш зарур эканлигини билиб олишади. Шунингдек, бу модел асосида талабаларни

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари
алоҳида касбий вазифалари билан биргаликда уларни касбий педагог фаолиятини бажариши борасида қанчалик тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳар бир тингловчи ўзининг фикри бўйича қандай билим ва малакаларни ўзлаштириш керак деб ҳисоблади ва нима учун, ана шуларни бу жадвалга ёзиши шарт.

Жадвални тўлдиринг

Талабаларни касбий фаолиятига тайёргарлик даражасини замонавий модели				
Санъатшунослик вазифаси		Рассомлик вазифаси		Педагогик вазифаси
Санъатшунослик билим ва малакалари		Тасвирилашнинг билим ва малакалари		Педагогик билим ва малакалар
1	2	3	4	5
6	7	8	9	
10	11	12	13	14

Тасвирий санъат ўқитувчисини касбий фаолиятига тайёргарлик даражасини шакллантиришда қандай билим ва малакалар керак бўлади.

Тингловчиларга қуйидаги жадвални тўлдириш талаб этилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тасвирий санъат ўқитувчиси ўз фаолиятида қандай вазифаларини бажаради ?
2. Полифункционал тайёргарлик тушунчасига таъриф беринг.
3. Ўқитувчи, санъатшунос ва рассом сифатларига мазмун-моҳиятига таъриф беринг?
4. Тасвирий санъат ўқитувчисининг тайёргарлик компонентларини номларини санаб ўтинг.
5. Тасвирий санъат ўқитувчисининг тайёргарлик компонентларини биронрасига билим ва малакасига мисол келтириңг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Мирахмедов К., Каримов Б., Нуруллаев И. Тасвирий санъат. Дарслик. 6 синф. -Т., Г.Гулям. 2017.
2. Кузиев Т., Абдирасилов С., Нуртаев У., Сулейманов А. Тасвирий санъат. Дарслик. 5синф. Т., Ўзбекистон. 2020.
3. Abdirasilov S., Tolipov N. Rangtasvir. – T.: Innovatsiya-Ziyo, 2019.-160 b.

4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ.

Бадиий таълимнинг замонавий кўпбосқичли тизимининг дидактик асослари.

Ишдан мақсад: Олий ўқув юртларида кўпбосқичли тизимида махсус фанларни ўқитиш жараёнини ташкиллаштириш. Кўпбосқичли тизимининг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш.

1-топшириқ. Бадиий таълимнинг замонавий кўпбосқичли тизимининг мазмунига оид тушунчаларни изоҳланг!

“Хотира” методи саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қачон қабул қилинган?
2. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг бош мақсади?
3. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларини айтиңг?
4. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълимни тизимлаштиринг?
5. Кўпбосқичли тизим қандай таълим тушунча беринг?
6. “Бакалавр” академик даражасини қандай тушунасиз?
7. Магистратура қандай таълим?

Тасвирий санъат фанининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари

- Жавоб: 1997 йил 29 августда Олий Мажлис 1 чақириқ IX сессиясида.
- Жавоб: Комил инсон – етук малакали мутахассис етиштириш.
- Жавоб: Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.
- Жавоб: Мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус касб-хунар таълим, Олий таълим, Олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим.

№	Иборалар	Мазмуни
1.	Кўпбосқичли тизим	
2.	Бакалавриат –	
3.	Магистратура -	
4.	Шахс	
5.	Давлат ва жамият	
6.	Узлуксиз таълим	
7.	Фан	
8.	Ишлаб чиқариш	

Тингловчилар томонидан тўлдирилган жадвал ўқитувчининг варианти билан таққосланади.

Ўқитувчининг варианти

№	Иборалар	Мазмуни
1.	Кўпбосқичли тизим	Олий таълим (бакалавриат ва магистратура) босқичга эга. Бакалаврлик дастури тугагандан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича «бакалавр» даражаси берилади. «Магистр» даражасини берадиган давлат малакаси аттестацияси магистрлик дастурининг интихосидир.
2.	Бакалавриат –	Мутахассисликлар бўйича фундаментал ва амалий билим беради ва таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.
3.	Магистратура -	аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.
4.	Шахс	Кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи

